

# ГАБРОВО ЛАТИФАЛАРИ ВА ҲАНГОМАЛАРИ

Таржимон ва ҳангомалар муаллифи  
МУХТОР ХУДОЙҚУЛОВ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ—1999

Габрово латифаларини тўплаб қайта ишлаганлар:  
*СТЕФАН ФИРТУНОВ ВА ПЕТКО ПРОДАНОВ*

Габрово латифалари ва ҳангомалари//Габрово латифаларини тўплаб қайта ишлаганлар: С. Фиртунов, П. Проданов; Тарж. ва ҳангомалар муаллифи: М. Худойқулов/.—Т.: «Шарқ», 1999.—128 б.

**ББК 82.33 Бл — 6**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти, 1999

## ҚАҶҚАҶАЛАРГА МУҚАДДИМА

Бугунги кунда дунёда Булгориянинг Габрово шаҳрини билмаган, эшитмаган одам бўлмаса керак. Узоқ тоғлар орасидаги бу дўшпидеккина шаҳар нимаси билан жаҳонга доврўғи кетган? Тўғри, бу ерда тўқимачилик, пойабзалчилик корхоналари мавжуд, уларда кийса кийилгудек маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Лекин Габровони дунёга танитган нарсалар булар эмас, балки бошқача — ниҳоятда ноёб, шу билан бирликда ниҳоятда арзон ва инсоният учун ниҳоятда зарур, қадрли ва бебаҳо бўлган маънавият дурдонаси — кулгидир! Ҳа, ҳа, худди шундай: Габровода кулги яратилади ва жаҳонга таратилади. Бундай маҳсулотни эса ишлаб чиқариш, яратиш осон эмас. Ҳақиқий кулги инсоннинг юрак-юрагидан чиқади, бинобарин Габрово кулгиси ҳам шунчаки ҳиринг-ҳиринг, оғзаки гуфтигў бўлмасдан, бу маконда яшовчи кишиларнинг ҳаёт тарзидан, феъли атворидан, инсоний фазилатларидан келиб чиқади. Габроволикларни кўпчилик қурумсоқ, зикна одамлар деб ўйлашади, аслида эса улар тежамкор, ҳисоб-китобли холос. Лекин улар шу қадар ўз фойдаси учун етти ўлчаб бир кесадиған, шу қадар режа билан иш тутадиган «иктисодчи» одамларки, уларнинг қилган ишларини эшитган одам кулмасдан туropolмайди. Улар мушук эшиқдан чиқаётганда хонадаги иссиқлик ташқарига чиқиб кетмасин, деб унинг думини кесиб қўйишади (шу боисдан ҳам думи кесилган қора мушук Габровонинг расмий тамғаси ҳисобланади), кучи бекорга кетмасин деб отларнинг ҳам думини кесишади, ички анжоми бекорга ейилмасин, деб тунда соатларини тўхтатиб қўйишади, тухумга кичкина жўмрак ўрнатиб, керагини оқизиб ишлатишади, суюқ ош пиширишмоқчи бўлишса гуручни санаб солишади ва ярмини эрталик учун олиб қўйишади, уй торайиб кетмасин деб ҳар йили оқлашавермайди, қўйлаклиги учун бир қарич бўлса ҳам камроқ мато кетар деб келинликка хипчабел қизларни танлашади, ер иқтисод бўлсин деб уйларнинг остки қисмини тор, юқорисини кенг қилиб қуришади ва ҳат-

токи қабристонни тежаш учун мурдани тик ҳолатда кўмишади (буниси, энди, лоф) ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси габроволикларнинг каллалари «якши ишлаши»ни кўрсатади, кўпи эса ҳазил, муболаға гаплар. Габроволиклар қув, лекин олижаноб, кўнгли кенг, дили хуш одамлар, шунинг учун ҳам улар ўзлари тўғри-сида ўзлари ҳазил-мутойиба гаплар, латифалар, маталлар тўқиб, ўзлари устидан кула оладилар. Габроволиклар фақат ўзларигина кулиб қолишмасдан бу латифаларни бутун дунёга таратишади, дунёни кулдир-ишади. Шу боисдан ҳам Габрово дунё кулги марказларидан бирига айланган. Бу ерда жаҳонда ягона кулги кошонаси — Ҳажв ва кулги уйи мавжуд. Бу даргоҳда жаҳон кулгичиларининг бадийий, тасвирий, кино асарлари кўрик-танловлари ўтказилади, кулги сайллари ташкил этилади. Ҳар икки йилда — тоқ йилларда ўтказиладиган Жаҳон кулгичилар байрамига бутун дунёдан ҳажвчи ёзувчилар, кулги сураткашлари, кино ва сахна кулдиргичлари йиғиладилар. Ҳафта давомида ўтадиган бу кулги байрамлари ҳамманинг дилини хушнуд этади.

Камина ҳам Габровога икки марта сафар қилишга ва 1989 ва 1991 йилларда ўтказилган Халқаро кулги анжуманларида иштирок этишга муяссар бўлдим. Габрово латифаларини ўзбек тилига таржима қилганим ва булғор ҳажвининг Ўзбекистонда ҳамда ўзбек кулгисининг Булғористонда янграшига озгина бўлса-да ўз улушимни қўша олганимдан жуда хурсандман. Булғор кулгиси Фарбий Европанинг Шотландия кулгиси, Русиянинг Одесса хушчақчақлиги билан бир қаторда ўзбекнинг аскияси, афанди латифалари, Бухоронинг Ширини, Наманганнинг Фирвон, Фарғонанинг Повилтон қишлоқлари кулгиси билан уйғунлашиб кетди.

Ҳа, Габрово кулгиси — беғубор, хушчақчақ, пурмаъноли кулгидир. Сиз ҳам, азиз китобхон, келинг, бу кулгидан баҳраманд бўлинг, биз билан кўшилишиб кулинг. Зеро ҳаёт кулги билан обод, жаҳон кула олгани учунгина сақланиб турибди-да!

Мухтор Худойқулов, ёзувчи

## ГАБРОВОЛИКЛАР ҲАҚИДА ШУНДАЙ ГАПЛАР БОРКИ, УЛАР...

... ички қисмлари бекорга ейилмасин, деб кечаси соатларини тўхтатиб қўйишади.

... қўшни Севлиево шаҳрида чалинаётган музикани эшитиб туриш учун хонаки юнг пайпоқларда хоро рақсига тушишади.

... шиллиқ қуртлардан таом тайёрлашганда чиғаноғини ташлаб юбормасдан ипга тизиб, яна шўрва пиширишади: гўштсиз бўлса чиғаноқнинг ичига озгинадан гуруч, гўшти бўлса ичак-чавоқни қиймалаб тиқишади... Қўшниникига тўсатдан меҳмон келиб қолса, чиғаноқларини қарзга бериб туриш ҳоллари ҳам бўлиб туради.

... отларнинг олдига қипиқ солишганда уни пичан деб ўйлашсин деб уларнинг кўзларига яшил рангли кўзойнак тақиб қўйишади.

... ўрдак бола очсин деб лайлакнинг инига ўрдак тухумларини солиб қўйишади. Шунинг учун Габровода лайлак жуда кам учрайди.

... ер ҳайф кетмасин деб уйларининг тагини тор, устини кенг қилиб қуришади.

... шаҳарнинг барча юқори табақали меҳмонларига ўзларининг содиқ фуқаролик туйғуларининг рамзи сифатида каптар совға қилишади. Ҳалиги каптарлар қўйиб юборилгач, бари бир уйларига қайтиб келишади.

... Софияга хизмат юзасидан бориб қолишгундек бўлишса, эрталаб нонуштага чой ўрнига шаҳар марказидаги булоқдан қайнаб чиқадиган илиқ минерал сув ичишади.



... туғилган кунларини байрам қилишганда бир уюм ёнғоқ пўчоғи устига икки-учта ёнғоқ қўйиб қўйишади... Бир томондан ёнғоқ тежалади, яна одамлар бу зиёфатта кўпчилик келибди, деб ўйлашади.

... балиқни шунчалик тузлашадики, бир дона балиқ билан уч-тўртта думалоқ булка нонни еб қўйишади, шунинг ўзи уларга бир ҳафтага етиб ортади.

... хотинларига уна олишганда кўпроққа етсин, деб ун ҳам қўшиб қўйишади.

... балиқ ейишганда қилтанокларини алоҳида ажратиб олишиб, кейин улардан тиш кавлагич ўрнида фойдаланишади.

... мўри тозаловчига пул сарф қилиб ўтирмаслик учун мўридан мушукларни ташлашиб юборишади.

... ижара ўтириш учун хона танлашганда деразасининг олдида кўча чироғининг бўлишига алоҳида эътибор беришади. Кўча чироғи бўлса ичкарида чироқ ёқмасдан ўтириш мумкин-да!

... эрталаб бир тўғрам нон билан бозорга бориб, сотилаётган сузма қатик, пишлоқ, ёғларнинг мазасини татиб кўришади-да... шу зайлда нонушта қилиб олишади.

... товуклар тонг отди деб яна тухум қилсин учун кечаси товукхонадаги чироқни ёқиб-ёқиб туришади.

... карвонсаройларда тунаб қолишса катта қозонда ҳарифона қилишиб шўрва пиширишади, лекин ҳар бир одам ўзи солган гўшт бўлагига белгили чўп боғлаб қўяди.

... уйланишганда доим хипчабел қизларни танлашади, негаки, бундай хотин уйда кўп жойни эгалламайди, кўйлакка ҳам чит оз кетади.

... чошгоҳдан кейин соқол олишмайди, негаки, кечаси билан барибир яна ўсиб қолаверади.

... рангсиз лимон сувини рангли шишаларга қўйиб сотишади.

... папирос чекишганда гугурт донасини узунасига икки бўлиб, икки марта ишлатишади.

... ёқиш учун сип-силлиқ саржин ўтинни яхши иситмайди деб олишмайди. Сербутоқ ўтин олсанг уни ёрман деб уринганингадәк ўз-ўзиндан исиб кетасан.

... нард ўйинига ўтиришдан олдин пулини ютқазган тўлайди, деб қаҳва буюриб қўйишади.

... бирон нарсани эста келтираман, деб қийналиб ўтиришмайди, балки бирор наф чиқадиган одамларнингина эсларида сақлашади.

... хона совиб кетмаслиги учун ташқарига чиққанда эшик дарров бекилсин, деб мушукларнинг думини кесиб қўйишади.

... меҳмоннинг олдига чой-нон қўйилганда, ёғ олиш мумкин бўлмасин, деб пичоқларни қиздириб қўйишади.

... бирон нарсани бўягундай бўлишса, «Бўёқдан эҳтиёт бўл!» — деб эмас, балки «Бўёқни эҳтиёт қил!» — деган ёзув осиб қўйишади.

... тухумдан қанча қисми керак бўлса шунчасини оқизиб олиш учун унга жўмракча ўрнатиб қўйишади — ахир, бирон таом пиширилганда бутун бир тухумни сарфлаш ғирт исрофгарчилик эмасми?!

... тарвуз билан қовунни қарзга беришмайди, чунки пўчоғи юнқалигида қарзга берсанг, пўчоғи қалинлигида қайтаришлари мумкин.

... савдолашишга ғоят ишқибозликларидан энг кичик пул бирлиги — тийиннинг ўн олтидан бирини ўйлаб топишган.

... бирон нарса сотиб олишса, янги газетага ўраб беришларини илтимос қилишади.

... бирор ип бўлагини топиб олишса, бармоқларига ўраб кўришади, бир ўрамга етса, бирон жойга яшириб қўйишади. Эҳтимол, керак бўлиб қолар!

... товуқнинг инига тешик қилиб, тагига халтача осиб қўйишади. Товуқ тухум қилади, ўтирилиб қараса — тухум йўқ. Ноилож бошқа тухумлайди!

... ойнаси эскириб қолмасин, деб овқат пайтида кўзойнақларини олиб қўйишади.

... икки тийинни тушириб юборишса, шунақанги жон-жаҳдлари билан қидиришадики, ҳатто ўн тийинлик шам ёқишга тайёрлар.

... азиз-авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиш учун боришганда ўзлари билан бир йилга етарли озиқ-овқат: ун, пишлоқ, олхўри қоқи, ҳатто... тузланган карам ҳам олишади.

... ўз егуликларини ўзлари олиб тез-тез меҳмонга бориб туришади, авлиё Георгий мавлуди куни эса дўстона, қон-қариндошларча умумий тўкмага йиғилишади ва ҳар ким ўзи олиб келган кўзини ейди.

... сувни жуда эъзозлашади, чунки сувнинг жиллари уларга тангаларнинг ялтирашига ўхшаб кетади.

... қаерлардадир нимадир қилиш тўғрисида ўйлаб қўйишса, шу «нимадир»ни Габровога келиб қилишади.

... товуқни тоғнинг нариги томонидан харид қилишади. Йўл-йўлакай ҳар бир тоғости йўлдан ўтилганда товуқлар тонг отди шекилли, деб тухум туғишаверади.

... бир куни еттита габроволик битта қошиқда атала ичиб ўтиришганда уларнинг олдидан кўздан бери қидирилаётган ашаддий ўғри ўтиб қолибди, аммо уни ҳеч ким пайқамабди, негаки ҳамманинг кўзи қошиқда экан-да.

... арзон овқатланмоқчи бўлишганда шолғом сотиб олишади. Бу уч жиҳатдан фойдали — ҳам ароқнинг газаги, ҳам овқат, ҳам баргини мол ейди...

... Поп Миньо бобо ўз овқатини шунчалик ёғсиз қилардики, ҳатто унга пашшаларнинг ҳам кўнгли суст кетмасди.



... Шипка чўққисига йўл олишганда ўз оёқ кийимлари ейилиб қолмасин, деб тоғ сайёҳларининг пойабзалларини ижарага олишади.

... хўжалиқда ёғочдан ясалган товоқлардан фойдаланишади, негаки сопол товоқлар тез синади: уч-тўрт йил ўтмасдан янгисини олишга тўғри келади.

... улар дудланган балиқ қоқисини яхши кўришади, ундан кейин сув кўп ичилади, шунинг учун овқат кам ейилса ҳам бўлаверади.

... кинотеатрга киришганда биринчи қаторга чипта олишади — улар жудаям арзон — залда чироқ ўчиши билан орқа қаторларга ўтиб ўтириб олишади.

... габроволик аёллар кўрпа-тўшакларини ойна олдидида қоқиб-тозалашганда эски қишлоқча кийим кийиб олишади: кўшнилари танимасдан хизматкор ёллабди деб ўйлашади-да!

... ишлаганда ҳам, бир-бирларининг кўлларини силтаб савдолашганда ҳам жикқа терга ботиб кетишади.

... агарда барра кўзи гўштидан кабоб қилишса, эртасига чўп сихни қайнатиб, шўрва қилиб ичишади. Ахир, кечаги сингиб қолган ёғи бекор кетмасин-да!

... фақат қизил вино ичишади: ундан ҳеч бўлмаса бўёғи қолади-ку, оқ винодан нима ҳам қоларди?

... габроволик хонимлар театрга боришганда елпигичлари ейилиб қолмасин деб елпигични бир жойда тутиб, каллаларини тебратиб елпинишади.

## **ГАБРОВОДА ГАБРОВОЛИКЛАР ЯШАЙДИ**

Бир сайёҳ габроволик чолдан шаҳарда қанча аҳоли яшашини сўради.

— Бизда яшайдиганлар оддий аҳоли эмас, балки ҳаммаси габроволиклар, буни яхши билиш керак, — деб жавоб берди чол.

## БОЙ БЕРИЛГАН ФОЙДА

Қандайдир сайёҳ Габровода тўхтаб, бирон-бир эс-далик сотиб олиш учун дўконга кирди. Арзимаган бир тақинчоқни танлаб, неча пул туришини сўрадию, пулини дарҳол тўлаб дўкондан чиқди.

Габроволик бўлмиш дўкон эгаси харидорнинг савдолашмасдан пул тўлашини кутмаган экан, ҳалиги мол учун юқорироқ баҳо сўрамагани учун алам қилди ва ўзини тутолмасдан ҳалиги харидорнинг кетидан бақирди:

— Ҳей, молни бу ёққа қайтар! Ол пулингни, пишириб е!

## ГАБРОВОЧА ВАҚТ АЙТИШ

Бир габроволикдан, соат неча бўлди, деб сўрашди.

— Ўндан йигирма беш тийин ўтди, — деб жавоб қилди у.

## ЗИЁФАТ ЭГАСИ

Уч улфат ресторанга киришди. Улардан икkitаси қўл ювгани кетишди. Бу пайт асли габроволик бўлган учинчиси таомномани олди-да, қимматроқ овқатларнинг устидан чизиб, ўчириб чиқди.

— Ахир, бугунги зиёфат учун пулни камина тўлайди-да, — деди у ресторан эгасига.

## ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Габроволик ўзига таниш бир шифокорни кўриб, бепул маслаҳат олиш илинжида ундан сўради:

— Дўстим, тумов бўлиб қолсанг нима қиласан?

— Чучкираман, — деб жавоб қилди шифокор. У ҳам габроволик эди-да.

## САБОҚ

Бой савдогарнинг қўшниси ундан олган аввалги қарзини узмасдан яна пул сўрамоқчи бўлди. Савдогар қўшнисининг сўзларини тинглаб бўлгач, сўраганини ғаладондан олишга рухсат берди.

— И-е, бу ерда ҳеч қандай пул йўқ-ку? — деди қўшниси қуп-қуруқ ғаладонни кўриб хафа бўлиб.

— Олганингни қайтариб бермаганингдан кейин қаердан бўлсин, — деди савдогар бамайлихотир.

### НАВБАТ БИЛАН ТАҚИЛАДИГАН УЗУК

— Никоҳ узугинг қани? — деб сўрашди габроволикдан.

— Бу ҳафта уни хотиним тақади, — деб жавоб қилди у.

### АЛДАДИ

Габроволик арзонбаҳо меҳмонхонада тунаб қолди. Кечаси уни қандала талай бошлади. Шунда у ўрнидан туриб, чироқ ёқди, эшикни очди ва қаттиқ тарақлатиб ёпиб, яна ўрнига ётди. Ҳайрон бўлиб қараб турган ҳамхонасига изоҳ берди:

— Қандалаларни алдаяпман, мени кетди деб ўйлашсин.

### ЮЗГА КИРГАН МҲЙСАФИД

Қўй ва эчкиларни боқиб юрган юз яшар чолнинг олдига бир журналист суҳбат қуриш учун келди.

— Бува, қандай сут ичасиз? Эчки сутими ё қўй сутими? — деб сўрай бошлади у.

— Қайсиниси арзонроқ бўлса, шуни, болам, — деб жавоб берди чол.

### РЕСТОРАНДА

Габроволик: — Официант, стол тагига ўн тийинлик пулим тушиб кетди. Агар уни топсанг — менга қайтариб бер, тополмасанг, майли, чойчақа учун ола қол!

### ХАСИС БЎЛМАЙ КЕТ

Габроволик эшигини тузатмоқчи бўлди. Кичкина ўғлини қўшнисиникига теша олиб чиқиш учун юборди. Бир оздан сўнг бола қайтиб келди: Қўшниси, тешам йўқ, деб ёлғон гапирибди.

— Хасис бўлмай кет, — деди қўшни томонга қараб ота, сўнг ўғлига юзланди: — Бор, қазноқдан ўзимизникини олиб чиқ.

## МЕҲМОННАВОЗЛИК

Габроволикларникига армияда бирга хизмат қилган дўсти меҳмон бўлиб келди ва мезбон унга шаҳарнинг томошабоп жойларини кўрсата бошлади. Улар ҳориб-чарчаб янги рестораннынг олдига келишганида габроволик деди:

— Мен физиллаб уйга бориб келгунимча сен бу ерда арзонгина овқатланиб олишинг мумкин.

## ЧЕКИБ БЎЛИНГАН ПУЛ

Габроволик бир деҳқондан бир лев пул қарздор бўлиб қолди. Ҳалиги деҳқон уни ҳол-жонига қўймас, деярли ҳар куни унинг уйига келиб, пулини қистарди. Габроволик эса у ҳар келганда папирос билан сийлашни унутмасди. Деҳқон ўнинчи марта келганда эса у ён дафтарчасига қараб нималарнидир ҳисоблаб, деди:

— Тамом! Сен бир левингни чекиб бўлдинг!

## ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН, КЕЛИНИМ СЕН ЭШИТ

Габроволик қишлоқдаги танишлариникига бориб тушди. Ҳовлида уни болалар, «шаҳарлик амаки» совға олиб келди, деб хурсанд бўлишиб ўраб олишди.

— Қани, кўрайлик-чи, — деди у киссасини кавлаб туриб, — қайси биринглар ҳақиқий азамат экансизлар, отга ким ҳаммадан олдин, ҳаммадан кўп пичан олиб келар экан...

Габроволик отини бостирмага боғлаётганда болалар охурга пичан тўлдириб қўйишди. У болаларга бир бўлақдан қанд улашди-да, уйга кирди. Овқат пайти келганда у гарданини қашиб, деди:

— Бориб халтамни олиб келай, қорин очгандай бўляпти...

Бир оздан сўнг бостирма тагидан сўкинган овоз эшитилди. Эшикка чиққан уй бекаси габроволикнинг хипчин билан ҳадеб эгарни савалаётганини кўрди.

— Менга қара, Рачо, нега от бечорани уряпсан? - деб қичқирди уй бекаси.

— Ярамас маҳлуқ! Нонни ҳидидан билиб, паққос еб қўйибди!

Габроволик яна ғазабга минди.

— Жониворни тинч қўй, уйда бирор егулик топилиб қолар.

Габроволик хипчинни ташлади-да, йўл-йўлакай жавраганича уй бекасига эргашди:

— Биламан, сен қўли очиқ хотинсан, нон, пишлоқ билан меҳмон қиласан, яна йўлга ҳам берасан. Лекин от деган жонвор ҳам бировнинг насибасига кўз олайтириши яхши эмаслигини билиш керак-ку! Майли, ҳали ёш, эси кириб қолар!

### САЁҲАТЧИ

Габроволик фабрикант Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилиб юриб, ибодатхоналардан бирида олти қўлли Чандра худосини кўриб қолди.

— Менга мана шунақа ишчи керак-да! — дея қичқириб юборди у.

### ҚИММАТГА ТУШДИ

Зиқналиги билан машҳур бўлган Миньо Попни ўзи қурилиш учун 40 000 танга хайр-эҳсон қилган шаҳар қироатхонасига таклиф этишиб, унга бағишланган ёдгорлик тахтаси ўрнатиладиган жойни кўрсатишганда чол бир хўрсиниб олиб деди:

— Эҳ, бу жойга етишгунимча, тежайман деб, қанча ловияни ёғсиз қайнатиб еганман...

### КАЛЛАСИ ИШЛАЙДИ

— Бундай совуқда кўчада кимни кутиб турибсан?

— Э, нимасини айтасан! Бир шиша бўзам бор эди, қўлимдан тушиб кетди, энди музлаб қолса, йиғиштириб оларман, деб кутиб турибман.

### ҚАДРИГА ЕТИШДИ

Габровога асос солган темирчи Рачога ҳайкал қуриш пайтида муаллифлар ёдгорликни Янтра дарёсининг ўртасига ўрнатишни таклиф қилишди. Бу фикр ҳаммага хуш келди.

— Баракалла, азаматлар! — бош силкишарди габроволиклар мамнунлик билан. — Сувга ўрнатилса — ер ёнга қолади!

## БИРИНЧИ ЎГИТ

Отаси ўғлига янги оёқ кийими олиб берди. Улар кечқурун қариндошлариникига меҳмонга йўл олишди. Йўлда отаси ўғлидан сўради:

- Ўғлим, янги этиқдасан, а?
- Ҳа, дада.
- Ундай бўлса қадамингни каттароқ бос.

## ЯЛҚОВЛИҚДАН ЭМИШ

- Дада, нега ижарачимиз ҳар куни кабоб ейди?
- Чунки помидор экишга эринади-да, — деди отаси.

## ҚУЛИНГ ЎРГИЛСИН ГАБРОВОЛИК

Габроволик енгил машина сотиб олди. Аммо пул тўлашда бир қисмини бир ойгача муҳлат билан гаров сифатида ушлаб қолди. Уч кун ўтмасдан оқ сотувчига автомобилнинг сигнал берадиган клаксонини келтириб беришди. Унга харидорнинг хотини ёзган қўйидагича хат қўшиб юборилган эди:

— Сизга клаксонни қайтариб юбораётирман, негаки, эрим машқ қила-қила оғзи билан сигнал чалишни ўрганиб олди. Сизга тегиши лозим бўлган маблағ ҳисобидан клаксоннинг баҳосини чиқариб ташлаб, орани очик қилиб қўйинг.

## ҲАММОМДА

- Ваннага чипта неча пул туради?
- Икки лев.
- Мана сизга бир лев, бизга ваннанинг ярмигача сув бўлса ҳам кифоя.

## ПОШШО ТАНГА

Бир куни кечқурун габроволик София вокзалида поезддан тушиб фойтон ёллади.

— Ючбунарга ҳайда!

«Савдолашмасдан ўтирдими, роса шилганим бўлсин», — деб ўйлаб қўйди извошчи.

Улар шаҳарнинг анча узоқдаги бу маҳалласига етиб келишганда габроволик қичқариб юборди:

— Етдик!

У файтондан тушиб, киссасини ковлаб, гугурт ах-тара бошлади.

— Жуда лапашангман-да, пошшо тангамни файтонда тушириб қўйибманку, — деди у.

Буни эшитган аравакаш отларга қамчи босдию, физилаб жўнаб қолди.

Габроволик мийиғида кулиб қўйди-да, орқа кўчага кириб кетди.

### КУЗАТИШ

Габроволик қиз онасиникига меҳмонга келган эди. У қайтиб кета туриб, эшик олдида тўхтаб сўради:

— Бирон нарсамни унутиб қолдирмаяпманми?

— Бирон нарсани унутиб қолдириш учун ўша «нарс»ни олдин олиб келиш керак! — деди отаси.

### УНДАЙ БЎЛСА ФАҚАТ ГАРМДОРИ

Гастрономга кирган габроволик юз грамм колбаса учун чек урдирди. Сотувчи унга колбаса билан бирга кичкина халтачада гармдори ҳам қўшиб берди.

— Менга гармдори керак эмас, — эътироз билдирди габроволик.

— У бепул, колбасага қўшимча, — деди сотувчи.

— Ундай бўлса менга гармдорининг ўзини бера қолинг!

### СИНЧКОВ ХАРИДОР

Габроволик костюм учун мато танларди.

— Кечирасиз, нега сиз нукул терс томонини синчиклаб қараяпсиз? — деб сўради сотувчи.

— Бир неча йилдан кейин эгнимда қандай кўринишини билмоқчиманда, — деб жавоб берди синчков харидор.

### ОЛТИ ЛИТРАЛИК ИДИШГА УЧ ЮЗ ГРАММ

Габроволик устанинг олдида буюртмачи ўтирган эди, шогирди кириб жазлик ёғ тугаб қолганини айтди.

— Анови олти литралик идишни олиб, физилаб бориб дўкондан олиб келиб қўй. Мана пули! — деди пинагини бузмай уста.

Аммо шогирдининг қулоғига секин пичирлаб қўйди:

— Уч юз граммдан кўп олма!

### ОВҚАТ ПАЙТИ

Бир неча улфатлар бир габроволикникида карта ўйнаш учун тўпланишди. Овқат пайти келгач, уй эгаси бирдан шундай деди:

— Картаям бўлди, қани, уй-уйингга овқатга!

### ЯХШИ ХАРИД

Габроволик ўз қайнонасининг қабрига ёдгорлик қўймоқчи бўлди.

— Сизда бирор тузукроқ, лекин арзонроқ нарса топиладими?

— Битта тоштахта бор, лекин унга бир исм ўйиб қўйилган эди-да...

— Майли, бўлаверади. Раҳматлик қайнонам ўқишни билмас эди.

### ҚЎЛГА ТУШДИ

Габроволик ҳар гал чеккиси келганда бирор кишидан тиланиб:

— Ошна, битта чектир, яқин-ўртада дўкон ҳам йўқ экан. Эвазига мана, ўн тангалик олақол, — деб айёрлик қиларди.

Одамлар уни сигарета билан меҳмон қилишар ва турган гапки, одоб юзасидан пулини олишмасди. Габроволик неча йилки, шу зайл кун кечирарди. Аммо бир кун София вокзалида унга сигарета чектирган одам ўзига таклиф этилган ўн тангаликни қилт этмай олиб, чўнтагига бамайлихотир солиб қўйдикки, айёр кашанда ҳанг-манг бўлганидан тили калимага зўрға келди:

— Ўзлари қаердан бўладилар?

— Габроводан, — деди ҳалиги киши пинагини бузмасдан.

### УМУМИЙ АНДОЗА

— Марҳамат қилиб, менга костюм тикиб берсангиз, лекин андозасини ўғлимдан оласиз.



- Нима учун?
- Шунинг учунки, кейинчалик уни ўғлим кияди-да.

## ЮТУҚ

Бир габроволик иккинчисига ҳар сафар лотерея ўйини ўтказилганда лотерея билети сотиб олмагани учун элик тийинга бойиётганлигини айтиб мақтанди.

— Ундай бўлса, ютуқнинг чўталини чўзиб қўй, — деб юборди шериги.

## БЎЛАДИГАН БОЛА

Кичкина габроволик тешиккулча сотувчидан сўради:

— Амакижон, тешиккулчанинг тешиги қанча туради?

— Ҳеч қанча турмайди, — деб жавоб берди сотувчи.

— Ундай бўлса менга тешиги катта битта тешиккулча сотинг.

## ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Габроволик жамоат ҳожатхонасига кириб келди.

— Билет олинг! — деб қичқаришди унга кассадан.

— Абонементим бор! — деб жавоб берди габроволик ва бўлмалардан бирига ўзини урди.

## АЖАБ БЎЛСИН

Пойтахтнинг юморист ёзувчиларидан бир гуруҳини Севлиево округининг қишлоқларидан бирига таклиф этишган эди. Қишлоқнинг барча аҳолиси қатнашсин учун учрашув очиқ ҳавода ўтказилди. Роса хушчақчақлик бўлса керак, деб кутишган эди, лекин ёзувчилар ўз асарларини ҳар галгидек жуда зерикарли ўқишди. Тингловчиларнинг ҳафсалалари пир бўлди. Учрашув тутагач, меҳмонларни улар учун ажратилган уйга олиб киришди. Дехқонлардан бири йўл-йўлакай сўраб қолди:

— Эртага қаерда бўласизлар?

— Габровода, — деб жавоб берди юморист.

— У ерда ҳам шу нарсаларни ўқисизларми?

— Ҳа.

— Жуда тўғри қиласизлар. Габроволиклар бундан баттар бўлишсин.

### «ҚОП»

Габроволик Софияга жуда катта қопдаги юки билан келиб, трамвайга чиқди.

— Ўзинга билет учун уч тийин, юкинг учун олти тийин тўла, — деди унга кондуктор.

Шунда габроволик қопининг оғзини очиб деди:

— Чиқавер, Панчо! «Юк» ҳолингда қимматроққа тушаркансан.

### МАНТИҚ

— Хонада ҳарорат қанча экан? — деб сўради габроволик хотинидан.

— Ўн беш градус, — деб жавоб берди хотини.

— Ташқарида-чи?

— Йигирма.

— Ундай бўлса деразани очвор!

### АЙНИДИ

Бир ёш йигит савдо-сотик билан шуғулланиш учун бир кекса бойдан дастмоя сўради. Чол унга пул берди. Хурсанд бўлган йигит чўнтагидан сигарета олди, гугурт чақиб, чека бошлади. Чол эса бир унга, бир ўчоқда ёниб турган кўмир чўғларига қараб деди:

— Ҳой, қадрдон, пулимни бер-чи, қайтадан бир санай, адашмадиммикин...

Пулни олгач, бамайлихотир киссасига солиб, сўзида давом этди:

— Отанг-ку, кўп хурматли одам эди, аммо сен унга ўхшамабсан. Сендан икки дунёдаям савдогар чиқмайди.

### ШЕРИКЛИК ЭШАК

Икки қўшни дўст бўлишиб эшак сотиб олишди.

— Қайси ярмини оласан? — деб сўради биринчи қўшни.

— Ахир эшак ўртада-кў!

— Шундай, лекин бари бир қайси ярми кимга тегишини билиб қўйишимиз керак.

— Сен қайси томонини хоҳлардинг? — деди кулиб иккинчи қўшни.

— Олд тарафини, калласи бор томонини, — деб жавоб берди биринчи қўшни иккиланмасдан.

— Майли! — рози бўлди иккинчи қўшни. У эшакнинг думига қўнган пашшаларни ҳайдади-да, шеригига деди:

— Мен ўзимга тегишли томоннинг ғамини еб бўлдим. Энди сенинг навбатинг. Сули сотиб ол, ўз томонингни яхшилаб тўйдир, шерикчилигимизга ривож берсин.

### САРТАРОШ ВА ГАБРОВОЛИК

— Сизга упа суриб қўяйми?

— Бу ҳам соч олдиришнинг баҳосига кирадими?

— Ҳа.

— Ундай бўлса менга упани ўраб бера қолинг, хотинимга олиб бораман.

### ХУДОНИЯМ АЛДАДИ

Қўшни қишлоқлик деҳқон габроволикдан қарзга пул сўради. Габроволик қарз беришга рози бўлди-ю, лекин тўққиз фоиз фойда талаб қилди.

— Бу ахир талончилик-ку! — ғазабланди деҳқон.— Худодан кўрқ!

— Ахир, худога у ёқдан, юқоридан тўққиз олти бўлиб кўринади-да!

### ҒОЙИБ БЎЛГАН ШЕР

Бир савдогар рассомга шернинг сурати солинган вивеска буюрди.

— Қанақасини хоҳлайсан: шер боғлаб қўйилган бўлсинми ё шундайми? — деб сўради рассом. — Шернинг боғланмагани 100 лев, боғлангани 200 лев туради.

— Боғланмаганини, — деди шоша-пиша савдогар.

Рассом вивескани тайёрлади. Уни осиб қўйишди. Кечаси ёмғир ёғди. Савдогар эрталаб дўконини очаётиб, бўёқлар ювилиб кетиб, шер ғойиб бўлганини кўрди. У жаҳл билан рассомнинг олдига жўнади.

— Сен боғланмаган шерни хоҳлардинг, мен сенга

худди ўшанақасини чизиб бердим, — деб ўзини оқлади  
рассом. У фақат боғланган шерларнигина мойли  
бўёқ билан ишларди.

### БИТТАСИ БЎЛАДИ-ДА!

- Сенда эгизакларнинг сурати борми?
- Мана!
- Ахир бу ерда биттаси холос-ку?
- Шу етарли. Иккинчиси ҳам худди шунинг ўзи.

### ЎХШАТМАСДАН УЧРАТМАС

Нима бўлибди-ю, Габровонинг машҳур савдогари  
ва судхўрниқига унга мол етказиб берувчи мижози  
меҳмон бўлиб келибди. Кечки овқатдан сўнг улар тў-  
қима креслоларга ўтириб суҳбатлаша бошлашибди.  
Бир оздан сўнг уй эгаси чироқни ўчириб қўйиб шун-  
дай дебди:

— Бекорга керосин кетказишнинг кераги йўқ. Биз  
шундоғам бир-биримизни эшитиб, тушуниб ўтираве-  
рамиз.

Яна гаплашиб ўтиришбди. Меҳмон кетмоқчи бў-  
либди. Уй эгаси чироқни ёқмоқчи бўлибди.

— Шошмай тур! — уни тўхтатибди меҳмон. —  
Қоронғида ўтирганимизда бекорга ишқаланмасин, деб  
шимимни ечиб қўйган эдим.

### СОВҒАЛАР

Тўй куни келинга уч дона соябон совға қилишди.  
Бунча соябоннинг кераги йўқлигидан у бирор бошқа  
нарсага алиштириб олиш учун уларни атторлик мага-  
зинига олиб келди.

— Афсуски, бу соябонлар бизнинг магазиндан  
олинмаган, — деди сотувчи қиз.

— Ахир, дастасига ёпиштирилган қоғозда сизлар-  
нинг фирмаларингиз кўрсатилган-ку?

— Бу — соябон бизда тузатилган, дегани бўлади.  
Кўрмаяпсизми, витринада: «Эски соябонлар таъмир  
қилинади», деб ёзиб қўйилган-ку?

Алам қилган келин уйига бориб қараса, бошқа соя-  
бонларда ҳам шунақа қоғоз бор экан.

## ОИЛАВИЙ СУҲБАТ

- Пенчевга қаттиқ парҳез буюришибди.
- Бўлмаса уни бир меҳмонга чақирайлик.

## БАС БОЙЛАШ

Икки габроволик бутхонада ким камроқ хайр-эхсон қилишга бас бойлашибди.

Уларнинг ёнидан бутхона ходими ўтиб бораётганда биринчи габроволик патнисга бир тийинлик чақа ташлаб, ўртоғига голибона қараб қўйибди.

— Иккаламиз учун, — дебди итоатгўйлик билан иккинчиси ва чўқиниб қўйибди.

## ГАБРОВОЧА МАСЛАҲАТ

— Менинг хизматкорим қандимдан тез-тез ўғирлаб туради шекилли.

— Меники бўлса ўғирлагиси келсаям бунинг уядан чика олмайди.

— Нега?

— Чунки мен қанддонга доим пашша қамаб қўяман, у йўқ бўлса, қанддон очилгани маълум бўлади қолади.

## КЕЧИҚДИ

Елена шаҳридан бўлган бир киши айёрлик қилмоқчи бўлди. У бир лўлини чақириб, гўё қадимдан истамбуллик хўжадан қолган бир хатга кўра унинг ҳовлисида хазина кўмилган бўлиши кераклигини айтиб, ана шу хазинани бўлишиб олишни таклиф қилди.

— Хўжайин, ўша истамбуллик хўжага ишонма, — деди лўли. — У битта габроволикка ҳам хат қолдирган экан. Мен унга бутун бир қудуқ қазиб бердим, аммо ҳеч нарса топилмади.

## СУДАА

— Турмуш қурганларингнинг биринчи кунларида эрингизнинг биронта яхши фазилати бормиди?

— Бор эди-ю, лекин бир тийини ҳам қолмасдан соб бўлди.

## ҲИСОБЛИК ДЎСТ АЙРИЛМАС

Бир габроволик дунёдан тўйиб, ўзини ўзи осди. Шу пайт хизматкор келиб қолиб, арқонни шартга қирқиб юборди.

Ойнинг охирида хўжайини ундан тўрт лев — арқоннинг баҳосини ушлаб қолди.

## ФАҲМУ ФАРОСАТИ ДУРУСТ

Габроволик болакай шоколаддан ясалган одамча сотиб олмоқчи бўлди.

— Қанақасини хоҳлайсан: қиз боланими ёки ўғил боланими? — деб сўради ундан сотувчи аёл.

— Ўғил болани! — деб жавоб берди ўз фойдасини яхши билган тирмизак.

## ҲЕЧ НИМАДАН БИР НИМА

Бир пиёладан қаҳва ичишга йиғилишган габроволик дўстлар бошқалардан бойроқ бўлган ўз улфатларидан қисқа вақт ичида у қандай қилиб ҳеч нимадан бир нималик бўлиб олганлигининг сирини сўрашди.

— Хотинларинг, айтайлик, суюқ ош пиширишса қанча гуруч солади? — деб сўради у ўз навбатида.

— Қанча бўларди... керагини-да!

— Ана шу «кераги»дан эрталик учун ҳам олиб қўйиш керак!

## ОШХОНАДА

— Эй йигит, менга гўштли овқатингдан олиб кел!

— Жоним билан.

— Жонинг керак эмас, лекин картошка албатта бўлсин, кўпроқ бўлсин.

## БИТИМ

Бир габроволик савдо-сотик қилишга уннабди. Банкнинг эшиги олдига қутисини қўйиб олиб, қайнатилган маккажўхори сўтаси сота бошлабди. Маккажўхори ҳам айни думбул бўлган пайти экан, халқ ёпирилиб келаверибди. Қарабсизки, ўша габроволик қисқа вақт ичида дурустгина пул ишлаб олибди. Мавсум охирида бир таниши ундан қарз сўраб қолибди.

— Биласанми, оғайни, — деди унга маккажўхори-фуруш, — мен бу ишга қўл ура туриб банк билан битим тузганман: банк пиширилган маккажўхори сот-майдиган, мен бўлсам қарзга пул бермайдиган бўлганман.

### НАЗАРИ ПАСТ БЎЛМАЙЛИК

Сотувчида қайтим учун бир тийин топилмади.

— Эвазига нима берай? — деб сўради у харидордан.

— Э, назари паст бўлмайлик, — деди харидор ва габроволик бўлгани учун дарҳол қўшиб қўйди: — Менга бир стаканчада ароқ қуйиб бера қолинг, орамиз очиқ бўлади-қўяди.

### БИРИ БИРИДАН ЎТКИР

Бир қиз йигитига ота-оналари уйда йўқ пайтида унинг олдига келишини тайинлади. Аммо ҳар эҳтимолга қарши қиз уйга олдин кириб, битта танга ташлаб хабар беришини келишиб олишди. Танга йўлакка тушиб жарангласа, йигит киравериши мумкин.

Қиз тангани ташлади, лекин йигитдан дарак бўлавермади. Кута-кута тоқати тоқ бўлган қиз пастга тушиб қараса, йигит ҳадеб йўлакни пайпаслаб ниманидир қидиряпти.

— Ташлаган танганг қолиб кетмасин, деган эдим, — ўзини оқлай бошлади у.

— Ахир, мен уни ишга боғлаб қўйгандим, алақачон тортиб олганман, — кулиб юборди қиз.

### ҲИЙЛАДА ЎТИБ ТУШДИ

Шифокорнинг биринчи кўришида икки лев, кейингилари учун эса бир левдан олишини билган габроволик бемор уни алдамоқчи бўлди.

— Мен биринчи марта келганимда сиз менга қандайдир дори ёзиб берган эдингиз, лекин у ҳеч фойда бермаяпти, — деди у шифокорга.

Шифокор алдовни сизди, лекин касални кўриб бўлгач, қатъиян деди:

— Мен биринчи ёзиб берган ўша дорини ичишда давом этаверинг.

— Айтгандай, бу маслаҳатингиз учун ўтган сафар

ҳақини тўловдим шекилли, — яна гап топди габроволик.

## ТИШ ДОКТОРИ ҲУЗУРИДА

Габроволикнинг тиши оғриб, уни суғуртириб ташламоқчи бўлди. У тиш шифокорининг олдига келиб, қанча ҳақ олишини суриштирди.

— Тиш учун икки лев, электр учун бир лев, чунки ҳозир қоронғи тушиб қолди, — деди шифокор.

— Яхши! — деди габроволик. — Ундай бўлса мен эртага ёруғроқда кела қолай.

## НУСХА

Ёш габроволик қайлиғига ўзининг фотосуратини юборди. Маркага пул кетказмаслик учун у конвертнинг устига «Бепул нусха» деб ёзиб қўйди.

## ПАНАМАДАН ҚАЛПОҚ

Габроволик деҳқон ўзига сават қалпоқ сотиб олиш учун пойтахтдаги магазинга кирди. Унга панамадан қилинган қалпоқ ёқиб қолди, лекин буни сават қалпоқ деб ўйлади.

— Қалпоқ неча пул туради? — деб сўради у.

— Йигирма лев, — деб жавоб берди сотувчи.

Габроволик «сотувчи мени майна қилаяпти», деб ўйлаб, гапда ютқазмаслик учун яна сўради:

— Бунинг тешиклари қани бўлмаса?

— Қанақа тешиклари? — ҳайрон бўлди сотувчи.

— Қанақа бўларди, сават қалпоқ учун шунча пул тўлайдиган эшакнинг қулоғи чиқиб турадиган тешиклари-да, — деди габроволик айёрона кўз қисиб.

## ОПЕРАЦИЯ ОЛДИДАН

Бемор ҳамёнини олиб пулларини санай бошлади.

— Қўйинг, шошилманг, ҳисоб-китоб операциядан кейин қилинади, — деди жарроҳ унга.

— Йўғ-е, мен қанча пулим борлигини бир санаб қўяй дедим-да, — деб қўйди бемор.



## РЕКЛАМА

- Демак, энг янги мато шуми?
- Кечагина тўппа-тўғри фабрикадан олдим.
- Ўнгиб кетмасмикан?
- Сизни қарангу! Бир ойдан бери витринада оси-либ туриб ўнгмади-ку!

## РОҲАТ

- Илтимос қиламан, мени кузатиб овора бўлманг.
- Овораси бор эканми, кетаётган меҳмонни кузата туриб бирам роҳат қиламанки, — деб ишонтирди габроволик.

## ҲИСОБ-КИТОБЛИ ПОП

Габроволик бир попникига меҳмонлар келишди. Гап электрга бориб тақалди.

- Тақсир, нега шам ёқяпсиз? Ахир, электр арзонроқ-ку?
- Арзон эканлигини ўзим ҳам биламан, — жавоб берди поп. — Лекин шамлар мен учун бутунлай текин-да!

## ГАПИДА ЖОН БОР

Габроволик юкини елкасида кўтарганича автобусда кетиб борарди. Кондуктор ундан юк учун ҳақ тўлашни талаб қилди, габроволикнинг эса жаҳли чиқиб кетди:

- Ахир, уни ўзим кўтариб турибман-ку! — деди у.

## ЯНГИ БАҲО

Рассом ўзи солган суратни полотно сўрпичи билан савдо қиладиган савдогарга сотмоқчи бўлди. Савдогар савдолашмасданоқ унга элик лев санаб берди.

- Элик лев? — рассомнинг жаҳли чиқди. — Мен сиздан битта полотнони юз элик левга оламан-ку?
- Тўғри, лекин унда полотно топ-тоза эди-да, — деди габроволик пинагини бузмасдан.

## ИККОВИГА

Касал берган пулнинг озлигидан норози бўлган доктор истеҳзо билан сўради:

- Бу — менгами, ё хизматкоримгами?
- Иккаларингизга, — деди габроволик бамайли-хотир.

### ЎЗ БОҒИНИНГ МЕВАСИ

Габроволик меҳмонини картошка билан меҳмон қиларкан, ўзининг жағи тинмасди:

- Олинг, енг, тортинманг. Ўз чорбоғимиздан.
- Ахир, чорбоғингиз йўқ эди шекилли?
- Ўзимга мозордан жой сотиб олувдим, ҳали-ҳозир керак бўлганича йўқ, шунинг учун у ерга картошка экяпман.

### ҚУРБИ ЕТМАЙДИ

- Учта уйинг бор-ку, ижарага турасан-а?
- Уйларимнинг ижара пули жуда қиммат, қурбим етмайди.

### НОЗИК МАСАЛА

- Янги йилга хотинимга нима совға қилсам экан?
- Мен, одатда, кейин ўзимга ҳам керак бўладиган нарсани совға қиламан.
- Лекин мен фақат унинг учун совға олмоқчиман.
- Ундай бўлса, бир бўлак совун ола қол.

### МИННАТДОРЧИЛИК

Тикувчи габроволик сартарошга пул қарз берди. Сартарош ўз миннатдорчилигини изҳор қилиб, деди:

- Бошинга мушкул иш тушса, олдимга келавер, мен... сочингни бепул олиб қўяман.

### ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Габроволик икки талаба ўзларига янги қалпоқ сотиб олишди. Улар савдони битиргуларича ёмғир ёға бошлади. Йигитлар магазиннинг остонасида ўйланиб қолишди... Кейин шартта қалпоқларини алмаштириб кийиб олишди-да, ёмғирга қарамай кетишаверди — ахир, бошларида бировнинг қалпоғи бўлгандан кейин ёмғир писандми?

## ҚЎЛИ ОЧИҚ МЕЗБОН

Габроволикларникига бир куни меҳмонлар келишди. У ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

— Меҳмонларга муздекроқ бирон нарса таклиф қилсанг-чи, — деб қўйди хотини.

— Ҳа-я, мана ҳозир-да, — деди шошилиб эри ва деразани ланг очиб юборди.

## РАҒБАТ

Габрово футбол командасининг тренери дарвозабонга деди:

— Дарвоза тўрини эҳтиёт қил, тўп келиб тегиб, тешилиб-неткудек бўлса маошингдан ушлаб қоламан-а...

## ГАП ТОПДИ

Официант: — Хўранда тарелкадан чиганоқли шиллиққурт чиқди, деб шикоят қияпти.

Ошхона эгаси: — Яхши, унияма ҳисоб-китобга қўшиб қўй.

## САХИЙЛИК

Бир деҳқон Габроводан ўтиб борарди. Шу пайт момақалди роқ бўлиб қолди. У шамолдан сақланиш учун бир кампирнинг уйига кириб турди.

Яна қуёш чиққанда кампир боғига чиқиб шамол тўкиб кетган меваларни тера бошлади.

— Ол, е, — деди у меҳмонга. — Бу йил тўкилган мевани еб турадиган бузоғимиз йўқ.

## БИР ОЗ САБР ҚИЛ

— Дада, менга бир лев беринг, телескопда ойни кўрмоқчиман.

— Бир оз сабр қил! Икки ҳафтадан кейин ой тўлишади, шу пулингга кўпроғини кўрасан.

## ЧИРОҚ МОЙИ ЁНГА ҚОЛДИ

Бир художўй кампир ҳар куни тунда исчи роқ ёқиб жазаваси тутгунча ибодат қиларди. Ўғлининг

чироқ мойига жони ачиди. Бир сафар у жавонга яшириниб олди-да, кампир ибодатни бошлаганида овоз қилди:

— Етар, Гана! Худо тоат-ибодатингни қабул этди.

Кампир ҳам лаққа тушиб, шу кундан бошлаб исчи-роқ ёқишни бас қилди.

### **ЎЗИНГНИ ЭР БИЛСАНГ...**

Икки габроволик уришиб қолишди. Иш дуэлга бо-риб тақалди. Ҳамюртларига гап-сўз бўлмаслик учун улар бошқа бир жойга бориб отишишмоқчи бўлишди. Рақиблар вокзалга келишди. Улардан бири бориш-ке-лиш учун чипта олди, иккинчиси эса битта — фақат бориш чиптасини олди, холос.

— Демак, сен тирик қайтишдан умидингни узиб-сан-да? — деди бориш-келиш чиптасини олган захри-ни сочиб.

— Аксинча! Сенинг билетинг билан қайтмоқчиман.

### **ИШҚ-МУҲАББАТ ИЗҲОРИ**

— Жонгинам, сен учун зарур сўзларни топиш мен учун нақадар мушкул.

— Ҳечқиси йўқ, азизим. Энг муҳими — керакли пулларни топсанг бўлгани.

### **ГАБРОВОЧАСИГА**

Габроволик хотин кўчада таниш врачни учратиб қолди-ю, текинга рецепт ёздириб олмоқчи бўлди.

— Доктор, негадир мазам йўқ, бошим айланади, иштаҳам чатоқ. Барака топгур, менга битта рецепт ёзиб берсанг-чи...

— Жоним билан, — деди врач, у ҳам габроволик эди, — лекин олдин ечин, сени бир кўришим керак.

### **ТАШВИШ**

Габроволикнинг хотини хонасини тез-тез оқлаб турарди.

— Бўлди, ҳадеб деворга оҳак суртаверма, хона то-райиб кетди, — деб уришиб берди зри.

## ГАБРОВО МАКТАБИДА

Муаллим ўқувчиларга маъданларнинг хусусиятларини тушунтирарди.

— Болалар, мана, мен ҳозир манови олтин тангани кислотага ташлайман. Айтинглар-чи, танга эриб кетадими, йўқми?

— Йўқ! — дейишди болалар қатъий.

— Нима учун?

— Агар эриб кетадиган бўлса, сиз уни сираям ташламасдингиз...

## МАСАЛАНИНГ ҲАЛ ҚИЛИНИШИ

Габроволик йигит бир қиз билан оммавий рақс майдончасига киришди. Лекин қиз бошқа бир йигитни ёқтириб қолиб, ўша билан кетма-кет рақсга тушаверди. Габроволик чидаб турди-турди-да, жиддийлик билан уларнинг тепасига бостириб борди. Ҳалиги йигит ранги оқариб, ўйинга тушишдан тўхтади ва мушглашишга шайланди. Аммо габроволик хотиржамлик билан йигитга деди:

— Ма, ол унинг кириш чиптасини. Элик тийин чўзиб кўй.

## ВАЪДАГА ВАФО

Габроволик касал бўлиб қолди. У ётган ўрнидан аранг туриб, хоч олдада тиз чўқди-да, нола қилди.

— Э, худо, ўзинг шифо бер. Тузалиб кетсам отимни сотиб, пулининг ҳаммасига сенга шам ёқаман.

Шундай ҳам бўлди: габроволик тузалиб кетди. Энди ваъдага вафо қилмоқ керак. У ўйлаб-ўйлаб шуни топти: товуғини ушлади, қопга солди-ю, отининг жиловидан тутиб бозорга жўнади.

— Икки левга от сотаман! — қичқира бошлади габроволик. — Икки левга от сотилади!

Халқ тўпланди. Бунақа теп-текин отни оламан деганлар сон мингта эди.

— Аммо от товуқ билан бирга сотилади, товуқнинг баҳоси эса икки юз лев, — деди габроволик изоҳ бериб.

От билан товуқни сотгач, у бутхонага бориб, ваъдасига биноан отнинг пули — икки левга шам олиб ёқди.

## БЕПУЛ САЁҲАТ

— Мен узоқ мамлакатларга боришни орзу қиламан. Айтгандай, Европа бўйлаб саёҳат неча пул турар экан?

- Ҳеч қанча турмайди.
- Нега?
- Орзу қилиш бепул-ку...

## УМУМИЙ ТАШҲИС

Габроволик бемор бир офайниси билан шифокорнинг қабулига кирди. У ердан чиқишганда дўсти чидаб туролмасдан сўраб қолди:

— Нега сен юрак уриш, қорин оғриқлардан шикоят қилдинг? Ахир, сенинг бошинг оғриётган эди-ку?

— Ҳа, ҳафтафаҳм-ей! Қорин оғриғи — қизимники, юрак ўйноғи — хотинимники-да.

— Нима бўпти?

— Шифокорга ҳам хотиним, ҳам қизимни кўрсатиб пул тўлаб ўтирадиган аҳмоқманми?

## ТОШ ҲАМ ЕЙИЛАДИ

Бир йигитча Габрово кўчаси бўйлаб шамсиясини судраганича таралла-бедод қилиб кетиб борарди.

— Эй такасалтанг, тош йўлда шамсия судрашга бало борми? — деб бақаришди дўконда ўтирганлар. — Ахир, тош ҳам ейилади-да!

## МЕҲМОНДОРЧИЛИҚДА

Габроволик ўз ўғли билан синглициникига меҳмонга келди.

— Ҳовучингни оч, ёнғоқ бераман, — деди меҳмондўст уй бекаси болага.

— Дадамнинг ҳовучига сола қолинг.

— Сен ёнғоқни ёмон кўрасанми?

— Йўқ, яхши кўраман. Лекин дадамнинг ҳовучи катгароқ-да...

## ЯНГЛИШДИ

Ўрмон қоровули габроволик қоида бузувчини ушлаб олди. Акт тузмоқчи эди, лекин у ялиниб-ёлворди, қоровулни хурсанд қилишини айтди.

Қўлни қўлга беришди.

Кечқурун ўрмон қоровули габроволикникига меҳмон бўлиб келди. Ярим кечасигача еб-ичишди. Ниҳоят, уй эгасининг тоқати тоқ бўлди:

— Менга қара, бошлиқ, агар яна қўлингга тушсам, яхшиси, акт тузиб қўя қол...

## КИМ СУВ СЕПСА — ЎША СУПУРАДИ

Айёми ҳайит куни габроволикнинг дўконига поп кириб, таомил бўйича муқаддас обирахматдан сепди.

Дўкон эгаси унга ҳайитлик бериш ўрнига, қўлига супурги тутқазди:

— Сув сепиб яхши қилдингиз, тақсир, энди супуриб ҳам қўя қолинг!

## ЎХШАШЛИК

— Биласанми, — деди габроволик ўз танишига, — сени кўрсам, дарров Тотя эсимга тушади.

— Нега?

— Уям мендан беш лев қарз олганди.

## НИМА ФЙДАЛИРОҚ?

— Қайси бири фойдалироқ — денгизда дам олишми ё тоғдами?

— Албатта тоғда дам олиш фойдалироқ, қайиққа тушиб пул сарф қилмайсан...

## ЖОНИ АЧИДИ

Тоғликнинг хотини касал бўлиб қолди. Даволаш учун пул сарф қилишга хуши йўқ, лекин касалнинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Ноилож у кечқурун врач олиб келиш учун шаҳарга жўнади. Ярим йўлда нимадир эсига тушиб, уйга қайтди ва хотинига қичқирди:

— Менга қара, Пена, мабодо кунинг битганлигини сезгудай бўлсанг, чироқни пуфлаб ўчириб қўй, керосин бекорга сарф бўлмасин.

## РОСА УЧРАШИШДИ

Габроволик икки шофер тор кўприқда бақамти келиб қолишди, аммо иккови ҳам машинасини орқага тисарганда кетадиган бензинга кўзи қиймасди. Улардан бири шеригининг тоқатини тоқ қилиш учун газета ўқишга тушди. Иккинчи шофер эса кабинадан тушиб, капотга чўзила туриб, қичқирди:

— Эй, ошна, газетани ўқиб бўлганингдан кейин узатвор, бизам бир кўрайлик!

## ХЎП АҲМОҚНИ ТОПИБСАН

Габроволик зайтун меваси олаётган эди. Баққол харидорни алдаш учун билдирмасдан тарозига катта михни солиб қўйди. Буни сезиб қолган габроволик зайтунга қўшиб михни ҳам олди.

— Пули тўланди, буям бизники! — деди у.

## КИМ БИРИНЧИ?

Турли шаҳарларнинг одамлари тасодифан учрашиб қолишиб, одатдагидай, ҳар бири ўз шаҳрини мақтай бошлабди. Ҳеч ким ён беришни истамаганлигидан улар бир неча кундан кейин яна йиғилишга ва ҳар бир одам ўз шаҳрининг энг яхши таомини олиб келишга шартлашишибди.

Хасковолик киши — айланма сиҳда пиширилган барра кўзи олиб келибди; Ямболдан — қайнатма шўрва; Бургасдан — қовурилган балик; Горна-Оряховицадан — қўлбола колбаса; Толбухинодан — иссиқ нон; Пловдивдан — анвойи мевалар; Софиядан — қовурма жўжа; Карловодан — писта-бодом; Трояндан — олхўри мусалласи; Асеновграддан — узум виноси; Разграддан — ёғли қатиқ келтиришибди. Габроволик бўлса... укасини етаклаб келибди.

## СИПОЛИК

Купеда икки габроволик кетиб борарди. Бутун йўл давомида улардан бирортаси оғзига папирос олмади, ҳолбуки ҳар иккови ҳам ашаддий кашанда эди. Улардан ҳар бири «шеригимда сигарет йўқ бўлса-я», деган хаёл билан кетиб борарди.



## ОМАДИ КЕЛДИ

Бир габроволик баққолчилик дўконига бораётиб, йўл бўйи қанча зайтун олсам экан, бир киломи ё ярим киломи, деб ўй сурди. Дўконга кириб у:

— Бир кило зайтун беринг, — деди.

— Ярим килодан озроқ бор-да, — деди дўкондор.

Габроволик эркин нафас олиб, кўнглидан ўтказди: «Оббо, икки кило сўрасам бўларкан-а, анча пулни тежаб қолган бўлардим...»

## БУГУНГА — ЛОВИЯ, БЎЗА — ЭРТАГА

Бўзага анча ўч бўлган кекса габроволик ловия қайнатибди. Пишгач, роса ебди, лекин тамом қилолмабди. Эртасига ловия ачиб қолибди, ташлаб юборишга кўзи қиймабди. Габроволик бир қадаҳчага бўза қуйибди-да, ўзига-ўзи дебди:

— Қани, ол, Васко. Ловияни еб ташласанг, мен сени бўза билан сийлайман.

Бир зўр бериб ҳалиги овқатни еб, идишни бўшатибди. Қўли қадаҳга чўзилибди, аммо ичгани кўзи қиймабди.

— Зиёфатинг жуда қуюқ бўлиб кетди-ку, а, Васко? Бугун ловия единг, бўзани эрта-перта ичарсан...

## НИМА АЗИЗРОҚ?

Ўзининг нарвонидан чиқиб бораётган габроволик тийганиб йиқилиб тушди-ю, ҳушидан кетди. Ўзига келгач, биринчи сўраган нарсаси шу бўлди:

— Нарвон бутунми?

## БАЙРАМ

Бир габроволикнинг хотини эридан шўрвани хуш-хўр қилиш учун тухумнинг қанчасини солишни сўради.

— Бугун байрам, — деди эри, — майли, ярмини солиб юборавер!

## АЛДАБ КЕТДИ

Икки габроволик шаҳар кўчасида сайр қилиб юришганди.

— Ху анави муттаҳамни кўряпсанми? — деди улардан бири шеригига ҳаммага таниқли бойни кўрсатиб. — Ана ўша мени бир неча миллион пулга туширди-да.

— Қандай қилиб шунча пулга тушириши мумкин, ахир сен бундай пулни умрингда кўрмагансан-ку?

— У менга қизини бермади...

## БОЗОРДА

— Холажон, бу тухумларингиз палағда-ку, ичида жўжаси ҳам бордир?

— Майли, олавер, жўжаси учун пул олмайман.

## САХИЙЛИГИ ТУТИБ КЕТАДИ

— Дадаси, эски пальтомнинг биттаям тугмаси қолмабди. Кўчага кийиб чиққани номус қиламан.

— Қўявер, эртагаёқ олиб бераман.

— Янги пальто-я?

— Йўғ-е, тугма.

## ШОХИДАМАС, БАРГИДА

Иқтисод танглиги пайтида бир савдогар ўз магазинининг эшигига: «Арзон моллар савдоси. Баҳолар 20% камайтирилган», деган эълон ёпиштириб қўйди.

Унинг қўшниси ҳам бозори касод бўлмаслиги учун молларининг баҳосини 30% камайтирганлигини эълон қилди.

Ҳар иккала магазиннинг ўртасига жойлашган дўкон эгаси бўлмиш габроволик эса эшигига шундай деб ёзиб қўйди:

«Арзон моллар савдоси учун шу эшиқдан кирилади».

## СУДА

Судья: — Сиз хотинингизнинг бошига тақсимча билан урганлигингиз учун айбланаётирсиз. Наҳотки унга жонингиз ачимаса?

Габроволик: — Нега жоним ачимас экан, ахир тақсимча яп-янги эди-да!

## ОЛМА — ОЛМАДАН УЗОҚҚА ТУШМАЙДИ

- Буважон, тишларингиз борми?
- Йўқ, болам.
- Ундай бўлса, манови кулчамни ушлаб туринг, мен кўчада ўйнаб келай.

## ҲАММАСИ ТИРНОФИНИНГ УЧИДА...

Габроволик иккита ўспиринни гилос теришга ёллади. Кечқурун улардан бирига ҳақни озроқ берди.

— Нима учун? — деб сўради ўспирин норози бўлиб.

— Шунинг учунки, шеригинг гилос терганда доим ҳуштак чалиб турди, сенинг бўлса овозинг чиқмади.

## МУШКУЛ МУАММО

- Эртага зиёфат. Борсаммикан ё бормасамми?
- Зиёфатни ким бераяпти ўзи?
- Мен-да...

## ҲОЛИГА ЯРАША

Бадавлат бир габроволик поездда — учинчи даражали вагонда кетиб борарди. Ёзнинг куни, вагон тикилинч, ўлгудай дим, иссиқ эди.

— Хўжайин, — деди унга шу вагонда кетаётган лўли, — нега сен учинчи даражали вагонга миндинг?

— Тўртинчи даражалиси бўлмаса нима қилай? — деди габроволик.

## ГАБРОВОЧА ТАЪЗИЯНОМА

«А.Р.  
Ўлди!»

## ГАБРОВОЧА ИЛТИФОТ

Габровога келган деҳқон кўчада папирос чекмоқчи бўлиб, ёнидан гугуртини чиқарди.

— Гугуртни бекорга ҳайф қилма, — деди ўтиб бораётган киши ва унга ўзининг ёниб турган сигаретасини тутди.

Деҳқон тутатиб олди.

— Энди гугуртингнинг донасини бу ёққа чўз, — деди габроволик илжайиб.

## ТАРБИЯ

— Буви, қайчини бериб туринг.

— Қайчини меҳмонларнинг олдидагина ишлатиш керак, қўзичоғим, ипни тишинг билан узавер! — деди габроволик кекса кампир.

## ГАБРОВО ҚОНИ

Габрово касалхонасига келтирилган шикастланган бир чет эликка қон қуйиш зарур бўлиб қолди. Қон қуйилгандан сўнг бемор ўзини яхши ҳис қила бошлади ва қон берган габроволикка кўп тухфалар берди.

Касалга иккинчи марта қон қуйилди. Лекин бу сарфар у сал мундайроқ муомала қилди.

Учинчи марта қон қуйилгандан кейин у умуман ҳеч нарса бермади — унинг томирларида энди габроволиклар қони оқа бошлаган эди.

## «СОФИНГАНМИШ»

Габроволик суд биноси олдида ўзининг адвокат жиянини пойлаб турарди.

— Стоянжон, кечкурун бизникига келгин. Янганг икковимиз сени жудаям соғиндик.

— Майли, лекин қанақа қонунлар мажмуасини бирга олиб борай: граждандар ишиними ё жиноий ишларними?

## МУКОФОТ

Габроволик шаҳар кўчасидан машинасини физиллатиб борарди. Тўсатдан унинг йўлидан бир киши чиқиб қолди. Габроволик тормозни шунчалик босдики, филдиракларидан тутун чиқиб кетди.

Ўтакаси ёрилгудай бўлган ўткинчи габроволикка ўз миннатдорчилигини пойма-пой изҳор қила бошлади.

Аммо габроволик унинг қуюқ изҳори дил сўзларини шартта кесди:

— Менга неча пул тўлайсан?

— Ёнимда беш левим бор экан. Мени фалокатдан сақлаб қолганинг учун тўрт левини олақол...

— Ва бир лев шинани аямаганим учун...

### **ҲЕЧ НАРСА ТЕГМАДИ**

Габроволик омборхона қурмоқчи бўлди. Устани ай-тиб келиб, у билан савдолаша бошлади.

— Ўн кундан кейин омборхона тайёр бўлади, — деди уста. — Менга кунига беш левдан, ёрдамчимга эса икки левдан тўлайсан.

— Ёрдамчининг кераги йўқ. Сенга мен ўзим ёрдамлашаман.

Ўн кун ўтгач, омборхона тайёр бўлди. Габроволик устани рози қилишда... ўн левга «адашди».

— Хафа бўлма, — деб уни юпатди габроволик. — Сен-ку, бари бир ҳақ оляпсан. Менга бўлса сенга ёрдамлашганим учун ҳеч нарса тегмади.

### **ҚОҚ ЎРТАСИ БЎЛАВЕРАДИ**

Габроволик балиқ олаётган эди. Сотувчи ундан балиқнинг қайси бўлагини олишини сўради.

— Бош тарафидан жиңдақ қирқ... Ҳа, балли. Энди думидан ҳам қирқ... Яша. Энди ўртасини узатавер.

### **ҲАФСАЛАСИ ПИР БЎЛДИ**

Габровонинг бир қишлоғига яширин олхўри мусалласи тайёрловчиларни текшириш учун молия назоратчилари келишди. Қишлоқ бирпасда жимжит бўлиб, ҳувиллаб қолди. Келганларни бир чол қарши олди ва дарҳол:

— Юринглар, бизнинг уйдан қидириб кўрамыз! — деб таклиф қилди.

Назоратчилар рози бўлишиб, чолниқига киришди. Аммо излаб-излаб ҳеч нарса топиша олмади.

— Роса яшириб ташлашибди-е, — деди чол жиғибийрон бўлиб. — Ҳеч бўлмаса сизларнинг ёрдамларингизда топармикинман девдим, бир қултумдан отардик...

### **САВДОГАР БЎЛИШ ЙЎЛИ**

Бир савдогарнинг иши сира юришмасди. Шунда у габроволик савдогар билан дўст тутиниб, ундан бу ҳу-

нарнинг сирларини ўрганиб олмоқчи бўлди. Габроволик уни шогирдликка бажону дил қабул қилди.

Улар бир куни тоғнинг нариги томонига мол олгани жўнашди. Габроволик қишлоқма-қишлоқ юриб қуён, тулки, қўй териларини сотиб ола бошлади. Албатта, бу моллар ўз жойида сотиб олинганлиги учун анча арзон тушди. Қайтаётиб, тоққа етиб келишганда, улар дам олгани ўтиришди.

— Менга қара, гап бундоқ.. — деб узоқдан гап бошлади габроволик. — Ваъдам — ваъда, сенга савдогарликни албатта ўргатаман. Лекин ҳозир менга уч юз танга бериб тур. Казанликка борганда бераман.

Шогирд иққиланиб қолди.

— Беришга бераман, лекин... Бари бир гаровсиз бўлмас...

— Мана сенга гаров! — Габроволик унинг елкасига бир боғлам тери ташлади. — бу терилар тўрт юз танга туради.

Габроволик пулни олди, унинг шогирди эса териларни кўтариб йўлга тушди. Довондан ўтишди. Казанликка етишганда габроволик ёнидан пул чиқарди.

— Ма, қарзингни ол. Энди «гаров»ни бер.

У териларни олиб минг тангага сотди, ахир мол харидорларнинг уйларига етказиб берилган эди-да. Сўнг тушган фойданинг ярмини ажратиб шогирдига берди ва деди:

— Савдогар бўлиш учун кетганда ҳам, келганда ҳам қўл қуруқ бўлмаслиги керак. Қўлингни бурнингга тикиб юрма!

## МАСЛАҲАТ

Онаси ўлган куни унинг ўғли шам ёқиб, марҳуманинг бош тарафига қўйиб қўйди. Бир минутдан кейин отаси шамни ўчириб, деди:

— Қолганини менинг жанозамда ёқарсан, ўғлим.

## БУТУН ТУХУМ

Габроволикларникига меҳмон келди. Эрталабки нонуштага уй бекасининг онаси бир дона тухум пиширди. Унинг кичкина набираси тухумдан кўзини узмасди.

— Қўзичоғим, бунақа тикилма, — деб уни юпатди

бувиси. — Меҳмон амакинг ҳўкизмидики, бутун ту-  
хумни еб қўйса. Сенгаям қолади.

### ЙЎЛИНИ ТОПДИ

Бир габроволикнинг телевизори бузилиб қолиб-  
ди — тасвир бор, овоз йўқ.

— Хотин, — деди у, — қўшниларимиз ҳам телеви-  
зор кўришяпти, айт, товушини баландроқ қилиб  
қўйишсин.

### РЕКЛАМА

Бундан анча йиллар муқаддам ўн олти саҳифали  
бўлиб чиқадиган «Новие дни» деган ҳукумат газетаси  
Габровода шундай реклама қилинган эди:

«Бир левга ўн олтита газета... Бир левга ўн олтита  
газета!»

### УЗОҚНИ КўРИШ

— Қизингни ўз кассирингга берганинг ростми?

— Рост.

— Ахир, сен унга ишонмас эдинг-ку?

— Ҳалиям ишонмайман. Фақат энди у мендан  
ўмарган пулларини қизимга олиб бориб беради.

### ОРТИҚЧА ТУШЛИК

Габроволик уйининг томини тузатмоқчи бўлди. Бу-  
нақа ишни қилиб кўрмаганлигидан у сирғаниб кетиб,  
томдан қулади. Ошхонанинг деразаси олдидан учиб  
тушаётиб, бечора ичкарига қараб қичқирди:

— Хотин, тушлик овқатни бир кишилик камроқ  
қил!

### ХОҲЛАСАНГ ХОҲЛАМАСАНГ

Севлиев шаҳрининг бир фуқароси пароходга ўти-  
раётиб, ўзининг габроволик ошнасидан илтимос қилиб  
қолди:

— Костюмингни менга бер!

— Ўзингники бор-ку?

— Мен сузишни билмайман, агар менинг эгним-  
да сенинг костюминг бўлса, кема ҳалокати юз бер-

гундай бўлса, мени қутқариш учун ўзингни сувга ташлайсан.

## НИМА ФОЙДАЛИРОҚ

Габроволикнинг ўгли жарроҳ бўлишга аҳд қилибди.  
— Аҳмоқсан, — дебди унга отаси. — Тиш дўхтир бўл! Ахир, одамларда юрак битта, тиш эса ўттиз иккита бўлади-да!

## СОФ ФОЙДА

Бир қишлоқ мактабида полларни янгитдан қоқиш зарур бўлиб қолди. Мактаб бошлиқлари пулга одам ёлмамоқчи бўлишди. Шу иш учун 400 лев ажратилди.

Пудратчилар ўзларича хурсанд эдилар — ахир, ишга жуда арзон ҳақ белгиланган эди-да! Бироқ шу пайт бир габроволик келиб бу ишни ҳалиги ҳақнинг ярмига ҳеч бажаришга рози эканлигини айтди.

У ишга тушганда бутун қишлоқ бу тентакнинг кимлигини кўриш учун тўпланди. Ҳалиги аҳмоқ эса ҳеч нарса кўрмагандай бақириб-чақириб қўярди:

— Анув тахтани олиб юбор!

— Қани, қанақа эркак экансан, кўрайлик-чи, мана бу тахтани аралашнинг уддасидан чиқармикинсан.

Хулласи калом, қарабсизки, бутун ишни ўша қишлоқликлар қилишди, пулни эса габроволик илиб кетди.

## ЭҲТИЁТ ШАРТ

Гимназияни Габровода тамомлаган машҳур булғор опера кўшиқчиси Христина Морфова бир куни ўз дугоналари ҳамда ўзи ижарада турган уйнинг бекасини кўриб кетиш учун шу томонга келиб қолди.

Кечкурун уй бекаси меҳмонга (у бу пайтда чунонам семириб кетган эди-да) ўрин солаётиб, сим тўри чўзилиб қолмасин, деб каравотнинг тагига ёғоч қути териб чиқибди.

## БУЮРТМА

Габроволик ўзига теридан чориқ буюрди.

— Менга қара, Христо, чориқни арзонроқ нарсадан тиккин, қимматга тушмасин. Лекин менга қара, мустаҳкам бўлсин, умрбод йиртилмасин.



## ИШОНЧЛИ БЕЛГИ

— Менга қора товуқнинг тухумидан беш дона бер,— деди габроволик тухум сотиб ўтирган хотинга.

— Агар фарқини билсанг, ўзинг танлаб ола қол, — деди у хайрон бўлиб.

Габроволик бешта энг йирик тухумни танлаб олдида, пулини тўлаб ўз йўлига кетди.

## ТАШҲИС ҚЎЙИШ

Габроволик бир врачдан сўрашди:

— Нега сиз доим мижозларни кўрганда уларнинг қандай овқатланишларини суриштирасиз? Бу — ташҳис қўйиш учун жуда зарурми?

— Ташҳис қўйишда эмас, қанча даволаш ҳақи олишни аниқлашда керак!

## НОДИР НАРСА

Музейнинг эскидан қолган нодир нарсаларни сотиб олаётганлигини эшитган габроволик бир жуфт ботинкасини олиб келди:

— Менинг ботинкаларим жудаям нодир нарса, — деди у, — улар ҳали этик эканлигида отам уларни биринчи жаҳон уруши даврида кийган. Урушдан қайтгач, уларни менга берди. Мен улардан ботинка ясаб олдим. Кейин уларни хотиним шиппак ўрнида кийди. Ундан кейин ўғлим улардан қайиқча ясаб олди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мен ноилож уларни яна кийиб юрдим. Булар ҳақиқатан ҳам баҳоси йўқ нарса!

## ГҶЛ ОДАМ

Бир савдогар хийла саводсизлик билан ёзилган вивескани дўконининг пештоқига осиб қўйди. Унга шу камчилигини айтишганда, у шундай деди:

— Майли, харидорлар сотувчи гўл экан, алдаш осон, деб ўйлай қолишсин.

## ҶОЙДАМИ — ЗАРАР?

— Вой шўрим! Бола йигирма тийинни ютиб юборди! Дарров врачни чақирит керак!

— Йўқ, чақирманглар! У йигирма тийинни чиқариб олиш учун икки лев олади!

### АЙНИ МУДДАО

— Қўшни, итингиз яна менинг товугимни еб кўйибди!

— Яхши айтдингиз-а, бугун унга овқат бермай кўя қоламан.

### ХАБАРНОМА

— Қара-я, мен Тотога тушлик овқатга уларникига бораман, деб хат ташлаб келган эдим. Борсам — уйда йўқ...

— Демак, у сенинг хатингни олгандир-да...

### МЕҲМОНХОНАДА

Габроволик меҳмонхонада тунаб қолмоқчи бўлди.

— Бўлма неча пул туради? — деб сўради у.

— Биринчи қаватда — ўн лев, иккинчисида — саккиз, учинчисида — олти, тўртинчисида — тўрт лев.

Габроволик ўйланиб, кетишга тараддуланди.

— Ҳа, пули қимматлик қилдими?

— Йўқ, меҳмонхонангиз пастлик қилди.

### ТУШУНМАДИ

— Отам ақддан озиб, дўкон менга қолди.

— Демак, менга насиянинг муддатини чўзар экансан-да?

— Гапимни тушунмадинг: мен эмас — отам ақддан озган, — деди габроволик уқтириб.

### УЙ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Габроволик уй сотиб олмоқчи бўлди. Ундан уйнинг катта-кичиклиги қандай бўлиши кераклигини сўрашганда, у шундай деди:

— Шунчалик катта бўлсинки, хотиним уй ишларидан ортиб, онасиникига бориб ялпайиб ўтиргани вақти бўлмасин, шунчалик кичик бўлсинки, қайнанам бизникига кўчиб кела олмасин.

## ИБРАТ

Бир ёш йигит тушлик овқат пайтида габроволикнинг кўз одида қовурилган скумбрия балиғини покпокиза туширди.

— Бунақа қилиш ярамайди, йигит. Бу қанақа исрофгарчилик? — деди габроволик чидаб туролмасдан ва мақтаниб қўйди: — Мен битта скумбрияни бутун кун бўйи овқат қиламан, уни икки бўлак нон орасига қўяман, нонуштада ноннинг ўзини ейман, тушлиқда балиқнинг ярмини, кечқурун эса қолган ярмини ейман.

## ТАЪЗИЯНОМА

«Бозор куни ўлган менинг отамни худо раҳмат қилсин! Унинг руҳи мубораклари хотираси учун дўкон то ярим кечасигача очиқдур».

## ТЕЛЕГРАММА

Габроволик савдо ишлари билан сафарга чикди. Молини сотиб бўлгач, хотинига шундай мазмунда телеграмма юбормоқчи бўлди:

«Молларни фойдасига сотдим. Габровога жума куни кечқурун етиб бораман. Сенинг Димитринг».

Унга телеграмма чўзилганроқ бўлиб туюлди.

— Мен молларни доимо фойдасига сотишимни Мара билади, — деди-да, у кераксиз жойини ўчирди:

«Габровога жума куни кечқурун етиб бораман. Сенинг Димитринг».

Тағин унга телеграмма учун ортиқча пул тўлаётгандай бўлиб туюлди.

— Менинг Габровога қайтишим, якшанбагача бекор ўтириб, пул кетказмаслигим шундоқ ҳам маълум-ку!

У телеграммада фақат «Сенинг Димитринг» деган сўзларнигина қолдирди.

— Уники бўлмай, кимникиман ахир? Шундай экан, бекор пул сарф қилишга бало борми?

У қўлидаги бланка қоғозини йиртди-да, чиқиб кетди.

## МУСОБАҚА

Бир шотландияликка габроволикларнинг, қисмлари ейилиб қолмасин, деб кечаси соатларини тўхтатиб

қўйишлари ҳақидаги латифани айтиб беришганда, у шотландияликлар ҳам шундай қилишади, деди ва қўшиб қўйди:

— Менинг бир қўшним бор, у каравотининг тагида мис карнай сақлайди. Унга кечаси соат нечалигини билиш керак бўлиб қолса, у деразани очади-ю, карнайини чала бошлайди, «Қанақа эси паст кечаси соат иккида шовқин соляпти!» — деб бақирадиган бирорта одам доим топилади.

## КЕЛИШУВ

Габрородаги бир майхонага кирган хўранда хўжайинга жаҳл билан деди:

— Винога сув қўшилган экан!

— Шовқин солишнинг нима кераги бор? Ахир, мен сизни сув учун ҳам пул тўлашга мажбур қилаётганим йўқ-ку?

## УЗР

Бир хатдан парча:

«... Азиз амаким, мен сизни вокзалда кутиб ололмаслигимдан узр сўрайман. Сизни кутиб олиш учун менинг хотиним чиқади. У сизни таниб олиши учун чап қўлтиғингизда чўчка боласи ёки ҳеч бўлмаганда фоз ушлаб туринг...»

## ЖАВОБДАН МАМНУН БЎЛДИ

Эрталаб хўжайин хизматкорлардан сўради:

— Халфа сизларни қачон уйғотди?

— Биз турганда чироқнинг шишаси ҳали қизиб улгурмаган эди, — деб жавоб беришди хизматкорлар.

## ГАБРОВОЧАСИГА ВАЪДА

Бир замонлар бир буржуа сиёсий нотиғи габроволик сайловчиларга шундай дебди:

— Ҳокимият тепасига келсак, биз тузга бўлган бож солиғини бекор қиламиз ва унда ҳар ким овқатига қанча хоҳласа шунча туз солаверади.

## МАСЛАҲАТ

— Қўшним мендан юз лев қарз сўраяпти. Бераймикин?

— Бер! Бу билан менинг ҳам ҳожатимни чиқарган бўласан, — деди габроволик. Акс ҳолда ҳалиги қўшни ундан қарз сўраб қолиши мумкин эди-да.

## ЯНА БИР МАСЛАҲАТ

Елена шаҳри бозорида бир габроволик уста ўз моли — ҳар хил ёғоч корсонларни ёйиб ўтирарди. Унинг олдига бир қишлоқ бойи келиб, моларни обдон кўздан кечиргач, қанча туришини сўради.

Жавобни эшитгач, унинг аччиғи чиқди:

— Мунча қиммат сўрайсан, нима, коса-товоғинг кумушданми?

Габроволик унга бошдан-оёқ разм солиб чиққач, деди:

— Менга қара, агар гап фақат буларнинг ёғочлиги-да бўлса — ўрмонга бор, у ерда ёғоч демаган бижиб ётибди!

## БЎРОН ТИНАВЕРСИН-ЧИ...

Бир габроволик ўғли билан денгиз соҳилига дам олгани келибди. Бир куни улар қайикда сайр қилишиб юриб, қирғоқдан анча узоққа бориб қолишганда бирдан бўрон кўтарибди.

— Э, худо, ўзинг паноҳингда асра, соғ-саломат қолсак, сенга кема мачтасидай шам ёқаман, — деб илтижо қилди отаси.

Унинг ёш ўғли чидаб туролмай деди:

— Ота, ахир бунақа шам ҳеч ерда бўлмайди-ку?

— Жим бўл, аҳмоқ! Бўрон тинаверсин-чи, у ёғи бир гап бўлар! — унга ўшқириб берди отаси.

## ДИПЛОМАТЛАР

Шотландиянинг Абердин шаҳрида яшовчи бир киши Габроводан келган янги таниши билан ресторанга кирди. Олдиндан маълум бўлганидек, улар икки кишига битта балиқ чақиртиришди. Официант лагайда овқатни келтириб қўйгандан кейин улар бир-бирларига сипогарчилик қилиб, анча маҳалгача

балиққа қўл чўзишмади. Шу билан биргаликда уларнинг ҳар бири ўзига балиқнинг дум томони тегса ютқазишини, бу томоннинг гўшти камроқлигини ичида ўйлаб қўйди.

Балиқ совий бошлади. Балиқнинг дум томонида ўтириб қолган абердинлик гап бошлади:

— Сен файласуфнинг кимлигини биласанми?

— Йўқ.

Абердинлик балиқнинг бош томонини ўзига қаратиб айлантирди-да, изоҳ берди:

— Файласуф дунёни худди мен лаганни айлантиргандек айлантириб қўядиган одам бўлади.

— Сенинг ўзинг файласуфмисан? — суриштириб қолди габроволик ҳам.

— Йўқ, албатта.

— Шундай экан, дунё қандай бўлса — шундайлигича тураверсин, — деди габроволик ва лаганни олдинги ҳолига келтириб қўйди.

## ШАМА

Бир деҳқон шаҳарга ялангоёқ кетиб борарди. Узининг эски ботинкаларини эса елкасига ташлаб олган эди. Унга бир муаллим етиб олди, у ҳам шаҳарга бораётган эди. Муаллим янги ботинка кийиб олган эди.

Деҳқон унинг янги ботинкаларига қараб қўйди, ўзиникига қаради, сўнг чидаб туролмай деди:

— Мана бу ботинкаларга қара, муаллим. Ўн йилдан бери авайлаб кияман.

— Шунақа авайласанг, йигирма йилга ҳам етади,— деди ёш йигит чолнинг унинг янги ботинкаларига шамча қилаётганини тушунмасдан.

## СИНОВ

Габроволиклар билан шотландияликлар юмор туфайли умумий тил топишиб, алоқа қилиша бошладди.

Нима ҳам бўлиб, шотландиялик билан габроволик бир куни беула лекцияга киришибди. Лекциянинг охирида бирдан хайр-эҳсон ишлари учун пул йиғиш бошланибди. Шотландиялик шу ондаёқ ҳушидан кетибди, габроволик бўлса... уни кўтариб залдан олиб чиқиб кетибди.

## УНУТДИ

— Эй ҳаммол, менинг барча юкларим вагонга қўйилдими? — деб сўрабди габроволик.

— Ҳа.

— Ҳеч нарса унутилмадими, ишқилиб?

— Менга берадиган чой пулидан ташқари ҳеч нарсани унутганингиз йўқ.

## ПАСПОРТНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ

Меҳмонхона эгаси меҳмоннинг нарсаларини илтифот билан тўртинчи қаватга олиб чиқиб берди.

— Мана сизга чой пули, — деди меҳмон ва... бир бўлак қанд узатди. Хўжайин ундан паспорт ҳам сўрамасдан, келувчилар дафтарига «Габроволик савдогар» деб ёзиб қўя қолди...

## ГАБРОВОЧА ТАКЛИФ

«Оғайни! Габровога кел: сени қўшниларимникига олиб кираман, меҳмонни қандай кутиб олишларини бир кўрасан».

## САХИЙЛИК

Габроволикни меҳмонга таклиф қилишди. У ёнидан сигаретини олиб, ўнг томонда ўтирган меҳмонга тутди:

— Раҳмат, чекмайман!

— Мен ҳам чекмайман, — деб жавоб қилди чап ён қўшни ҳам.

Шунда габроволикнинг хотини секин унинг кулофига пичирлади:

— Нега мезбонга таклиф қилмадинг?

— У чекади, — янаям секинроқ жавоб қилди эри.

## КОНДУКТОРСИЗ ТРАМВАЙ

Бир габроволикдан нима учун ҳар бир тўхташ жойида трамвайдан тушиб-чиқаётганлигини сўрашди.

— Билет текширувчига: «Мен ҳозиргина чиқдим», дейман.

## ТАКЛИФНИНГ САБАБИ

Габроволиклар халқ рассоми Цанко Лавреновни эски Габровонинг тасвирларини чизиш учун ўз шаҳарларига таклиф қилишди.

Дўстлари рассомдан габроволиклар нега айнан уни таклиф қилишганининг сабабини сўрашди.

— Арзонроқ тушсин, дейишган, — деб жавоб қилди рассом. — Мен ичмайман, чекмайман ва бир маҳал овқат менга уззукунга кифоя...

## ГАБРОВОЧА БАТАРТИБЛИК

Бир бадавлат габроволик ўлгандан кейин унинг уйида жудаям бекаму кўст батартибликни кўришди. Ҳамма нарса жой-жойига қўйилган, устига керакли ёзувлар ёзилган эди.

Қутилардан бирида бир бўғча ётарди. Унга:

«Ишга ярамайдиган калта-култа арқонлар», деб ёзиб қўйилганди.

## «...ВА УНИНГ ЎҒЛИ ТОНКО»

Отаси ўлагач, унинг қадрига етувчи ўғли ота қабрига оддийгина бир ёдгорлик қўйди. Унда шундай ёзув бор эди:

«Бу ерда Васил Тонков ётибди».

Қабристонда ҳар йили бўладиган марҳумни эслаш маросимларидан бирида ўғилнинг бирдан тоби қочиб, қолиб, юраги чатоқлашди. Куни битганини сезгач, у бор кучини йиғиб, ёдгорлик олдига эмаклаб борди-ю, ундаги ёзувга «...ва унинг ўғли Тонко», деб қўшиб қўйди.

## МЕҲМОНГА ҚАРАБ — СИЙЛОВ

Габровода меҳмонларни уч хил қаҳва билан меҳмон қилишади: тоза қаҳва — Қ, жавдарили — Ж ва қуритилиб яна қайнатилган қаҳва қуйқуми - ҚҚ. Меҳмонга қараб — сийлов.

Бир куни бир габроволик хонадонга ҳар хил меҳмонлар — шляпали хотинлар, шляпасиз хотинлар ва қишлоқ хотинлари келишди. Уй бекаси хизматкор аёлга қаҳва қайнатишни буюрди. Меҳмонлар бунақа



курама бўлганлигидан хизматкор шошилиб қолиб, уй бекасидан қанақа қаҳва қайнатишни сўради.

— Қ, — деб жавоб берди у овозини баландлатиб ва кетидан аста пичирлади: — Қурама...

## ОДАМШУНОС

Кекса габроволик бой ўлими олдидан руҳонийни чақиртиришларини сўради. Ўғли бунинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблаб, уни раъйдан қайтармоқчи бўлди, лекин чол ўз сўзида туриб олди. Ўғли попнинг олдига боришга мажбур бўлди.

— Нега олдинроқ келмадинг? — уни койиб берди поп. — Чол ўлиб қолган бўлса-чи?

— Ташвиш қилманг, тақсир. Сиз боргунингизча унинг ўлмаслигига ишонаман. Мен унга сиз борсангиз қарзга олган юз левини қайтаришингизни айтдим.

## ИДИШ

Бир куни Миньо бобога ярим ҳазил, ярим чин қилиб, у ҳаммага таниқли, ҳурматли одам бўлса ҳам ўтакетган зикна эканлигини айтишди.

— Агар ўз ичида яхши вино етилсин деса — шиша ҳам сув томмас зикна бўлиши керак, — деб жавоб қилди у бамайлихотир.

## КЕЛАЖАҚДА

Габроволикка бир иш таклиф қилишди. У бу иш учун қанча тўлашларини сўради.

— Дастлаб етмиш лев, кейин юз лев.

— Жуда соз, — деди у. — Мен албатта келаман, фақат... кейинроқ.

## ЭСИ КИРИБ ҚОЛДИ

Бир деҳқон габроволик савдогардан у-бу нарса харид қиларди. Улар гаплашиб қолишди ва деҳқон нега габроволикнинг ҳамиша иши ўнгидан келишини суриштира бошлади.

— Биз бир балиқни еб юрамиз, эҳтимол шундан дир, — деб жавоб берди габроволик.

Деҳқон ўша балиқдан унга ҳам сотишини илтимос қилди. Балиқ учун яхшигина пул тўлаб, олиб кетди.

Бир қанча ўтгач, улар яна учрашиб қолишди.

— Балиқни едим, лекин габроволик бўлганимча йўқ, — деб нолиди деҳқон.

— Демак, яна сотиб олиш керак.

— Мен-ку қаршимасман-а, лекин жуда қиммат со-  
таяпсан-а... Агар арзонлатсанг... — тугилиб-тутилиб  
гап бошлади деҳқон.

Савдогар кулиб юборди ва эси кириб қолган деҳ-  
қоннинг елкасига дўстона қоқиб қўйиб, у билан сав-  
долашгани дўконига етаклади.

## ПОЕЗДА

Кондуктор боладан сўради:

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Учинчида.

— Неча ёшга кирдинг?

— Бешга, — деди кичик габроволик ундан билет  
сўраб қолишмасин деб.

## ТЕЖАШ

Габроволик поезддан тушиб, извошчидан сўради:

— Шаҳар марказигача неча пул оласан?

— Икки лев. Қани ўтир!

— Раҳмат. Мен неча пул тежашимни билиш учун  
сўраган эдим.

## ҚўЛДАН КЕТГАН ИМКОНИАТ

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўради ўткинчи бола-  
дан.

— Ойим бир лев берган эди, йўқотиб қўйдим.

— Ма сенга бир лев, қўй, йиғлама.

Бола пулни олиб қаттиқроқ йиғлай бошлади.

— Яна нимага йиғлаяпсан?

— Агар пулимни йўқотмаганимда, ҳозир икки лев  
бўларди.

## ГАБРОВОЛИК САВДОГАРНИНГ ВАСИЯТИДАН

«... моли мулк жуда машаққатли меҳнат эвазига  
орттирилган: унга эга бўлиш жуда қийин, йўқотмай  
сақлаш ундан ҳам қийин...»

## УЗРАИ САБАБ

Бир куни ўқувчилардан биттаси мактабга келмади. Эртасига ўқитувчи ундан нима учунлигини сўради.

— Ойим иштонимни ювгандилар, — деб жавоб берди бола.

Бир неча кундан кейин у яна дарсга келмади. Бу сафар ўқитувчи болани уришиб берди.

— Мактабга келаётган эдим, жаноб муаллим, — изоҳ берди бола. — Лекин уйингиз олдидан ўтаётсам, дарда шимингиз осиб қўйилган экан...

## ИЛОЖИНИ ТОПДИ

Габроволикка бир шишача зарур бўлиб қолди. У битта шишани топди, лекин унда озгина йод қолган экан. Йодни тўкиб ташлаш габроволикка увол кўринди ва у бармоғини шартта кесди-да, унга бор йодни қуйди ва шундан кейингина шишадан фойдаланди.

## ЎЗИНИ ЎЗИ АЛДАДИ

Габроволик ишдан қайтса, уйининг олдида бир тўп болалар шовқин солишиб турганини кўрди.

— Бу ерда нима қиляяпсизлар? Ҳу анув муюлишда битта Афанди бир машина олма тушириб, ҳаммага бепул улашаяпти, — деди у.

Болалар ўйинларини ташлаб олма олгани чопишди.

Габроволик бир-биридан ўзиб, югуриб кетаётган болаларга бир пас қараб турди-да, кейин ўзиям югура кетди. «Ростакамдан олма бераётган бўлса-я», деб ўйлаб лўкилларди у.

## ҚАДИМ ЗАМОН АСАЛИ

Бир габроволик қўшнисиникига меҳмонга келди. Қўшниси уни асал билан меҳмон қилди, лекин асал шу қадар суюқ ва бемаза эдики, меҳмон чидаб туролмай деди:

— Кўриниб турибдики, бу асал ҳали асаларилар асал қилишни билмаган замонлардан қолган экан.

## ЭСКИ ҲИСОБ-КИТОБ

Габроволик хотинини врачга олиб келиб, унинг тамоқ безларини олиб ташлашни сўради.

— Бу безларни болалик пайтида олдириб ташлаш керак эди, — деди врач операциядан кейин.

— Шунақами? Катта раҳмат. Ундай бўлса ҳисоб-китобини қайнатам қилсин.

## СЎНГИ ЗИҚНАЛИК

Тузалмас дардга мубтало бўлган габроволик врачнинг маслаҳати билан дарҳол ўз шаҳрига қайтиб боришга қарор қилди. Ҳамроҳлари унинг оёқ устида зўрға турса ҳам ҳар бекатда чипта олиш учун тушиб чиқаётганлигини кўришди.

— Нега сиз биратўла Габровогача чипта олмаяпсиз? — деб сўрашди ундан.

— Йўлда ўлиб қолсам нима бўлади? — деди бемор.

## ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

— Дада, гиламни қоқа туриб бир мири топиб олдим. Нима қилай?

— Гиламни қоқавер, яна чиқиб қолар.

## КОНИ ФОЙДА ХЎРАНДА

Габрово ресторанларидан бирининг официанти шеригидан сўради:

— Нега сен ҳу анув нухани кўчага чиқариб ташламаяпсан? Қараб турсам, уни тўрт марта уйғотсанг ҳам яна ухлаб қоляпти-ку!

— Нега чиқариб ташлар эканман? Ахир у ҳар сафар уйғотганимда ҳисоб-китоб қилиб, пул тўлаяпти...

## ИЛОЖИНИ ТОПДИ

Мактабдошлар учрашув ўтказмоқчи бўлишди. Улар таклиф билетлари тарқатишиб, шартлашилган куни ресторанга йиғилишди. Овқат ейишди, ўйин-кулги қилишди. Кейин ҳар бири ўзи учун ҳисоб-китоб қилди. Навбат габроволикка етиб келди.

— Мен таклифнома бўйича келганман, — деб маълум қилди у.

## ЭСКИЛИК ТАРАФДОРИ

— Бува, — деди ёш габроволик, — ҳозир набира-ларга бувалари томонидан автомашина совға қилиш хўп расм бўлди-да.

— Мен эски расм-русмларни ёқтираман, болам.

## ҚУЮҚ ВАЪДА

— Дада, тушимда менга сиз кичкина шоколад олиб бердингиз.

— Яхши бола бўлсанг тушингда катта шоколад ҳам олиб бераман.

## ПУЛНИНГ ҚАДРИГА ЕТАДИ

— Ганчо, мана сенга икки лев. Булка нон олиб кел: биттаси ўзинга, биттаси менга.

Бир оздан сўнг кичкина Ганча йўл-йўлакай нон чайнаб қайтиб келди.

— Мана, бир левингни ол. Охирги нонни олдим, — деди у.

## ҲАҚ ТЎЛОВ

Габроволик тош деворни тузатаётган эди. Қўшниси унинг оғир тошларни жуда қийналиб кўтараётганлигини кўриб, унга ёрдамлаша бошлади.

Кечқурун иш тугагач, габроволик қўлларини артиб деди:

— Умринг узоқ бўлсин, қўшни, менга ёрдам бердинг. Ва яна раҳмат, бўлмаса бекорга ишладим, деярсан.

## КАЗАРМАДА

Отиш тугагач, командир икки солдатни нишон-тахталарни олиб келиш учун юборди. Асли габроволик бўлган солдат нишон-тахталарни синчиклаб кўздан кечири бошлади.

— Нимасига қараяпсан? — деб сўради шериги.

— Қайси тахтада тешик кўпроқ — шунга қараяпман. Кўтариб кетишда енгилроқ бўлади.

## ОТА НАСИҲАТИ

Габроволик Софияга ўзининг ўқувчи ўғлини кўргани келди. Ўғли эса унга шоша-пиша мақтана кетди:

— Дада, бугун мен уч тийин тежадим!

— Яша, ўғлим! Қанақа қилиб бунинг уддасидан чиқдинг?

— Эрталаб трамвайга чиқмасдан мактабгача орқасидан югуриб бордим.

— Аҳмоқ! Таксининг орқасидан чопганинда кўпроқ пул тежардинг! — деди отаси.

## УСТАСИДАН ЎТИБ ТУШДИ

Габроволик ўсмир бир гишт терувчи устага шогира тушди. Уста ўз шогирдларини эртадан-кечгача ишлатарди.

— Уста, — деб қичқирди бир куни кечкурун габроволик, — деворда сичқон ўрмалаб юрибди!

— Қоронғида ҳеч нарсани кўрмаяпман, — деди уста гишт теришда давом этаркан.

— Қоронғи тушган бўлса ишни тўхтатамиз! — деди габроволик ва ҳаммалари бирданига коржомаларини еча бошладилар.

## БОШҚАСИЯМ ИШЛАБ ОЛСИН-ДА

Улфатлар бир майхонага йиғилишиб қолишди. Ейишди, ичишди. Ҳисоб-китоб қилиш пайти келди. Энг чапани габроволик бошқаларни қойил қолдириш учун майхона эгасига деди:

— Ҳамма учун ўзим тўлайман. Қарз дафтарига ёзиб қўй.

— Хўп бўлади, — деди майхона эгаси ҳалиги йиғитни ўртоқлари олдида хижолат қилмаслик учун. Габроволик бўлса буни — яна қарзга ичиш мумкин экан, деб тушуниб, меҳмонларни яна биттадан кўтаришга таклиф қилиб қолди.

— Йўқ, фақат бу ерда эмас, — деб рад қилди ўзи ҳам габроволик бўлган майхона эгаси. — Мен худбин эмасман. Шу атрофда бошқа майхоначилар ҳам бор. Улар ҳам бир нима ишлаб олишсин-да.

## СИЗ ҲАМ СОТИБ ОЛИНГ

Тоғ қишлоғидан Габровога бир поп келди. У емак-хонага кирди-да, ўзига гўшт қовурдоқ ва бир стакан май буюрди.

Пост (рўза) кунлари эди, шунинг учун гўшт ва винони кўрган қўшни столларда ўтирганларнинг оғизларидан сўлақлари оқди. Ниҳоят, эркаклардан бири ботиниб сўради:

— Тақсир, бизнинг поимиз пост кунлари бизга гўшт едирмайди.

— Мен ҳам едирмайман, — деди поп. — Сотиб олиб еяверинглар.

## ҲАФСАЛАСИ ПИР БЎЛДИ

Ёш келин-куёв габроволиклар уй солишмоқчи бўлишди. Бир кун тушлик пайтида улар қовурилган ловияни ёғоч қошиқларда еб ўтиришарди.

Шу пайт қайната келиб қолди. Уни ҳам столга таклиф қилишди, лекин у жаҳл билан гўлдиради:

— Модомики, қовурилган ловияни қошиқ билан еяр экансизлар, ҳали-вери уй қуриб бўпсизлар!

## ОРАНИ ОЧИҚ ҚИЛДИ

— Қўшни, йил бўйи менинг колонкамдан сув оласан, энди ҳақининг ярмини тўла!

— Қўй бу гапни! Мана сенга қудуғим, мана челақ. Менга деса икки баравар қилиб ташиб ол, сенга бир нарса демайман...

## АВТОБУСДА

Габроволик кичик ўғилчиси билан автобусга ўтирди.

— Унинг билети неча пул туради? — деб сўради габроволик.

— Бола неча ёшда?

— Бешда.

— Унга билет олишнинг кераги йўқ.

— Агар у жойни эгаллаб кетса-чи?

— Бари бир керак эмас.

— Агар мен уни тизсамда ўтқазиб кетсам, менга қанча тўланади?

## УМИДНИНГ БАҲОСИ

Булгориядан бошқа ҳеч ерда давлат лотереяси Габроводагичалик кўп олинмайди ва спорт-лото қоғози кам сотилмайди. Социолог ва психологлар узоқ вақтгача бу фактни изоҳлаб бера олмадилар. Ниҳоят, бунда габроволикларнинг ўзлари ёрдамга келишди.

— Спорт-лотода ютишни биз фақат бир ҳафта умид қиламиз, давлат лотереясида эса бутун бир ой! — дейишди улар.

## СОЯСИ ҲАМ КИФОЯ

Габроволик уста тушлик овқатга ўтирди. Кунгабоқар мойи солинган шишани олиб, тиқинини суғурди-да, ундаги мой юқини бир бурда нонга сурта бошлади.

Шогирди ҳам ўз нонини чўзган эди, уста унинг қўлига бир урди:

— Уста бўлганимда нонингга тиқин суртасан, ҳозирча сенга шишанинг сояси ҳам етади.

## ШОЛҒОМФУРУШ

Габроволик шолғом сотгани йўлга тушди. Кўприкдан ўтаётганда унинг эшаги тихирлик қилиб, юрмай туриб қолди. Габроволикнинг жаҳли чиқиб, эшакни ура кетди.

— Ҳей амаки, инсофинг борми? — деди унга йўловчи бир киши.

— Йўқ, оғайни. Бор эди — соб бўлди, фақат шолғом қолди.

## УЛУҒЛИК ВАСВАСАСИ

Габроволикни, сизлар ҳақингизда кўп латифа тўқилади, деб мазах қилишди.

— Тўғри, — деди у. — Латифалар фақат улуғ одамлар ҳақида тўқилади-да.

## НОЗИК ҲИСОБ-КИТОБ

Бир габроволик қўшнисига сопол хумчасини қарзга бериб турган эди. Аммо қўшниси бехосдан уни синдириб қўйди. Шунда у қўшничилик бузилмасин учун бозорга бориб, янги, сирланган, анча катта ва



яхшироқ хумча олиб келиб, синганнинг ўрнига қайтариб берди.

— Биласанми, — деди у, — мен сенинг хумчангни синдириб қўйдим. Ўрнига янгисини олиб келдим.

Габроволик хурсанд бўлса ҳам бари бир камчилигини тополмай туролмади:

— Янгилликка — янгику-я, лекин... менинг хумчам ёғ юқи эди-да.

### **ФАРАЗ ҚИЛИШ**

Ашаддий кашанда бўлган бир габроволикдан нега у чекишдан олдин сигаретни иккига бўлишини сўраб қолишди.

— Шундай қилсам — иккита сигарет чеккандай бўламан, — деди у.

### **ДАЛИЛАР**

— Менга иккита катталар учун, битта болалар учун чипта беринг, — деди кассирга габроволик.

— Нега болалар учун бўлар экан? Ўғлингиз капкатта йигит бўлиб қолган, шим кийиб юради-ку?

— Майли. Бўлмаса ўғлимга катталар учун, хотинимга болалар учун чипта бера қолинг. Хотиним... калта шим кияди... — деди габроволик.

### **ЭҲТИМОЛ, БЎЛАВЕРАР**

Габроводаги қишлоқлардан бирининг деҳқонлари муаллимнинг ҳақини ҳар бир хонадон икки челақдан бўза билан тўлашга келишишган эдилар.

Бўза қайнатиш бошланганда муаллим эшик олдига катта икки бочка қўйиб қўйди, одамлар уни тўлдиришга бошлашди. Икки юз хонадондан тўрт юз челақ бўза қуйилди.

Кўп ўтмай муаллим бўзасини сотмоқчи бўлди. Бўзафуруш савдогарлар келиб ундан татиб кўришса, бочкада сувдан бўлак ҳеч вақо йўқ экан.

Гап шундаки, қишлоқдагилар бир бочка ўткир бўзани икки челақ сув бузолмас, деб ўйлашган экан.

### **ИККАЛАСИГА БИР ЖАВОБ**

Габроволик уста тушлик овқатланишга ўтирди, аммо... ўз шогирдларини таклиф қилмади. Икковлон

шогира ўсмирлар дастурхонга қараб, оғизларидан сўлакайлари оқиб туришарди. Ниҳоят, улардан биттаси таваккал гапириб юборди:

— Қаранг, уста... Иван ҳам сиз билан овқатланмоқчи-я...

— А? — деб ҳайрон қолди уста. — Сени-ку овқатга таклиф қилганим йўқ, Иванга йўл бўлсин!

## ТАНТИ ОҚСОҚОЛ

Габровога яқин қишлоқлардан бирининг оқсоқоли ўзи ичмасди-ю, лекин бўш пайтларида қовоқхонага кириб ҳамқишлоқлари билан чақ-чақлашиб ўтиришни хуш кўрарди. Бирорта даврага бориб ўтириши билан у ердагилардан бири: «Ҳаммага юзта-юзта қуйилсин!»— деб вино чақириб қолар, турган гапки оқсоқолнинг олдига ҳам қадаҳ қўйиб қўйишарди. Оқсоқолнинг олдига қадаҳлар даврадагилар қанча бўлса шунчага етганда у сўз олиб:

— Энди меҳмон қилиш гали меники! — дерди ва хамманинг олдига биттадан қадаҳ қўйиб чиқарди.

## ҚАДОҚНИНГ БИРДАН-БИР ДАВОСИ

Бир габроволик оёқдаги қадоқларнинг бирдан-бир давосини билиши билан довруқ чиқарган эди. Унинг олдига даво топиш учун келувчиларнинг кети узилмасди. У бўлса давоталабларнинг қадоқ жойларини бироз силаган бўларди-ю, ҳақини олиши билан ўз «рецепт»ини айтарди:

— Қадоқнинг бирдан-бир давоси — кенг-мўл пойабзал кийиш!

## УЧИБ БОРАДИ

Бир кун икки собиқ полқдош — габроволик ва севлиеволик учрашиб қолишди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб тиришибди. Хайрлашатуриб севлиеволик:

— Оғайни, энди қачон учрашарканмиз-а? — деб ўрабди.

— Уйингга чақир, Севлиево қочиб кетибдими, учиб гиб бораман, — дебди габроволик.

## ТЕЗ ҚИЛИНГАН ҲИСОБ-КИТОБ

Бир габроволик қўшни кампирнинг яроқсиз томини тузатиб берди. У кетмоқчи бўлганда кампир гапга тушиб кетди:

— Сенинг яхшилигингни қандай қайтаришни билмай қолдим-а, ўғлим. Сенга нима берсам экан, а? Олхўри узиб берай десам, ҳали хом... Чорвоғимдаги ошқовоқларим ҳам етилмаган... Қилган меҳнатингга битта жўжамдан берардим, лекин жўжаларим ҳам ҳали жуда кичкина-де...

— Жуда кичкина бўлса иккитасини берақол, — деди габроволик.

## БЕПУЛ ГАЗАК

Габроволик қовоқхоначи эшиги тепасига: «Бу ерда газак бепул» деб катта қилиб ёздириб қўйди. Одам демаган қовоқхонага ёғилиб кетди: ким бир стакан бўза буюради, ким икки стакан, ким — учта, қовоқхоначининг қўли-қўлига тегмасди... Аммо навбат ҳисобкитобга келганда маълум бўлди-ки, бир стакан бўза ҳамма жойдагидек бир лев эмас, икки лев турармиш. Орада жанжал чиқди.

— Тўғри, бошқа қовоқхоналарда бир стакан бўза учун бир лев олишади, — деди қовоқхона эгаси, — лекин менда ахир, газак бепул-да!

## ХАФА БЎЛИШГА БАЛО БОРМИ?

Бир куни габроволик катта ўғлини чақирди:

— Қазноққа тушиб менга бочкадан ярим коса вино қуйиб чиқ, нимагадир менинг кайфиятим йўқроқ.

— Ака, косани тўлдириб чиқавер, менинг ҳам кайфиятим йўқроқ, — деди унга габроволикнинг кичик ўғли.

— Йўқ, ярим коса бўлади, — деб ўшқириб берди отаси. — Сендақа ёш йигитга хафа бўлишга бало борми?

## ҚИЙИН ИМТИҲОН

Бир ҳунар мактабининг ўқувчиси ўқишда жуда қийналарди. У тўрт йилдан бери биринчи синфда ўқирди, беш йил битта синфда ўқиш эса мумкин

эмасди. Ўқитувчининг болага раҳми келди-да, «ҳар қалай ҳунар ўрганаёпти-ку, ўқишни эпласа бўлди-да», деб уни ўз олдига чақириб, «Алифбо» китобидаги бир суратни кўрсатиб дебди:

— Агар шу суратнинг остига нима ёзилганини ўқий олсанг сени иккинчи синфга ўтказаман, ўқий олмасанг — ўзингдан кўр...

Бола расмга қарадию, унинг остида нима ёзилиши мумкинлигига ақли етди, кейин ўқиётгандай бўлиб деди:

— Б...у...қ...а... буқа!

Аммо суратнинг тагида «Хўкиз» деб ёзилган эди. Лекин ўқитувчи боланинг топқирлигига қойил қолиб, уни иккинчи синфга ўтказиб қўйди.

## АНА ХОЛОС!

Габроволик аёл уйига келган меҳмонлар учун пиш-лоқ қўшилган нон пиширди. Ноннинг биттасини пи-шириб дастурхонга қўйиши билан меҳмонлар уни еб қўйишди. Иккинчисини қўювди ҳамки, уни ҳам еб қўйишди. Шунда аёл тилга кирди:

— Ана холос! — деди у. — Қаранглар-а, меҳмон-лар тўйиши билан ноним ҳам тугади-я!

## ИМО-ИШОРА

Бир куни габроволикларникига меҳмонлар келиш-ди. Ярим кечагача ўтиришиб қолишди. Уй бекасининг тоқати тоқ бўлди-да, ҳамма эшитадиган қилиб эрига деди:

— Қани, эрвой, ётайлик энди, меҳмонларнинг ҳам уйларига кеткиси келгандир!..

## ТАНБИҲ

Бир габроволикникида дурадгор усталар омбор қу-ришаётган эди. Тушликка хўжайин бир идишда овқат олиб чиқди, аммо ўша суюқ овқат идишнинг тагида, уч-тўрт қошиқ чиқар-чиқмас эди. Дурадгорлардан биттаси чидаб туролмади:

— Биз томонларда мушукларнинг думларини кесиб қўйишарди, сен бўлсанг, хўжайин, мушутингни калла-лигача олиб бориб қирққан кўринасан?

## СИР

Габроволик устадан у қандай қилиб озгина вақт шогирд бўлиб юриб, усталик ҳужжатини олганлигининг сирини сўрашди.

— Бунинг ҳеч ҳайрон қоларлик жойи йўқ, — деб жавоб қилди уста. — Ҳар куни эрталаб туриб ювиниб, ҳали бошқа шогирдлар артиниб, ҳўл қилиб улгурмаган қуруқ сочиққа артинишни одат қилиб олгандим холос.

## РАҒБАТ

Бир габроволикдан унинг ўз болаларига бунчалик меҳнатсеварликни қандай сингдирганлигини, болаларининг ҳаммадан эрта туриб, ҳаммадан олдин ишга тушиб кетишларининг сирини сўрашди.

— Нима дейишимга ҳайронман, — деб кулди габроволик. — Менинг бешта ўғилларимнинг бир жуфтгина чориқлари бор, ким эрталаб биринчи бўлиб турса — уни ўша кияди, қолганлари эса ялангоёқ юради...

## ҲОЙДАДАН ҲОЙЗ

Миньо Поп бобо ҳузурига ўз ишини энди бошлаётган бир савдогар келди-да, ўз савдосини кенгайтириш учун қарз сўради. Миньо бобо ўйлаб-ўйлаб қарз беришга рози бўлди.

— Сенга пул бераман, — деди у. — Аммо кунига икки тийиндан ўсим тўлайсан.

— Ахир, олдинги сафар олганимда кунига бир тийиндан ўсим тўлаган эдим-ку, бу сафар икки баравар айтаянсан, — деб ҳайрон бўлди савдогар.

— Тўғри, — деди Миньо бобо. — Лекин у пайтда қиш — кунлар қисқа эди, ҳозир ёз — икки баробар узайган-да...

## ҚУЛАЙЛИК

Қадимги Габровонинг кўчалари шунчалик тор эдики, ўтиб борувчилар бир-бирларини ўтказиб юбориш учун ёни билан, деворга қисилиб туришга мажбур бўлишарди. Шунинг учун ҳам бу кўчаларни «Тўхтаб тур, ўтиб кетай» деб аташарди.

Аммо «Тўхтаб тур, ўтиб кетай» кўчаларининг бошқа кенг кўчалар олдида бир қанча афзалликлари бор

эди: кўча бўйлаб тизилган уйларнинг бўғотлари бир-бирларига тегай-тегай деб турганлигидан ёмғир ёққанда соябоннинг кераги йўқ эди, эрталаб уй эгалари супургини бир-икки марта силкишса бўлди — кўча супирилган эди, ширинлик ва булка нонлар сотувчилар харидорларни чақириб катта кўчалардагидек уюзидан бу юзига физилаб чопишмайди, харидорлар бу ерда шундоққина биқинингизда, айниқса габроволик уй бекалари қўшниникига туз сўраб шиппагини ейилтириб ўтирмасдан, шундоққина деразадан олишлари мумкин ва ҳоказо.

### АВРАНИНГ АСТАРИНИНГ АСТАРИ

Габроволик тикувчининг олдига Миньо Поп бобо келди-да, узоқдан гап бошлади:

— Аммо-лекин қўлинг гул-да, Иван! Шунинг учун доим сенинг олдинга келаман. Мендай кадрдон мижозинга ҳеч қачон йўқ демайсан... Сенга ағдариб тикиб берарсан деб костюмимни олиб келувдим. Мана, кара, матоси ҳали бутун, ранггيام ўчмаган...

Тикувчи костюмни кўздан кечириб:

— Ахир, у қачонлардир ағдариб тикилган-ку? — деди.

— Бу менга маълум! — деб унинг гапини бўлди Миньо бобо. — Аммо менга сенинг жуда усталигинг ҳам маълум, доим бир иложини қилиб берасан... Бу костюмни ҳали шунақангги кийса бўлади-ки!..

### ФАҚАТ САВОДЛИЛАР УЧУН

Габрово билан Севлиево ўртасидаги йўл тўғриланиб солингандан кейин масофа бир неча километрга қисқарди ва габроволик ҳазилкашлар йўлнинг бошланишига шундай деб эълон ёпиштириб қўйишди:

«Янги йўлдан юрилса Севлиевога ярим соат илгари етиш мумкин. Ким ўқишни билмаса — эски йўлдан юраверсин!»

### ОВҚАТ ПАЙТИДАГИ САНОҚ

Ёзувчи Любен Каравелов габроволикларнинг машҳур «зиқна»ликлари устидан шундай кулган:

«Қайнатма шўрва солинган идиш дастурхонга қўйилиши билан ўтирганларнинг ҳар бири ундан ўзи-

га тегишли гўшт парчасини олишади. Шўрванинг суви ўртада, аммо уни ичадиганларнинг қошиқлари бир хил бўлиши шарт. Бирорта одам қўшнисидан кўпроқ еб-ичиб қўймасин деб хўраңдалардан биттаси столни нима биландир тақиллатиб буйруқ беради. Айтиш мумкинки, бу овқатланиш худди ҳарбий машғулотга ўхшаб кетади: бир! — ҳамма бараварига қошиқларига шўрванинг сувини олишади, икки! — уни офизларига солишади, уч! — қошиқларини офизларидан олишади...»

### **ПИВО ЭСДАН ЧИҚМАСИН**

Бир тўй зиёфатига қишлоқ попи ҳам келибди. Мана, йигитлар меҳмонлар ўтирган узун дастурхон бўйлаб юриб, кимга вино, кимга ракия ароғи қуйиб келишяпти. Навбат попга келганда ундан:

— Отаҳон, нима ичадилар, виноми, ракиями? — деб сўрашди.

— Пиво ҳам! — деб жавоб қилди поп.

### **АНА БУНИ ТЕЖАМКОРЛИК ДЕСА БЎЛАДИ!**

Миньо Поп бобо Габровонинг қироатхонасига қирқ минг лев иона қилмоқчи бўлди. Банкка келиб шунча пулини ўша ҳисобга ўтказмоқчи бўлганида ундан муҳрона ҳақи деб яна икки лев сўрашди.

— Бунинг учун кимнинг пули бўлса ўша берсин! Меңда бунақа расмиятчилик учун пул йўқ! — деб бақириб берди чол.

### **БУЮРТМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Габровонинг қаҳвахонасига шаҳар маҳкамасининг хизматчиси кириб келди. Уни шу ерда ўтирганлардан бири — камбағалгина габроволик кўриб, унга хушомад қилмоқчи бўлдию, қаҳвахона эгасига:

— Жаноб солиқ йиғувчига менинг ҳисобимдан битта қаҳва! — деб қичқирди.

— Нима бало, эсингни едингми? — деб камбағалга пичирлади иккинчи габроволик. — У ҳозир солиқ йиғувчи эмас!

— Хўжайин! — деб қичқирди камбағал, — буюртма бекор қилинади!

## ТОПҚИР БОЛА

Бокқолик дўконининг сотувчиси қайтим учун майда тополмай ғаладонни титкиларди. Ниҳоят у харидор бўлмиш кичкина габроволикдан:

— Сенда беш тийин топилмайдими, шунда мен сенга бир лев қайтариб бераман.

Бола шу заҳотиёқ савол берди:

— Агар мен сизга ўн тийин берсам менга икки лев берасизми?

## БАШОРАТҒҲЙ

— Ойи, биласанми, мен келгуси ҳафтада янги шим кияман.

— Қаердан оласан уни?

— Бугун дадам ўз шимини билмасдан йиртиб қўйди...

## КЕЧИРИШ

— Сен билан битта уйда турамиз-а, — деди габроволик қўшнисиникига кириб ва чўнтагидан бир шиша вино олди, — Ке, бир қадаҳдан ичайлик. Эртага мен черковга товба-тазарру қилгани бораяпман, шу боисдан сендан ўртамизда яхши-ёмон гап ўтган бўлса кечиргин, деб чиқдим.

— Сенинг ҳамма нарсангни кечираману, аммо-лекин олган юз леви қарзингни икки дунёда ҳам кечирмайман! — деди қўшниси шоша-пиша.

## ОРҚАГА ҲАЙДА

Габроволик таксида келарди. Бирдан у пул кўрсатардаги 22 левни кўриб шошилиб қолди.

— Тўхта! — деб бақирди у ҳайдовчига. — Орқага олти левлик ҳайда, менинг ўн олти лев пулим бор холос!

## КАСБОНА СИР

Габроволик деҳқон устига сули солинган қошлар ортилган аравада келарди. Орриқ қирчанги аравани зўрға тортиб қадамларди.



— Нима олиб келаяпсан? — деб сўради ундан бир ўткинчи.

— Сули! — деб пичирлаб жавоб қилди аравакаш.

— Нима? — деб қайта сўради ўткинчи эшитмасдан.

— Сули! — деди габроволик яна эшитилар-эшитилмас.

— Нега сен бунақа гапиряпсан, нима, томофинг офрияшганими?

— Йўқ, фақат аравада сули борлигини отим эшитиб қолмасин, деяпман. Бечорага нуқул «сулим йўқда» деб қуруқ ҳашак бериб боқаяпман.

### МОЗОРГА ЎЗИ ЧОПИБ КЕТАРДИ

Дунёдан кўз юмган бир габроволик атрофида унинг барча оила аъзолари йиғилишди.

— Менимча, — деди куёв, — уни биринчи даражали расм-русум билан дафн этиш керак.

— Агар отам тирик бўлганида, — деб унга жавоб қилди ўғли, — бунақа дафннинг қанчалик қимматлигини кўриб, энг охирги даражадаги дафнни афзалроқ биларди.

— Мунозарани бас қилинглар, — деди марҳумнинг беваси, — нима қилиш керак бўлса ҳаммасини қилинглар. Агарда марҳум сизларнинг баҳо ҳақида талашганларингни эшитиб қолгундай бўлса ўзи туриб, мозорига ўзи югуриб кетарди.

### АЖАБ БЎЛСИН

Габрово фирмасининг бошлиғи ўз хизматчисидан қуйидаги мазмунда телеграмма олди:

«Н. деган шаҳарда қолиб кетдим. Поездлар юрмаяпти. Кўрсатмаларингизни кутаман».

Фирма бошлиғи дарҳол унга қуйидаги телеграммани жўнатди:

«Кечадан бошлаб сиз отпускага чиқарилдингиз».

### ГАБРОВОДАН ТАРҚАЛГАН ХАБАР

Габроволиклар иқтисод қилиш мақсадида эндиликда уларнинг ҳаммалари туғилган кунларини 29 февралда ўтказишга қарор қилишди. Бундай кун тўрт йилда бир келади, ҳамманинг бир кунда туғилган ку-

нини нишонлаши туфайли ҳеч ким биров-бировиникига меҳмонга бормайди.

### ШАРОИТГА ҚАРАБ

— Ойи, ҳовлига чиқиб Петр билан ўйнасам майлими?

— Йўқ, у ёмон бола.

— Ундай бўлса чиқиб уни бир уриб келсам майлими?

### МАСЛАҲАТГА МУВОФИҚ

Бир габроволикнинг касал хотинига врач об-ҳавони алмаштириш ва энг муҳими — денгизга хос «шўрроқ» ҳаво ёзиб берди.

Эртасига уларнинг уйига келган ўша врач габроволикнинг тузланган балиқни думидан ушлаган ҳолда хотинининг бурни олдида ҳадеб силкиётганини кўрди.

### КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

— Мана бу бўғчаларни вокзалгача кўтариб бориш учун неча пул оласан? — деб сўради бир габроволик ҳаммолдан.

— Катта тугун учун — беш лев, кичиклари учун икки левдан.

— Бўлмаса, мен битта каттаю, битта кичигини кўтараман, сен анув кичикроғини ола қол, — деди габроволик.

### БОЛА БОШИДАН

Габроволик хотин қўшни болаларни конфет бериб меҳмон қиларди. Бир марта сийлади, икки марта сийлади. Қутида икки дона конфет қолганини кўрган болалардан бири аста келиб унинг қулоғига пичирлади:

— Холажон, ануви конфетларни яшириб қўйинг, эртага бир ўзим келганимда мени сийлайсиз.

### ҲАМИША ҲУШЁР

Фабрика эгаси оғир хасталаниб қолди. Хотини врач чақирди.

— Хоним, — деди врач беморнинг иссиқлигини

ўлчаб бўлиб. — Сизнинг эрингиз безгак касалига учрабди. Унинг иссиқлиги 39 дан 40 қа кўтарилибди.

Шу асно каравотдан беморнинг овози чиқди:

— Қирққа чиққан бўлса молларни сотаверсин!

### ҚАРЗДОР БЎЛИБ ҚОЛИБ КЕТМАС

Бир габроволик шофер Давлат Автомобил Назорати идорасининг кўнгилли ходими эди. Бир гал у бошқа шаҳарга борганида қондани буздинг, деб икки лев жарима солишибди. Шофер заҳарханда билан илжайдию, жарима чиптасини авайлаб киссасига солиб қўйди. Бу: «Сизларники ҳам биз томонларга бориб қолар, икки баравар қилиб ундириб олмаган номард», дегани эди.

### ЎХШАТМАСДАН УЧРАТМАС

Бир габроволик темирчи устахонасида бир идишда вино сақларди. Гоҳ-гоҳ у бир қултум ичиб, шогирдига қараб:

— Вино хоҳлайсанми?.. Э, йўқ, хоҳламайсан шекилли, майли... — деб қўярди.

Шогирди индамасдан ўзича заҳарханда билан кулиб қўярди. Ҳар куни шу ҳолат давом этиб, шогирдининг тоқати тоқ бўлди. Бир куни темирчи бир темирни ўтдан олиб босқонга қўйди. Шогирд катта болғани темирни ориш учун кўтардию, лекин темир устига туширмади:

— Болға хоҳлайсанми?... Э, йўқ, хоҳламайсан шекилли, майли... — деди у устасига ўхшатиб.

### ҚИПИҒИ-ЧИ, ҚИПИҒИ?

Габроволик тоғда яшагани учун бу ерларда буғдой экилмасди. У ун сотиб олиш учун Жанубий Булғорияга борди.

— Кел, буғдойни бирга етиштирамиз, — деб унга таклиф қилди жанублик, меҳмонни бошлаб ишлатиб, камроқ ҳақ бериш мақсадида. — Ер бераман, ҳайдайсан, экасан, йиғиштирасан, ҳосилини янчасан... Кейин биз донни тенг бўлиб оламиз...

— Қипиғини-чи, қипиғини? — деб унинг гапини бўлди габроволик.

— Похолюю сомонини ҳам тенг бўлиб оламиз: бир арава менга, бир арава сенга...

— Қипигини-чи, қипигини? — деб унинг гапини яна бўлди габроволик.

— Қипигига мунча ёпишиб қолдинг! — деди жанубликнинг жаҳли чиқиб. — Э, бор-е, сен билан шерик бўлиш кони азоб бўларкан!

### ИСРОФХЎР

Габроволик ҳунарманд қассобга ўғлидан шикоят қилиб қолди:

— Ундан одам чиқмаслигини билувдим... Кеча ўғлимни ресторанда кўришибди. Икки левга гўшт қовурма еб ўтирганмиш. Кўраяпсанми, ўшанча пулга сендан қанча гўшт олаяпман...

### ТОПҚИР МЕҲМОН

Габроволик попникига меҳмон келса нуқул унинг хотини эрининг олдига овқат қўйиб ошхонага кириб кетар, чиққунча поп овқатни пок-покиза тушириб, меҳмонга қарамасдан фотиҳа ўқиб юбораверар экан. Бир куни униқига яна бир меҳмон келибди. Попнинг хотини эрининг олдига овқат олиб келиб қўйибдию, ўзи ичкарига кириб кетибди. Поп эндигина қошиқни қўлига оламан деганда меҳмон:

— И-е, отахон! Овқат олди дуосини ўқимадингиз-ку? — дебди. Поп хижолат бўлиб, дуо ўқишга тутинган экан, меҳмон унинг овқатини апил-тапил тушириб олибди-да, сўнг попга:

— Ана энди отахон, овқатга фотиҳа қилсангиз бўлаверади, — депти.

### ПОЛГА ДУМАЛАГАН ТАНГА

Бир габроволик дўқондорникига уни пул билан таъминлаб турадиган катта савдогар келибдию, қарз-қурзларни ҳисоб-китоб қилишмоқчи бўлишибди. Шунда габроволик чўнтагидан қарз дафтарчасини олмақчи бўлганда унга қўшилиб битта ўн сўмлик танга ҳам чиқиб, полга юмалаб кетибди. Уни габроволикнинг ўғли ердан кўтариб олибди.

— Дада, мен танга топиб олдим! — деб қичқирибди у.

— Қўявер, — деб қўл силтабди отаси, — бор, ойингга олиб бориб бер, тилло тангаларга қўшиб қўйсин.

Буни эшитган қарз берувчи мийиғида кулиб қўйибди.

— Баракалла, энди қарзни кейинроқ тўласанг ҳам бўлаверади, — дебди у. — Тангаларинг полда юмалаб юргандан кейин сендан ташвишланмаса ҳам бўлади... Аммо, — депти меҳмон кўз қисиб, — полга танга ташлаш ҳунари аслида мендан қолган...

### САБОҚ

Габроволик бир нонвой савдогардан қарзга олган пулга дўстларини меҳмон қилиб юбориб, ўзи пулсиз қолибди ва ноилож яна ҳалиги савдогарнинг олдига борибди. Савдогар эшик олдига писта чаққанича унинг гапларини эшитиб турибди. Кейин нонвойга кафтида қолган уч дона пистани узатибди:

— Ол, чақ.

Нонвой ҳалиги учта пистани олмоқчи бўлганда савдогар бошқа қўли билан иккитасини яшириб қолиб, бир дона пистани олдирибди холос.

— Мана, меҳмондорчиликни қандай ўрнига қўйиш керак, — дебди савдогар ва иккита пистани маза қилиб ўзи чақибди.

### ТУЗМИ, БАЛИҚ?

Дунай бўйидан келган савдогар габроволикка балиқ сотибди. Пули нася бўлган экан, эртасига сўрагани келибди:

— Балиқнинг пулини берсанг, — дебди у габроволикка.

— Пулингни сарф қилиб юбордим, унга туз олдим, — дебди габроволик.

— Қанақа туз?

— Балиқни тузлаш учун-да?

— Унда балиқ қани?

— Сотиб юбордим.

— Сотиб юборган бўлсанг пулини бер!

— Вой тушунмаган-ей! Айтдим-ку сенга туз олдим деб...

— Қани ўша туз?

— Балиқ тузладим.

— Балиқ қани?

— Сотиб юбордим.

— Пули қани?

— Туз олдим...

Савдогар ноилож, қўл силтаб жўнаб кетибди. Шундан бери бу ёқларга балиқ олиб келмайдиган бўлибди. Энди габроволикларнинг ўзлари Дунай бўйларига бориб балиқ олиб келишадиган бўлишибди. Фойдани кимлар биландир арра қилишнинг кимга кераги бор?

### ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ

Миньо Поп бобо гутурт ёқилганда қолган қисмини сопол хумчага солиб қўярди. Ундан булар унга нима учун керак, деб сўрашганда у:

— Тайёргина тиш ковлагичларку улар, ташлаб аҳмоқ бўлибманми! — деб жавоб қилибди.

### ҚАРЗДАН ҚУТИЛИШ ТўЛҒОҒИ

Габроволик судхўр Миньо бободан қарз олувчилар кўп эди. Улардан бирортасининг тўлов муддати яқинлашганда чол унинг уйига келиб эшигини тақиллатиб шундай дерди:

— Тайёрлан! Қарздан қутилиш тўлғоғи бошланади!

### БЕХАРАЖАТ КУЛГИ

Жуда ишбилармон ва топқир габроволиклар ҳамма нарсадан фойда излаганларидек ўзлари тўғрисидаги латифалардан ҳам фойда кўришга қарор қилишибди. Шаҳар маҳкамаси кимки габроволиклар тўғрисида янги латифа олиб келса беш лев берилишини эълон қилибди. Қисқа муддатда шунақанги кўп латифа ёғилибдики, ҳеч қаерга сифмай кетибди.

Кейинроқ уларга ҳақ тўлаш ҳақида гап кетганда Габрово ҳоқими:

— Ҳеч кимга ҳеч қанақа пул тўланмайди, чунки, бу латифаларнинг ҳаммаси эски... — дебди.

Шундай қилиб габроволиклар ҳеч қандай харажатсиз анча латифалар тўплашиб, булғор ва чет эллар тилларида китоб қилиб чиқаришибди. Бу тўплам уларни оламга машҳур қилибди.

## ЎТИН ЁНГА ҚОЛДИ...

Бир габроволик совуқ қотиб уйига кирибди-ю, печканинг олдига келиб унга ўт ёқмоқчи бўлибди. Кейин тўхтаб хаёлида гўё ҳозир гугурт чақади, печка гуруллаб ёнади-ю, хона ҳам исиб кетади, ўзим ҳам исиб кетаман, деб ўйлаб кетибди. Бу фикрлардан гўё бироз исигандай бўлибди.

— Хайрият, печкани ёқмаганим, мана энди ўтин ёнга қолди, — дебди у.

## ҚОЛГАНИ ЎЗИ КЎРИНАДИ...

Бир бойроқ габроволик Парижга саёҳатга борибди. Кетатуриб уйдагиларга Париж манзаралари туширилган суратчалар юбориб туришга ваъда берган экан. Аммо ундан фақат битта — Эйфель минораси тасвирланган сурат келибди холос. Суратнинг орқасида эса: «Мана шу Эйфель минорасидан туриб Парижнинг бутун манзарасини кўрса бўлади», — деб ёзиб қўйилган экан.

## ИККИ ЁРТИ БИР БУТУН

Ўша габроволик бой келгуси йили хотинининг қўяр-қўймас қистови билан эру хотин Римга саёҳатга боришибди. Унга Римни томоша қилиш учун камида тўрт кун кераклигини айтишибди. Габроволик тўрт кун ичидаги меҳмонхона ва бошқа чиқимларни ўйлаб хотинига:

— Сен шаҳарнинг ярмини айланасан, мен эса бошқа ярмини, шундай қилиб икки кунда Римни томоша қилиб чиқамиз, — депти.

## ОРА ОЧИҚ БЎЛДИ

Бир инглиз сайёҳи сувга чўкиб кетаётганда бир габроволик уни қутқариб қолибди. Инглиз миннатдорчилик учун габроволикка ўн фунт стерлинг бермоқчи бўлибди. Аммо унинг пули йигирма фунт стерлинглик экан. Инглиз габроволикдан ўн фунт қайтим сўрабди.

— Ҳозир бунинг иложи топилади, — дебди габроволик инглиз берган пулни чўнтагига соларкан. Кейин инглизни сувга итариб юборибди-да, уни яна қутқарибди.

— Мана энди орамиз очик бўлди, — дебди сўнг инглизга.

### **МАЖБУРАН ҚЎЙИЛГАН СОҚОЛ**

Бир габроволик иш билан чет элларга кетибди-ю, бир йилча қолиб кетибди. Қайтиб келса уйдаги укаси узун соқол қўйиб олган эмиш.

— Ҳа, нега соқол қўйдинг? — деб сўрабди акаси ундан.

— Устарани олиб кетиб қолганингиздан кейин ни-ма қилай? — дебди укаси.

### **ИККИ КАШАНДА**

— Сигаретингдан битта чектир, — дебди бир габроволик ошносига.

— Сигаретим тутаган эди, — деб жавоб берибди иккинчи габроволик.

— Майли, ундай бўлса ўзимникини чека қоламан, кейинги сафар чектирарсан, — дебди биринчи кашанда.

### **БИР ДОНА ГУГУРТ МАШМАШАСИ**

— Гугуртингни бериб тур, — дебди бир габроволик иккинчисига.

— Бу найрангинг энди ўтмайди, — дебди иккинчи габроволик.

— Қайси найрангим? — деб ҳайрон бўлибди биринчи габроволик.

— Қачон сенга гугурт берсам қайтиб берганингда бир донаси кам чиқади, — дебди иккинчи габроволик.

### **ЯНА ИККИ КАШАНДА СУҲБАТИ**

Бир габроволик иккинчисидан сигарет сўрайвериб жонига теккан экан. Иккинчи габроволик бир куни уни кўриб сўрабди:

— Сигаретинг борми?

— Бор, — дебди биринчи габроволик.

— Унда ўзимнинг сигаретимни чексам майлими? — дебди иккинчи габроволик.



## ШИТОБ БИЛАН БҮЯШ БОИСИ

Бир габроволик ниҳоятда шитоб билан уйини бўяётган экан қўшниси буни кўриб:

— Мунча шошмасанг, — дебди.

— Бўёгим тугаб қолмасидан ҳамма уйимни бўяб олай деяпман-да, — деб жавоб берибди уй бўяётган габроволик.

## КАЛ БОШНИНГ БАҲОСИ

Бошида сочи яккам-дуккам қолган габроволик сартарошхонага кирибди. Сартарош унинг сочини олиб бўлгач габроволик ёнидан ҳисоблагичини олиб нима-ларнидир ҳисоб-китоб қила бошлабди.

— Нимани ҳисоблаяпсиз? — деб хайрон бўлибди сартарош, — ана соч олишнинг ҳақи ёзилиб, деворга осиб қўйилган.

— Менинг бошим — алоҳида бош, — деб ҳисоб-китобни давом эттирибди габроволик.

## ҚОРОНҒУДА ҶҚИШ ОРЗУСИ

Бир габроволик кўзи ожизларнинг махсус — қўл билан сийпалаб ўқишни билишларини эшитиб, ўша усулни ўрганмоқчи бўлибди.

— Сенга бу нимага керак, ахир кўзинг соппа-соғ-ку? — деб сўрашибди ундан.

— Соғлиқка соғу лекин қоронғуда ўқиш ҳам мазза-да... электрнинг пули ёнга қолади, — деб жавоб қилибди габроволик.

## ҚАЙТИМ БИЛАН ЧИҚАЙ ДЕГАН ЖОН

Габроволик савдогар ўз дўконидаги молларни фақат яхлит пулга сотаркан. Ундан бунинг сабабини сўрашибди.

— Харидорга қайтим берганда ўша қайтим билан жоним ҳам чиқиб кетаётгандай бўлади, — деб жавоб қилибди габроволик.

## ПАШША НИМАНИЯМ ИЧАРДИ?

— Бу қанақаси, пивомда пашша сузиб юрибди? — деб норозилик билдирибди Габрово пивохоналаридан бирига томоқ ҳўллаш учун кирган меҳмон.

— Ташвиш қилманг, битта пашша қанча пиво ичарди? — деб уни юпатибди пивоходначи.

### **КИССАГА ТУШСАЮ ҚАЙТИБ ЧИҚМАСА...**

Бир габроволик бузуқ таксофон олдида тўхтаб унга узоқ тикилиб қолди.

— Бу бузуқ телефоннинг нимаси ёқдики, унга узоқ тикилиб қолдинг? — деб сўради шериги.

— Шу бузуқ телефонга ўхшаб киссамга тушган пул қайтиб чиқмаса... — деб қўйди габроволик.

### **МАЗМУНЛИ КИТОБ**

Бир габроволик кутубхонадан бир китоб олган эди. Китобнинг ичидан тўсатдан йириккина пул чиқиб қолди. Габроволик китобни бирма-бир варақлашга тушди.

— Ҳа, жуда мазмунли китоб эканми? — деб сўради ундан хотини.

— Нимасини айтасан, — деди унга габроволик. — Кошки ҳамма китоблар ҳам шунақа сермазмун бўлса...

### **НИМАДАН НИМА ҚИММАТЛИРОҚ?**

— Сен мен учун энг қимматлисан, — деб бўлажак рафиқасини эркалади габроволик йигит.

— Вой ўлай, машинангизни сотиб юбордингизми? — деди қиз унга тикилиб.

### **ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙГИ...**

Нима бўлиб бир габроволик тушган такси машинаси жарлиқдан қулабди.

— Ҳой ҳайдовчи, чиқ-чиқ қилаётган пул ҳисоблагичингни ўчир, буёғига барибир пул бермайман, — дермиш габроволик йўловчи.

### **ҚАССОБГА ЁҒ ҚАЙГИ...**

— Оббо, бензиннинг нархи яна ошиб кетибди-я, — деб қаттиқ хафа бўлибди бир габроволик.

— Машинанг йўқ-ку, сенга нима? — дебди унга ошнаси.

— Мана бу-чи? — деб унга бензин билан иш-

лайдиган сигарет ёндирғичини кўрсатибди ташвишланган габроволик.

### **КАТТА ХАТО**

— Мен ўз шифокорлик амалиётимда жуда катта хатога йўл қўйдим-да, — деб қолди габроволик врач ўз ошнасига.

— Нима бўлди, биронтасини билмасдан ўлдириб қўйдингми? — деб сўради ошнаси.

— Қаёқда? — деди бошини сарак-сарак қилиб шифокор, — бир миллионернинг миллионерлигини билмасдан тез тузатиб юборибман...

### **МАНА, БИЗ ТАЙЁР!**

Фарбий Европанинг габроволиклари бўлган Шотландиянинг бир шаҳарчасида янги ташкил этилган дафн идораси иш бошлабдию, биринчи дафн маросимини бепул ўтказилишини эълон қилибди. Бу овозани эшитиши биланоқ бир шотландиялик ўзини отибди.

### **СУВ ҚЎШИЛГАН ВИСКИ — ВИСКИМИ?**

Бир шотландиялик кемадан денгизга қулаб кетибди. Денгизчилар уни қутқариб олишибдию, ўзига келсин учун бир стакан виски ичирмоқчи бўлишибди. Шотландиялик эса сира ичмасмиш. Ундан бунинг сабабини сўрашибди.

— Мени оёғимдан кўтариб силтаб ичимдаги сувни тушуриб юборинглар, вискига сув қўшилмасин-да, — депти.

### **ОХИРГИ НАЖОТ**

Бир шотландиялик бир тангалик пулини йўқотиб қўйиб ҳамма чўнтақларини қараб чиқибди, пул топилмабди. Қаралмаган битта чўнтаги қолибди. Аммо унга қўл суқишга сира юраги дов бермасмиш.

— Бундаям бўлмаса, нақ юрагим ёрилади-я, — дермиш шотландиялик.

### **ЧЎКИБ КЕТМАСЛИКНИНГ БИРДАН-БИР ЧОРАСИ**

Бир шотландиялик кемада кетиб бораётган экан довул бошланиб кема қаттиқ чайқала бошлабди. Шот-

ландиялик чўкиб кетмасликнинг чорасини излай бошлабди. Ҳайлаб-ҳайлаб охири топибди: жомадонидаги бор пулини олиб чўнтақларига жойлабди — энди кема чўккундай бўлса ўзини эмас — пулларини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилади, чўкмайди.

### АЗАГА КЕЛГАН АЁЛ...

Денгизда кетаётган бир кема ҳалокатга учраб бир инглиз ва бир шотланд аёл кимсасиз оролга тушиб қолишибди. Орадан кўп ўтмай уларнинг емишлари тугабди ва нажот учун умид қолмабди.

— Энди бу ерда очимиздан ўламиз шекилли, — деб қаттиқ ташвишга тушибди инглиз аёли.

— Бунга-ку чидаса бўлади, аммо менинг қайтиш чиптам йўқолиб қолган, шунисига чидолмайман, — деб ҳўнг-ҳўнг йиғлармиш шотланд аёли.

### КАМПИРНИНГ ДАРДИ ҒЎЗАДА

Бир шотландиялик тасодифан теннис коптогини ютиб юборибди. Уни касалхонага олиб келишибди. Жарроҳлар қорнини ёриб коптокни олишга қарор қилишибди. Иккинчи шотландиялик жарроҳлик хонасидан чиқмасдан индамасдан кутиб турганмиш.

— Сиз беморнинг қариндошимисиз? — деб сўрашибди ундан.

— Йўқ, теннис ўйинидаги ҳарифи, — деб жавоб берибди ҳалиги шотландиялик. — Теннис коптоги меники эди, шуни кутиб турибман...

### МАШИНА ҚАНДАЙ БОҚИЛАДИ?

Шотландиялик эру хотин машина сотиб олишмоқчи бўлишибдию, битта машинага харидор бўлишибди.

— Қанча бензин ейди? — деб сўрабди эри машина сотувчидан.

— Жуда оз, бир қошиққина бензин ейди холос, — дебди машина эгаси бироз лоф қилиб.

— Ош қошиқдами ё чой қошиқдами? — деб сўрабди харидорнинг хотини.

## ҲИММАТИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ

— Менга бугун эртароқ жавоб берсангиз, хотиним билан бозорга чиқиб у-бу харид қилмоқчи эдик, — деди габроволик ўз бошлиғига.

— Бунинг сира иложи йўқ, — деб рухсат бермади бошлиқ.

— Миннатдорман, — деди габроволик. — Пул ёнга қоладиган бўлди.

## ГАБРОВОЛИК МЕҲМОНДА

Бир габроволик бошқа шаҳарга меҳмон бўлиб борибдию анчагина туриб қолибди. Уй эгаси уни кетармикин деган маънода:

— Бола-чақаларингизни ҳам соғингандирсиз, — деб шаъма қилибди.

— Жуда соғиндим-да, бугун телеграмма бердим, эртагаёқ етиб келишади, — дебди габроволик.

## ПУЛ ШИРИНМИ, ЖОН?

Бир габроволик Америкага борган экан, тунда келаётса бир йўлтўсар унинг пешонасига тўппонча тираб:

— Жонми, пулми? — деб дағдаға қилибди.

— Пулдан оғиз очманг. Яхшиси жонимни олақолинг, — деб ёлборибди габроволик.

## ЧИҚИМИДАН ГАПИР, ЧИҚИМИДАН

— Бир кун келиб вафот этсангиз жаннатга борасизми ё дўзахгами? — деб сўрашибди бир габроволикдан.

— Қайси бирида чиқим камроқ бўлса ўшанисига бораман, — деб жавоб қилибди ҳалиги габроволик.

## ҲИСОБ-КИТОБ

Габроволик кўчада машинасида кетаётиб қизил чирокқа ўтиб кетди. Назоратчи уни тўхтатиб жарима солди.

— Шунга шунчами? — деди габроволик. — Ке, яхшиси мен ҳу анув кўк чирокқа етганда ўтмай тўхтаб тураман, ҳисоб тўғри бўлади-қўяди...

## ХОТИМА

Тор шим ва калта кўйлақларни,  
ёқилғисиз учадиган самолёт — планерни,  
фақат бир томонига олтингутурт суртилган гугурт  
қутиларини,  
энг майда тангаларни  
ва . . . . . ни  
габроволиклар ўйлаб топишган.

**ГАБРОВОНИНГ ЎЗИДА ВА УНГА  
БОРИШ-КЕЛИЩДА ЮЗ БЕРГАН  
АЖАБТОВУР ҲАНГОМАЛАР**

## ҲАНГОМАЛАРГА МУҚАДДИМА

Ушбу китобни шу еригача ўқиб келган азиз китобхон, Сиз бу латифалардан кула-кула чакагингиз толиб кетмадими? Габровонинг қандай антиқа шаҳар эканлигини-ю, габроволикларнинг оламда йўқ қувликларини обдан билиб олгандирсиз? Энди эса ана шу қувноқ латифаларнамо кулгили, ажабтовур ҳангомалар билан танишасиз. Йўқ, бу ҳангомаларни габроволиклар эмас, камина тўқиган. Аслида бу ҳангомалар тўқилмаган, балки булғор халқ юморларини таржима қилиш ва нашр этиш жараёнида ва айниқса менинг Булғористонга қилган икки бор сафарим ҳамда Габровода ўтказилган Халқаро кулги анжуманида иштирок этишим пайтида фақат ўз қулоғим билан эшитибгина қолмай — ўз кўзим билан кўрган қизиқ воқеалар, учрашувлар асосида дунёга келган. Ахир, минг марта эшитгандан бир бора кўрган аъло, деган гап бор-ку? Шундай экан, азиз китобхон, келинг энди мен билан (хаёлан бўлса-да) узоқ Габрово шаҳрига сафар қилинг, у ердаги ажойиб воқеаларнинг, суҳбатларнинг гувоҳи бўлинг ва яна мириқиб кулинг.

Шундай қилиб, энди навбат Габровонинг ўзида ва унга бориш-келишда юз берган ажабтовур ҳангомаларга!



## БУ ШАҲАРГА ҒОЙИБОНА ИШҚИМ ТУШГАНИ

Жаҳон кулги марказларидан бири бўлмиш Габровонинг доврўғи бутун Ер куррасини босгани аниқ. Кўшлар қатори мен ҳам Габрово латифаларини у ер-бу ерда ўқиб, ажойиб кулгисидан унча-мунча баҳраманд бўлиб юрдим. Иттифоқо кўлимга Габрово латифаларининг мажмуаси тушиб қолди. (Бир қўшним Булгориядан олиб келган экан, икки кунга сўраб олиб, бир ўтиришдаёқ ўқиб тушурдим). Шу-шу бу ажойиб шаҳарга, унинг шўх ва қув одамларига ғойибона ишқим тушди, юрганимда ҳам, турганимда ҳам уларнинг галати ҳангомаларини эслаб, ўз-ўзимча кулиб қўядиган одат чиқардим. (Бундан оила аъзоларим бироз ташвишга тушишди ҳам). Қарасам — бўлмайдиган, китобни шартга таржима қилдим, Фафур Фулом номидаги нашриётга олиб бордим. У ердагиларга ялиниб-ёлвориб, охири нашр эттирдим. (Ўша пайтда нашриётнинг бўлим мудири бўлиб ишлаган юмшоқ кўнгили, мулойим инсон, яхши ёзувчи Суннатилло Анорбоев бу борада мен билан ҳамфикр бўлиб, бу китобнинг чиқишида кўмак берганлари ҳамон ёдимда).

Ниҳоят «Габрово латифалари» китоби босилиб чиқди, китобхонларга тез тарқалиб, ҳаммага манзур бўлди. Энди мен Габровонинг ўзини кўриш, ўша ерда — кулги қозони устида габроволиклар билан гурунглашиб, биргалиқда кулишишни орзу қила бошладим. Аммо бу орзум амалга ошгунча ўн икки қовун пишиғи ўтиб кетди-ки, бунинг нима билан тутаганлигини кейинроқ билиб оласиз...

## 207-ЛАТИФА ЁКИ МЕНИНГ ҒИРТ ГАБРОВОЛИККА АЙЛАНАЙ ДЕГАНИМ

Кулги ишқибозлари мабодо эътибор беришган бўлса, 206 та латифадан иборат «Габрово латифалари» китоби чиқиб, магазинларга тарқатилди-ю, бу латифаларга яна битта — 207-латифа қўшилди. Бунинг тўқиган одам беғидир матбуотчи, болалар учун чиқариладиган

газетанинг ўша пайтдаги муҳаррири Суроб Йўлдошев бўлди. Энди ўша латифани эшитинг:

«Эмиш-ки, «Габрово латифалари» китоби ўзбек тилида босилиб чиққандан кейин унинг таржимони Мухтор Худойкулов (яъни, камина) китоб магазинининг эшиги олдида турволиб, ўша китобни магазиндан харид қилиб чиқаётган ҳар бир одамни тўхтатиб: «И-е, шу китоб чиқибдими, а? Қани, қанақа латифалар босилибди?» — деб қўлидан китобини олиб, биттадан латифани ўқиб чиқа бошлабди. 206 одамдан 206 та латифани ўқиб бўлгач, «Хайрият, тузук чиқибди», деб енгил нафас олиб уйига жўнабди. Ўзи бўлса магазиндан бу китобдан биттаям сотиб олмабди... Қаранг, таржимоннинг габроволиклардан ҳам ўтиб тушганини!..»

Ҳа, воқеа тахминан шундай бўлган эди. Китоб чиққандан кейин «қани, қандай сотиляпти экан», деб Чорсудаги Китоблар растасига кирсам, пештахта олдида Суроб акам турган эканлар, қўлларида янги чиққан «Габрово латифалари». Мен ҳам кела солиб: «И-е, чиқибди-да, а, қани, қандай чиққан экан?» — деб унинг қўлидан олиб кўрибман. Аслида газета идораларида илк ишлаган давримда менга устозлик қилган бу кишига китобдан биттасини олиб шартта совға қилишим жоиз эди-ю, лекин габроволикларнинг иш тутумлари менга юққанлигиданми, ишқилиб, бу нарса хаёлимга келмабди. Суроб акам бу ҳолдан кула-кула юқоридаги латифани тўқиб, айтиб юрдилар. Менинг магазиндан бу китобдан сотиб олмаганим ҳам рост, чунки нашриётга маълум миқдордаги китобни буюртма қилган эдим, шундан кўнглим тўқ эди. Афсуски, китоб жуда қизиқлигидан ҳалиги буюртмага ажратилган китобларни нашриёт ходимлари биттадан «талаб» кетишибди-ю, менга ҳеч нарса қолмабди. Буни эшитиб, эртаси куниёқ югуриб китоб магазинига борсам, бу ерда ҳам «тугади», дейишди: сотувчига ялиниб-ёлбориб, аранг икки дона «тоштириб» олдим. Ана шунақа, ҳар ким ҳам габроволик бўлишни эплайвермас экан, фойда қиламан, деб зарар қилиб қолиши ҳам мумкин экан.

Лекин габроволикларга ихлос қўйиб, уларнинг латифаларини ўзбекчалаштириб зарар кўрганим йўқ: унча-мунча қалам ҳақи ишладим, энг муҳими — уларнинг кўпгина иш тутумларини ўргандим. Мен ҳам габроволикларга ўхшаб темири бекорга ейилмасин деб

кечаси соатни тўхтатиб қўядиган бўлдим, ярим кечаси вақтнинг қанчалигини билиш зарур бўлиб қолса деразадан бошимни чиқариб баланд овоз билан ашула айтаман: кўчадан ўтиб бораётган бирорта одам «Эй, ким у, кечаси соат иккида ашула айтаётган?» — деб койиб берса вақтни билиб оламан. Габроволикларнинг тежамкорликлари рўзгор тебратишда жуда қўл келиб қолди: тухум олгани бораман-да, «Сизда қора товуқнинг тухумидан топиладими?» — деб сўрайман. Сотувчи саволимдан ҳайрон бўлади-ю, «Мен қаердан билай, ўзингиз билсангиз танлаб олаверинг», — дейди. Мен «Хўп», дейману, тухумларнинг йирик-йиригидан танлаб оламан. Бундан хотиним хурсанд. У ҳам габроволикларнинг ҳийласини ўрганиб олди: товуғимиз туғадиган жойнинг остини билдирмай тешиб, эски пайпоғини илиб қўйган, товуқ туғади-ю, «қақағ»лайман, деб қараса — тухум йўқ, «туғдимми, йўқми», деб ҳайрон бўлиб, яна тухумлайди, қарабсизки, кунига битта ўрнига иккита-учта тухум оламиз, маза... Айниқса, меҳмон келганда ҳам габровоча усул қўл келадиган бўлди. Эсингизда борми, бир габроволикни кига меҳмон келган экан, уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришибди, шунда габроволикнинг хотини хижолат тортиб, эрига: «Меҳмонларга бирор салқинлатадиган нарса таклиф қилсанг-чи», деган экан, эри: «Ҳа, дарвоқе, эсдан чиқибди-я, марҳамат», деб салқин ҳаво кирсин учун деразини ланг очиб юборган экан. Бизда-ку, бунчаликка ҳали узоғ-а, лекин уйимизга меҳмон келса, ҳалигидақа — «оби замзам»ни «сўраб бергунча уриб бер», деган одат бўларди, мен бунинг тескарисини қиладиган бўлдим, яъни келган меҳмоннинг кўзига тикилиб туриб: «Ичасизми-йўқми?» — деб сўрайман, турган гапки, меҳмон истиҳола қилиб «йўқ» дейди, мен шунда «майли бўлмасам», деб қўяқоламан. Унчамунча меҳмонни эса гапу латифа билан кузатвораман, денг. Бундан ўртоқларимдан «қурумсоқ», «габроволик» деган лақаб ортгирсам ҳам хафа бўлмайман. Ахир, габроволик бўлиш осонми?

### **ГАБРОВОЧА ЛАТИФА ТУФАЙЛИ ЎЛМАЙ ҚОЛГАНИМ**

Габрово латифалари мени... ўлимдан сақлаб қолди. Ҳа, худди шундай: бу — латифа эмас, фирт бўлган гап. Келинг, яхшиси бир бошдан ҳикоя қилиб бера қолай:

Иссиқ жон экан, касал бўлиб қолдим. Гўёки иккита

қора мушук ичимга кириб олиб, бир-бири билан юм-далашаётгандай, ички аъзоларим таталаниб оғрийди. «Текшир-текшир»лар билан ўт пуфагимда тош борлигини аниқлашди, уни операция йўли билан олиб ташлаш кераклигини айтишди. Бошқа илож йўқ экаң. Чекингга тушса — чекчайма, деганларидек, начора — Тошкентдаги Кўкрак жарроҳлиги касалхонасида «қачон мени ёрарканлар», деб кутиб ётибман. Мана, ниҳоят менга ҳам навбат келди. Ҳамшира қиз мени жарроҳлик хонасига олиб кетиш учун аравачасини ғириллатиб келиб, «чикинг» дейди. Гўё ёш боламану, мени кўчада айлантириб келадигандай. Аравачада ёнбошлаб кетиб бораяпману, юрагим така-пука, хаёлимга: «Дори ҳидлатишгандан кейин уйғонмай қўя қолсам-а... Фалон нашриётдан оладиган қалам ҳақим нима бўлади?» — деган гаплар келади денг. «Ё аравадан шартта тушиб қочворсаммикин?» Шу хаёллар билан ёриш хонасига етиб келиб қолибмиз. Қочишга энди кеч, фақат олға! Ўзимни дадил тутдиму, жарроҳлик столига ётдим. Менга ухлатадиган дори ҳидлатишмоқчи бўлишган эди: «Шошманглар, сизларга битта латифа айтиб берайми?» — деб юборибман. Жарроҳлар ҳайрон бўлиб кулишди ва: «Майли, айтақолинг, одам ёриш пайтида беморлардан сира латифа эшитмовдик, қани, кўрайликчи», — дейишди. Мен шоша-пиша уларга қорнини ёрдирган габроволик ҳақидаги латифани айтиб бердим: «Бир габроволикни жарроҳлар қорнини ёришмоқчи бўлишибди. Унга эндигина ухлатадиган дори ҳидлатишмоқчи бўлишганда у бирдан: «Шошманглар, бир оз тўхтаб туринглар», дебди-ю, киссасидан пул олиб санай бошлабди. Жарроҳ хижолат бўлиб: «Нима қилаяпсиз, керак эмас... Ҳозир керак эмас...» — депти. Шунда ҳалиги габроволик бамайлихотирлик билан: «Йўқ, сизга эмас, ухлаб қолсам камайиб-нетиб қолмасин, деб санаб қўяяпман-да», — депти.

Жарроҳлару ҳамширалар латифамни эшитиб «пиқ-пиқ» кулишди. Кейин мени ёришга тараддуу кўра бошлашди. Мен билагимдаги соатимни ечмаган эканман, ҳамширалардан бири «Соатингизни нега ечмадингиз?» — деб қолди. Мен: «Қанча ухлаганимни билмоқчи эдим», — дедим. У бўлса: «Мумкин эмас», — деди-ю, соатимни ечиб олиб қўйди. Кейин менга аллақандай аччиқ дори ҳидлатишди ва кўп ўтмай мен ухлаб кетдим... Қанча вақт ўтганини билмайман, ғираширадан ўзимга келдим, қарасам — бошқа жойда —

қайта жонлантириш хонасида ётибман, махсус ҳаво пуркайдиган симчалар бурнимга тикилган, ўзим бир аҳволдаман. Жоним кўзимга кўриниб турган шундай бир пайтда бирдан соатим эсимга тушиб кетса бўлади-ми? «Ҳамшира, менинг соатим қани?» — деб сўрабман овозим зўрға чиқиб. «Бемор, хавотир олманг, соатингиз турибди», деб ўзи кўринмасдан алақабдан жавоб қилди ҳамшира. Аммо мен: «Ёриш хонаси бошқа қаватда эди, бу ер эса бошқа жой, соатим ўша ерда қолиб йўқолган бўлса-я», деган хаёлда «Йўқ, ҳамшира, айтинг, менинг соатим қани?» — дебман. Шунда иккинчи ҳамшира: «Валя, бу беморга соатини бер, бўлмаса тинчимайди шекилли», — деди. Валя деган ҳамшира эса: «Ҳамма беморларнинг ҳам бирон нимасини олиб қўйишимиз керак экан, тезроқ ўзларига келишаркан», деб кулганича соатимни олиб келиб қўлимга тақиб қўйди. Мен энди бемалолроқ нафас ола бошладим шекилли, ҳамшираларнинг мендан кўнгиллари тўқ бўлиб, ёнимда — жарроҳларнинг қўлидан янги чиққан бошқа бемор билан овора бўлиб кетишди. Аммо бу бемор афтидан ҳеч нарсанинг илинжида эмасди шекилли, ўзига келишни истамасди ва келмаёқ қўя қолди... Билмадим, габрово латифасининг кучиданми, ё қувноқлик мадад бердимми — мен тезда соғайиб кетдим. Шу-шу габроволикларга бўлган ихлосим янада ортди.

### НИҲОЯТ, ГАБРОВОГА БОРАР БЎЛГАНИМ

Ўзбек тилида босилиб чиққан «Габрово латифалари»нинг бир нусхасини Булғористонга, Габрово шаҳридаги Ҳажв ва кулги уйига юбордим. Кўп ўтмасдан Ҳажф ва кулги уйининг мудирини, тўшамдаги латифаларни тайёрлаган Стефан Фортуновдан мактуб олдим. У Габрово латифаларининг ўзбек тилида босилиб чиққанидан мамнулигини билдирган эди. Кейинроқ, булғористонлик ҳажвчи ёзувчи, «Стршгъл» ҳажвий журналининг муҳаррир ўринбосари Йордан Попов ҳам менга мактуб юбориб, булғор латифаларининг ўзбек тилида босилиб чиққанлигидан ниҳоятда хурсанд бўлганлигини айтибди ва икки халқ — булғор ва ўзбек ҳажви, кулгиси ўртасидаги, ижодкорлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлабди. Шу-шу булғор ҳамкасбларимиз билан ёзишмаларимиз давом этди. Булғористонда чиқадиган «Днес и утро»

(«Кун ва тонг») журнали «Габрово ҳазиллари Фарғонада» деган икки саҳифали мақола, фотосуратлар берди. Мен бундан илҳомланиб, Габрово латифаларини ижодий учрашувларда ўқиб, халқ орасида кенг ёвердим. Тошкент телевидениесида кўрсатилган «Габрово ҳангомалари» томошаси ҳам кўпчиликка маъқул бўлди. Хуллас, мен Габровонинг Ўзбекистондаги мухтор вакили бўлиб қолдим, десам лоф қилмаган бўламан. Шунини айтиш керакки, Габровога ҳар икки йилда бир марта халқаро кулги анжуманлари ўтказилади. Булғористонлик дўстлар мени неча марта лаб бу йиғинларга таклиф этишиб, хатлар йўллашган. Аммо бу мактублар габровоча бўлиб, «Сизни ўз шаҳримизда кўришдан хурсанд бўлардик», деб ёзиларди. Бу таклифномани Ёзувчилар уюшмасига кўрсатсам, у ерда: «Таклиф қилишса — бораверинг-да», — дейишарди. Лекин Булғористон Асакамидики, ўзим бораверсам... Мулзам бўлиб қолаверардим. Яна таклифнома олардим, яна шу аҳвол... Шундай қилиб унча кўп эмас — бор-йўғи... ўн икки йил ўтибди. Ниҳоят, бир йил яна Габроводан таклифнома келди-ю, уюшмамиз раҳбари Одил Ёқубовнинг олдига кирдим. У киши: «И-е, шунчалик таклиф қилишади-ку, бормаيسانми?» — деб дарров ҳал қилиб бердилар. Габровогаги халқаро кулги анжуманига борадиган Иттифоқ ёзувчилар уюшмаси вакиллари қаторига қўшилдим. Доғистон халқ шоираси Фазу Алиева бошчилигида москвалик кулгибоз ёзувчи Лион Измайлов ва камина «Қайдасан, Булғористон, қайдасан Габрово», деб йўлга тушдик. Қувонганимдан оғзим қулоғимда эди — ниҳоят неча йиллик орзум рўёбга чиқди — Мен Габровога, Халқаро ҳажв ва кулги анжуманига борадиган бўлдим!

## **СОФИЯДА БИРИНЧИ БОР ЮКЧИЛИК ҚИЛГАНИМ**

Булғористоннинг пойтахти — Софиядаги биринчи қадамимиз мен учун жуда кулгили бошланди. Гап шунда эдики, менинг қўлимда кичкина жомадонча, москвалик ёзувчи Лион Измайловнинг юки ҳам борми-йўқдай эди, аммо чет элларга сафар қилавериб роса машқини олган Фазу Алиевада эса юк поездларида бўладиган катта ёғоч қутидек келадиган катта жомадон, яна алақанча қўл юклари бор эди. Софияда самолётдан тушдик, аммо бизни кутиб олувчилар кўри-наверишмади. Ўз юкларимизни ўзимиз кўтариб олға

босдик. Албаттаки, Фазу хонимнинг баҳайбат жомадонини кўтаришга ёрдам бериш лозим, лекин уни қўлда кўтариш амру маҳол эди, шу боисдан аэробекатдаги қўл аравачалардан бирини олиб унга хонимнинг капкатта одамни солса бемалол сиғадиган жомадонини-ю, бошқа лаш-лушларини ортиб эшик томонга қараб юрдим. Ёнимда виқор билан Фазу хоним келар, мен эса терлаб-пишиб юк тўла аравани итариб борардим. Мен келиб-келиб ўзга юртга меҳмонликка борганимда бунақа юкчи бўламан, деб сира ўйламаган эдим. Шу алфозда бизни булғор дўстларимиз кутиб олишди. Аксига олиб кутиб олувчилар ҳам аёллар экан, мен юкнинг оғирлигидан гилдираги зўрға айланаётган аравани то такси бекатигача судраб, итариб боришимга тўғри келди. Ўша куни София аэробекатидегилар бошида кетворган қалпоғу, бўйнида галстуги билан зўр бериб аравачани итариб бораётган антиқа юкчини кўриб роса кулишган бўлишса керак. Майли-да, кулгига нима етсин, ахир биз кулги шаҳрига, кулги анжуманига, кулиш учун кетяпмиз-да. Лекин Фазу хонимнинг жомадони ҳақиқий жомадон экан, эгаси Габроводаги ҳар бир учрашуву ҳар бир зиёфатта турли хил кийиниб, бир-биридан ажойиб темир камарларни боғлаб, тақинчоқлар тақиб чиқдилар. Лекин бундан вакиллимизнинг обрўи қанчалик ошди — бунисига бир нарса дейишим қийин, негаки, габроволикларни унчамунча ҳашамдорлик билан ҳайрон қолдираман, деган адашади. (Бир сафар бошлиқ хонимимиз кўчада шанг кийиниб бораётганда иккита габроволик аёлнинг унга бошдан-оёқ разм солиб, бир-бирига қараб лаб буриб: «Анувни қара, лўли бўлса керак, а?» — деганларини ўз қулоғим билан эшитдим...)

### **«МАЙМУН»НИНГ «МАЙМУНА» ЭКАНЛИГИНИ БИЛИБ ОЛГАНИМ**

София жуда батартиб шаҳар экан. Келган кунимок менга бу шаҳар, унинг ўзимизга ўхшаб кетадиган, қорачадан келган қирғийбурун одамлари жуда-жуда ёқиб қолди. Лекин булғорларнинг битта одатлари ғалати экан: улар «ҳа», деб тасдиқ ишораси қилишмоқчи бўлишса биздаги «йўқ»қа ўхшаб бошларини чайқатишар, «йўқ» дейиш учун эса биздаги «ҳа» дегандек тасдиқ ишорасини қилишар экан. Илгари буни китобларда ўқиган эдим, лекин биринчи бор кўриб жуда ҳай-

рон қолдим, кўп марта адашдим ҳам. Дўконлардан бирон нарсани борми, деб сўрасангиз «да» («ҳа», «бор») дейишади-ю, бош чайқашади, йўқ бўлса «не» деб бошларини пастга қимирлатишади. Хайриятки, уларнинг дўконлари бизларникига ўхшаб қуп-қуруқ эмас экан, ҳар қалай бир амаллаб унча-мунча нарса харид ҳам қилдик.

Софияга борган куним бошқача, жуда қизиқ воқеа юз берди. Мен айланиб юриб овқатланиб олиш учун бир емакхонага кирдим. Шаҳарда емакхона, салқин ичимликлар ичиладиган жойлар кўп экан, одамлар шундайгина кўча юзида қаҳвахўрлик қилишиб, бемалол суҳбатлашиб ўтиришаркан. Шундай жойлардан бирида, ўриндиқлар орасида бир лўлининг маймун ўйнатаётганини кўрдим. Лўли қўлбола гижжагини чалар, маймун эса аллама бало ўйинга тушарди. Мен ҳам бир косачада муздай мева шарбати олиб ўтириб маймун ўйинини томошо қилмоқчи, иложи бўлса бу манзарани суратга туширмоқчи бўлдим. Лекин оладиган нарсаларимни олиб бўлгунимча емакхона хизматчиси келиб ҳалиги лўлини кўчага ҳайдаб юборди. Мен уни суратга ололмай қолганимдан афсусланиб, ҳалиги хизматчига: «Э, бекор ҳайдаб юбордингиз, мен маймун ўйнатганини суратга олмоқчи эдим», дедим. Табиийки, мен бу гапни русча айтдим, аммо ҳалиги хизматчи русча «обезьяна» сўзини тушунмай қайта-қайта сўради. Мен имо-ишора билан аранг тушунтирдим. Шунда ҳалиги одам: «Э, маймунами?» — деб қолди. Шундагина мен маймун булғор тилида «маймуна» эканлигини билиб олдим. Хизматчига «маймуна»нинг ўзбек тилида «маймун» эканлигини айтдим, иккаламиз қотиб-қотиб қулишдик. Тилларимиздаги бир хил сўз бизни янаям яқинлаштириб, ошно қилиб қўйди. Ҳалиги хизматчи мени ажойиб булғор бўзаси билан меҳмон қилди.

Мен кейинроқ маймун ўйнатиб юрган ўша лўлини кўрдим ва суратини олдим ҳам. Лекин бир сўзнинг икки халқ тилида бир маъно бериши ёдимда ўрнашди-қолди.

## **ТУРК ҲАММОМИ ОЛДИДАГИ МУНОЗАРАГА ҚЎШИЛГАН НИМ ВА ИССИҚ БУЛОҚ СУВИДАН ТЎЙИБ ИЧГАНИМ**

Софияда бўлганимизда бир вақт шаҳар марказидаги хиёбон олдидан чиқиб қолибман. Қарасам, бир тўп



одамлар ниманидир мунозара қилишяпти: ким қўлини силкиб у деяпти, буниси — бу. Ёзувчи-матбуотчи халқи ҳангомага ўч бўлади, мен ҳам бирор муҳим йиғиннинг устидан чиқиб қолдим-ов, деб ўйладиму аста қулоқ тутдим. Лекин дабдурустдан тушунавермагач, чеккароқда турган битта одамдан секин: «Нимани гаплашаяпсизлар?» — деб сўрадим. У одам кулди-ю: «Нимани бўларди — оёқ ўйинини-да», — деди. Шундагина мен оёқ ўйини ишқибозлари орасига тушиб қолганимни билдим. Бир зум қулоқ тутиб турдим, мен ҳам мунозарага қўшилиб кетдим, жаҳон оёқ ўйинининг не-не муаммолари (гўёки) шу ерда «ҳал» этилди-қўйилди. (Аммо-лекин Булғористон оёқ ўйинчилари ана шу мунозараларга арзигулик ўйин кўрсатишадими-да, ўзиям...)

Оёқ ўйин мухлислари билан баҳслаша-баҳслаша меҳмонхонамиз томонга йўл олсам антиқа бир бинони кўрдим. «Нима бу?» — деб сўрасам: «Туркча қурилган қадимий ҳаммом», дейишди. Айтишларича, бу ҳаммом шу ердан чиққан иссиқ булоқ сувига ишларкан, не-не дардларга даво экан. «Ана, ўша булоқ қайнаб турибди, ичиб боқинг», дейишди. Қарасам — одамлар фаввора бўлиб отилиб турган сувдан маза қилиб ичишяпти. Ҳалиги баҳсда томоқ хийла қуриб қолган экан, сув менга ҳам жуда ёқди. Кейин эсимга тушиб кетди: габроволиклар Софияга келишса бир тўғрам нону пишлоқ олиб, ана шу иссиқ булоқ сувидан тановул қилиб кетаверишар экан. Шунга биноан биз ҳам ўтган-кетганда бу булоқ сувидан яхшигина тановул қилиб турдик...

### **«ЙЎҚ, МЕН ГАБРОВОЛИК ЭМАСМАН, ҲИСОБДА АДАШИБМАН, ХОЛОС...»**

Софияга келган кунларимиздан бирида мен бир дўкончадан икки дона болалар кўйлаги харид қилдим. Кексароқ дўкончи менга баҳосини айтди. Чамамда «йигирма леви-ю, эллик стотинка» (йигирма сўму эллик тийин), дегандек бўлди. Мен унга йигирма беш леви пул бердим. Сотувчи мендан эллик стотинка (тийин) майда пул сўради. Мен майдам йўқлигини, бу мамлакатда биринчи бор савдо қилаётганлигимни айтдим. Қария бироз ўйлаб турди-да, менга беш леви қайтариб бериб, «боравер, майдасига розиман», дегандай ишора қилди. Чамамда дўкон ҳам шахсий бўлса

керакда. Мен хижолат бўлдим, лекин қария: «Майли, ҳисоб-китобимиз битди», дегандай ишора қилди. Раҳмат айтиб, икки қадам ҳам юрмаган эдим-ки, ҳалиги чол мени чақириб қолди. Шунда менинг эсимга бир саёҳатчининг габроволик дўкончидан бир совға сотиб олгани, аммо дўкон эгаси ўзининг ҳалиги молига юқорироқ баҳо айтмаганидан афсусланиб, харидорни чақириб, ундан ўз молини қайтариб олганлиги ҳақидаги латифа эсимга тушди-ю: «Ҳа, отахон, габроволикка ўхшаб айниб қолдингизми?» — деб унинг олдига келдим. «Йўқ, мен габроволик эмасман, мен ҳисобдан адашибман», — деди ҳалиги қария ва кўйлақларнинг баҳоси ўн бир левидан — жаъми йигирма икки леви бўлишини айтди. Биз кула-кула қайта ҳисоб-китоб қилишдик.

### **ГАБРОВОГА ҲАЛИ КИРМАСДАН ТУРИБ УНИ ТАНИБ ОЛГАНИМ**

Биз Софияда бир кун бўлдик, ажойиб шаҳарни томоша қилдик, унинг салобатли бинолари-ю, гавжум кўчаларини, айниқса бир-бирига уланиб, туташиб кетган дўкону расталарини томоша қилдик, айландик. Аммо хаёлимиз Габровога эди, бу гаройиб шаҳарга, жаҳон кўлгибозларининг Маккасига қачон борарканмиз — бутун фикру зикримиз шунда эди. Софияга Габровога ўтказиладиган IX халқаро Ҳажв ва кулги анжуманида қатнашиш учун Польша, Руминия, Венгрия, Чехословакиядан меҳмонлар келишди. Энди узоқ Кубадан меҳмон келишини кутмоқда эдик. Мана, кубалик меҳмон ҳам етиб келиб бизнинг тўпимизга қўшилди ва ўша даврдаги халқ демократияси мамлакатларидан келган барча вакиллар бир автобустга ўтирдигу, «Қаердасан, Габрово», деб йўлга тушдик.

Ёзувчи халқи жуда бир-бирига киришимли бўлади, ҳажвчиларни эса кўяверинг. Мен тез орада ўз ҳамроҳларим — Польшанинг Краков шаҳридан келган мулоийимгина киши — ҳажвчи Лешек Марута, бир гапириб ўн куладиган румин ёзувчиси Василий Баран, салобатли, аммо одамохун венгер адиби Гюла Чак, братиславалик ёш шоир Павел Янек, кубалик журналист Хуан Родригеслар билан танишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетдим. Бизни бир-биримизга яқинлаштирган нарса — яна Габрово латифалари бўлди. Мен уларни таржима қилишим асносида кўплари ёд бўлиб кетма-

ганми — меҳмонларга айтиб, йўлма-йўл кулдириб бордим. Автобусимиз тоғлар оралаб Габровога яқинлашиб борар экан, бу жойлар менга жуда танишдек туюлар, биринчи бор кўраётган бўлсам-да, аслида латифалар орқали мен бу ерларда аллақачон бўлгандек, кўргандек эдим. Мана, автобусимиз бир неча марта тоғ остидан тешиб ўтказилган жойлардан ўтди. Хаёлимга дарров габроволикларнинг товукни узоқроқ жойдан сотиб олишлари, чунки мана шу тоғ ости йўлларида ўтганда товук қоронғу тушди-ю, ундан чиққанда тонг отди, деб ўйлаб йўлда бир неча марта тухум қилиб бериши тўғрисидаги латифа келди.

Мана, йўлнинг икки четида ям-яшил ўрмонлар бошланди. Шунда бир габроволикнинг ўрмонга ўтин кесиш учун боргани ва берухсат дарахт кесгани учун уни ўрмон қоровули ушлаб олиб, жарима солмоқчи бўлганда ўтинкесар уни меҳмон қилиб жаримадан қутулмоқчи бўлгани ва ўрмон қоровули бунга мазахўрак бўлиб, уникига ҳадеб меҳмонга келавериб безор қилганда габроволик унга: «Ке, оғайни, яхшиси мендан жарима олиб қўя қол, шуниси арзонроқ тушади шекилли», — дегани эсимга тушди. Ҳа, бу воқеа ана шу ўрмонларда бўлгани ва ўша латифа тўқилгани аниқ.

Йўл четида Габрово жамоаси бошланганини кўрсатувчи белги кўриниши билан яна кўпгина латифалар эса туша бошлади. Бирдан ўрмон ёнбағирлигида эчки боқиб юрган кекса чолга кўзим тушди. Э, бу габроволик ҳам эски танишимиз-ку! Эсингизда борми, эчки боқиб юрган юз ёшли мўйсафиднинг олдига бир мухбир келади-ю, у билан савол-жавоб қилади. «Бува, қандай сут ичасиз, эчки сутими ё қўй сутими?» — деган саволга қария: «Қайсиниси арзонроқ бўлса шунисини-да, болам», — деб жавоб беради. Мен автобусдагиларга чолни кўрсатиб ушбу латифани айтиб бердим, меҳмонлар қарияга ҳурмат билан қараб ўтишди.

Мана, Габрово шаҳрига яқинлашди-у, уйлар, боғроғлар кўзга ташлана бошлади. Ахир, мана бу олмазор боғнинг эгаси бўлган кампир ўткинчи мусофирни шамол тўкиб кетган олмалар билан меҳмон қилар экан: «Ол, еявер, тўкилган мевани еб турадиган бузоғим яқинда ҳаром ўлиб қолди», демаганини, ёки мана бу олчазорнинг эгаси пишган меваларни теришда икки талабани ёллаб, биттасига «сенинг шеригинг олча терганда ҳуштак чалиб турди, сенинг эса товшинг чиқма-

ди», деб ваъда қилинган ҳақнинг ярмини бермаганини ким инкор қила олади? Ахир, бу воқеалар ана шу боғларда юз берган, бинобарин бу тўғридаги латифалар ҳам шу ерларда дунёга келган-да! Мана, том сопол қопламалар билан ёпилган мўъжазгина уйлар бошланди. Дикқат билан қаралса уларнинг ости ингичкароқ (ерни камроқ эгаллайди), тепароғи эса кенгроқ эканлигини пайқаш мумкин. Томини таъмир қиламан деб йиқилиб кетганда ошхона деразаси олдидан тушиб бораётиб: «Хотин, бугун тушликка овқатни бир кишилик камроқ қил!» — деб қичқиришга улгурган одам ҳуванув уйнинг эгаси эмас, деб ким кафилик бера олади? Ёхуд шаҳарнинг энг чеккасига жойлашган мана бу ёлғиз уйнинг соҳиби оғир бетоб бўлиб ётган хотини учун энг сўнгги дақиқада доктор чақириш учун кетаётиб, яна орқасига қайтиб: «Менга қара, Пена, мабодо кунинг битганини сезгудай бўлсанг чироқни пуфлаб ўчириб қўй, керосин бекорга сарф бўлмасин», деб қичқирмаганмикан? Бемалол бўлиши мумкин. Мана бу икки қаватли уйда эса бошқача — хушчақчақроқ воқеа содир бўлган. Шу уйда яшовчи бир қиз ўз жазмани бўлган йигитга ота-оналари уйда йўқ пайтда унинг олдига келишини тайинлайди. Аммо ҳар эҳтимолга қарши қиз уйга олдин кириб, битта танга ташлаб хабар беришини келишиб олишади. Танга ташланади, аммо йигитдан дарак йўқмиш. Қиз пастга тушиб қараса, йигит йўлакни ҳадеб пайпаслаётган эмиш. «Ташлаган танганг қолиб кетмасин дедим-да», — деб ўзини оқлабди йигит. Шунда қиз: «Анойи бўлибман-да, тангани инга боғлаб ташлаганман, аллақачон тортиб олганман», — депти. Габроволикларга хос бу латифа шу ерда, мана шу уйларда тўқилганлиги аниқ. Тош ётқизилган мана бу кўчадан ўз соябонини пастга қилиб судраб кетиб бораётган бир йигитга мана бу дўкондагилар: «Эй, такасалтанг, соябонингни судрама, ахир тош ҳам ейилади-я!» — деб бақириб беришган бўлиши керак. Бу латифа ҳам Габрово латифалари хазинасидан муносиб ўрин олган.

Мана, ниҳоят шаҳар марказига ҳам етиб келдик. Мана, Габровони қоқ иккига бўлиб оқиб ётган Янтра дарёси. Унинг ўртасида эса бу шаҳарга асос солган темирчи Рачонинг ҳайкали. Унинг ҳайкалини дарё ўртасига ўрнатишни таклиф қилишганда, габроволиклар: «Жуда соз бўлади, сувга ўрнатилса — ер ёнга қолади!» — деб хурсанд бўлишган экан. Мана ўша забар-

даст темирчи сув ўртасидаги оролчадан туриб меҳмонларга: «Хуш келибсизлар», дегандай мамнун боқиб турибди.

Қувноқлар ва қувлар шаҳри Габрово, мен сени худди шундай тасаввур қилган эдим.

## **ДУНЁ ҲАЖВЧИЛАРИ АНЖУМАНИДА ҚАТНАШганим ВА ТАВАККАЛ ДЕБ НУТҚ ИРОД ҚИЛганим**

Қадим машойихлар дебдиларки, жаҳон кула олгани учунгина сақланиб қолгандур. Буни қайси авлиё-ю анбиё айтганини билмадиму, лекин рост гапни айтган экан, хувари. Одам боласи пайдо бўлибдики, кулги унга йўлдош, ҳамдам. Ғам-кулфат, қайғу-алам, меҳнат-машаққат деган ғиди-биди нарсалар ҳиқилдорига етганида кулги-ю қаҳқаҳа жонига аро кирганиданми одам зоти уни қадрлайди, азиз, муборак нарса деб эъзоз қилади. Афсус, ҳамма замонларда ҳам кулги, хушчақчақлик оламда ҳукмрон бўлиб келганида не-не фожиалар, бемаъни ишлар юз бермаган бўлармиди? Энди, ўтган ишга саловат, шу бутунда яшаб турган инсон, ҳаётимни хуш ўтказаман деса, эртам ёруғ бўлсин деса, кулгидан мадад излайди. Кулги инсоннинг ҳаётдан, яшамоқдан оладиган завқи, унинг фазилати, бебаҳо бойлиги. Шунинг учун ҳам инсон кулиб яшашга интилади, доноларнинг зикрича, ўз ўтмиши билан кулиб хайрлашади, келгусига жилмайиб боққиси келади. Ўзбекларнинг закийси Юсуф қизиқ ҳам: «Кулинглар, дўстлар, кулсангиз умрингиз узоқ бўлади», деб бежиз айтмаган. Беназир адибимиз Абдулла Қодирий-Жулқунбой ҳам одамларни кулдириб йиғлатган-у, йиғлатиб кулдирганлар. Ҳа, азизлар, кулгида хосият кўп. Беғубор кулгига-ю кулганга нима етсин!

Ўз тарихида кўп меҳнат-машаққатлар чеккан, не-не жафоларни кўрган булғор халқи ҳам бемалол кула олиш ҳуқуқига эга бўлгандан бери кулгини севади, уни улуғлаб келади. Шу боисдан ҳам у халқ кулгисини, ғалати, ҳеч ерда учрамайдиган ўзига хос Габрово кулгисини яратиб, оламга таратди. Шунинг учун ҳам Габрово жаҳон кулгисининг марказларидан бирига, таъбир жойиз бўлса кулгисеварларнинг Маккатулло-сига айланган. Бу шаҳарда жаҳондаги биронта мамлакатда йўқ идора — Ҳажв ва кулги уйининг барно этилганлиги ҳам шундан. 1971 йилда ташкил топган бу ажойиб кулги маскани қисқа вақт ичида фақат Булғо-

ристондагина эмас — бутун дунёда танилиб, машҳур бўлиб кетди. Ҳозир бу жойда жаҳоннинг 157 мамлакатидан келтирилган 15 мингдан ортиқ кулгибахш китоблар, суратлар, хайкаллар, кино, театр асарлари сақланади. Кулги уйи махсус журнал ва мажмуалар чоп этади, кўргазмалар ташкил этади. Бу ерда ҳар икки йилда бир марта Халқаро ҳажв ва кулги анжумани ўтказиб турилади. «Габрово-89» деб ном олган IX Халқаро Ҳажв ва кулги йигинига юздан ортиқ мамлакатдан меҳмонлар келишди. Ҳажв ва кулги уйининг олдидаги булғор халқ кулгиси қаҳрамони Айёр Петр, испан ҳажвчиси Сервантес ижод қилган Дон Кихот, Санчо Панса, атоқли кино кулгибози Чарли Чаплинларнинг хайкаллари ўрнатилган майдонда одам тирбанд — улар анжуманнинг очилишини кутишяпти. Дарвоқе, булғор хайкалтароши Георгий Чапкинов Санчо Панса хайкалини шу йилги кулги байрамига совға қилибди. Майдонда Чарли Чаплиннинг тиригини ҳам кўриш мумкин эди — булғор саҳнасининг устаси Дмитро Добрев машҳур кино қизиқчисининг худди ўзи бўлиб, пилдираб, тамошабинларни кулдириб юрибди.

Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар келди. — «Габрово-89» Халқаро кулги анжуманининг байроғи кўтарилди. Габрово жамоасининг раҳбарлари меҳмонларни табриклашди, ўз хўжаси — Дон Кихотнинг ортидан бу ерга муқим туриш учун келган содиқ яловбардори Санчо Пансани шаҳар бошлиғи габроволиклар номидан «Хуш келибсиз!» — деб муборакбод қилди ва меҳмоннавозлик кўрсатиб, унинг эшағи олдига бир тутам пичан солди. Шу тариқа ҳазил-мутойиба билан Габроводаги IX Халқаро кулги анжумани бошланиб кетди. Бир томонда ҳажвчи ёзувчилар, бир томонда кулгили суратлар ижодкорлари, бир томонда кинокомедиячилар баҳслашдилар. Венгер ҳажвчиси Дьорде Молдава ҳажвчи ёзувчилар ўртасида қолиб деб топилади, иккинчи ўрин эса булғор адиби Валерий Петровга берилди. Ҳажвий суратлар, хайкалтарошлик бўйича кубалик Райнеро Томайо, булғор рассомлари Эмил Стойчев ва Захарий Каменев, шунингдек Эдгар Вальтерлар «Олтин Эзоп» деган олий мукофотга сазовор бўлдилар. Кинокомедиялар орасида рус кинорежиссёри Юрий Мамин томонидан яратилган «Фаввора» кино асари энг яхши фильм деб топилади.

Дунё ҳажвчилари анжуманида гарчи бош соврин-

лар олиш насиб этмаса ҳам бу ерда камина булғор халқ кулгисини ўзбек халқига танитувчи сифатида тилга олинганимдан бошим осмонга етди-ю, бу олий йиғинда таваккал, деб мен ҳам нутқ ирод қилиб юбордим. «Мен узоқ Ўзбекистондан, Насриддин афандининг юртидан келганман, у кишининг йигирманчи қават эвара-жияни бўламан. Жаҳон кулгичиларининг бу олий қурултойига Насриддин афанди ўзлари келмоқчи эдилару, лекин у киши бандлар — Бухорода Лабиҳовузни кўриқлаб турибдилар. Илло, баъзибир бепарво ва бефаросат амалдорлар дастидан бизда ҳовузлар тугул, бутун бошли Орол деган денгизимиз ҳам қуриб кетяпти», — дедим. Кейин мен жаҳон кулгисининг маркази бўлмиш Габроводаги Ҳажв ва кулги уйи олдига Насриддин афандининг ҳам ҳайкалини ўрнатишни таклиф қилдим. Бу таклиф кўпчиликка маъқул бўлгандай бўлди, ажаб эмаски, янаги анжуманда шаҳар бошляғи Кулги байрамини энди Насриддин афандининг эшаги олдига пичан солишдан бошласа!

### **ГАБРОВОДАГИ КАТТА ХАЛҚ САЙИЛИДА ОҒЗИМНИ ОЧИБ ҚОЛГАНИМ**

Ҳурматли ўқувчим, ўша кунлари Габровода шунақанги кўп воқеалар бўлиб ўтди-ки, қайси бирини айтиш... Ҳажв ва кулги уйида ташкил этилган жаҳон кулги тасвирий санъати усталарининг асарлари кўргазмасиними? Ё шаҳардаги энг катта кинотеатрда бўлган кинокомедиялар намойишиними? Ёхуд бўлмаса шаҳарнинг шундай биқинидаги Этир деган борда ўтказилган қизиқчилар мусобақасиними? Ёинки биз — анжуман меҳмонлари жойлашган «Болқон» меҳмонхонасида бўлиб ўтган ижодий мулоқотлариними? Русларнинг ажойиб телба-доно қахрамони Козьма Прутков «Қучоғинг етмайдиган нарсани қучоқлаб бўбсан», деган экан. Худди шунга ўхшаб Габрово кулги анжуманини бошдан-оёқ тасвирлаб, ҳикоя қилиб бериш ҳам қўлимдан келмайроқ турибди. Ахир, бутун бир дарёнинг сувини ичиб бўлармиди, бинобарин, мен ҳам ўша кулги дарёсидан бир ҳовучгина обизамзам ичдим-ки, таъми ҳамон оғзимда.

Кулги анжумани кунлари юз берган энг катта воқеалардан бири бу ерда Халқлар кулгиси жамиятининг таъсис этилиши бўлди. Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидан келган ҳажвчи адиблар, рассомлар,

кино ва театр арбоблари ана шунга азму қарор қилишди. Бўлиб ўтган махсус йиғинда Халқаро кулги жамиятининг таъсис ҳужжати қабул қилинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Биз, жаҳондаги турли мамлакатларининг ижодий ва жамоат ташкилотларидан Булгориянинг Габрово шаҳрида бўлиб ўтаётган 9-Халқаро Ҳажв ва кулги анжуманига йиғилган вакиллари ҳажв ва кулгининг инсонларни бир-бирига яқинлаштирувчи, халқларнинг ўзига хослигини яққол кўрсатиб турувчи, ижтимоий адолат ва руҳий юксак олам томонга йўналтирувчи, инсоннинг кулиш ва ҳажв этиш олий ҳуқуқини ифода этувчи буюк инсоний ва маънавий эҳтиёж эканлигини чуқур тушунган ҳолда ўз эрку-ихтиёримиз, ҳамжиҳатлигимиз билан Габрово шаҳрида Халқларнинг кулги жамиятини тузишга азму-қарор қилдик.»

Йиғинда бу жамиятнинг иш юритиш тартибини белгиловчи қонданомаси ҳам қабул қилинди. Унда бу жамиятнинг асосий вазифаси жаҳон ҳажви ва кулгисини тараққий эттириш учун мададкор бўлиш, турли мамлакатлардаги истеъдодли ҳажв ва кулги ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишдан иборат эканлиги таъкидланган. Шу мажлисда жамиятнинг 33 кишидан иборат Бошқарув идораси тузилди, унинг маркази қилиб эса Габрово шаҳри белгиланди. Ана, ҳажвчи дўстлар, бизнинг елкамизга ҳам офтоб теғди, ҳар хил қаланғи-қасанғи амалдорлар бизни кўриб бурунларини жийирганларида, ердан чиққан етимча қилиб хўрлаганларида ҳимоя қиладиган идорамиз бор!

Габрово кулги байрамининг энг чўққиси шаҳарда ўтказилган қувноқ оммавий сайил бўлди. Шаҳар жуда антиқа безатилган, қаёққа қараманг — думи кесилган қора мушукнинг сурати. Габрово шаҳрининг рамзи бўлган бу сурат Халқаро кулги анжуманининг ҳам тимсоли эди-да! Шаҳарнинг бош кўчасида тумонат одам. Улар қувноқ сайилнинг бошланишини сабрсизлик билан кутишяпти. Мана, ниҳоят кулги намоиш-юриши бошланди. Энг олдинда яна... улкан қора мушук келарди, мана у меҳмонлар турган минбарга яқинлашди, шунда катталиги одам бўйидан баландроқ қайчи ишга тушди — мушукнинг думи тантана билан қирқилди — ана эндигина у бинойидек — габровоча росмана мушук бўлди-да! Ундан кейин турли-туман қиёфада «безанган» сайил қатнашчилари бирам ўтиш-



ди денг, бирам ўтишди! Мана, ҳамма жойда ҳозир у нозир Чарли Чаплин ўтаяпти, у томошабинларни қутлар экан олдим-ерда оёғидан эски туфлиси чиқиб отилиб кетадими-ей! Нега десангиз у бобосининг эски чорифини оёғига илиб олган эди-да. Габривода оёқ кийимининг отадан-болага, бободан набирага мерос бўлиб қолиши оддий таомил-ку! Кейин бир эшакни етаклаб ўтишди, унинг бўйнига катта қилиб «Тўрачилик» деган тахтача осиб қўйилган эди. Бир йигит эса курка товукни аравачага солиб ўтди, гердайиб бораётган бу турқи совуқ парранданинг бўйнида эса «такаб-бур амалдор» деган ёзувни ўқиш мумкин эди. Мана, бир тўп одам кўча супириб ўтишяпти, яқинроқдан қаралса уларнинг ҳар бирида олий маълумотли мутахассислар эканлиги ёзиб қўйилган. Бу хилдаги аччиқ, шу билан бирликда антиқа, ҳам кулдирадиган, ҳам ўйлатадиган, ҳам йиғлатадиган кўринишлар жуда кўп ўтди. Габриволиклар шу куннинг энг бош муаммолари — ҳаётни яхшилашда тўсиқ бўлаётган нуқсонлар, табиатга зуғм қилиш ҳоллари ва бошқа иллатларни ҳажв этиш учун нималарни ўйлаб топишмабди дейсиз!

Мен бошқа меҳмонлар қаторида бу ажойиб ва гаройиб намоиш — юришни оғзимни очганимча лол бўлиб кузатиб турардим. Фотоаппаратимнинг сурат тушириладиган тасмаси алақачон тугаган, сайл-юришнинг эса охири кўринмасди. Эсиз, қанчадан-қанча ажойиб кўринишлар суратга олинмай қолди-я! Лекин начора — ҳали ҳаётимизда иллату нуқсонлар шу қадар кўпки, санаб саноғига етаман деган одам номаъқул бузоқнинг гўштини епти! Буни габриволикларнинг салкам ярим кун давом этган қизиқчилик намоиш-юриши яна бир бор исботлади. Шу билан бирликда мен халқ ҳажви, қувноқ тафаккурининг, халқ кулгиси, қаҳқаҳасининг чеки йўқлигига яна бир бор имон келтирдим.

## ЛАТИФАЛАР МУАЛЛИФИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛГАНИМ

Габрово латифалари эшитган одамни кулдирибгина қўяқолса ҳам Насриддин афанди билан Айёр Петрининг эшакларнинг думлари ҳаққи-ҳурмати гапнинг ростини айтишим керак — мен улардан хийлагина фойда кўрдим. Аввало — соф фойда, бир-икки юз қалам ҳаққи олдим, аммо энг муҳими юқорироқда зикр

қилиб ўтилганидек оиламиз билан рўзғорда ҳам габровоча тутум тутишга ўрганиб, анчагина масаллиқни тежашга муваффақ бўлдик. Хотиним мастава қилганда мен унга солинадиган гуручни санаб бераман, яна ўша санаганимдан бир қисмини эрталик овқат учун ҳам олиб қўядиган бўлдик. Хотинимга упу олсам кўпроққа етсин деб қутисига билдирмасдан бир сиқим ун солиб қўяман, яна унинг туғилган кунига фақат совун совға қиламан, нимага деганда бу нарсадан ҳар иккаламиз бараварига фойдаланишимиз мумкин-да! Эшик-дарвозани тузатмоқчи бўлсам ўғлимни теша сўратиб қўшниларимникига чиқараман, хасислик қилиб беришмаса, кейингина ўзимизникини ишлатаман. Ерда бирорта ип-мип ётганини кўрсам олиб бармоғимга ўраб кўраман — бир ўрамга етса бирон нарсага яраб қолар, деб олиб қўяман. Бир куни нимагадир кичкина дори шишаси керак бўлиб қолди. Топдим, лекин қарасам — тагида озгина йоди билан экан. Ўйлаб туриб, йод бекорга исроф бўлмасин; деб пичоқ билан бармоғимни озгина кесдим-да, йодни қуйиб, кейин шишани ишлатдим... Бунақа иш тутуми секин-аста ўғилларимга ҳам ўтди. Анув куни ўртанча ўғлим кела солиб: «Дада, бугун мен беш тийин тежаб қолдим», дейди. «Қандай қилиб?» десам, «ўқишга кетатуриб трамвайга тушмасдан мактабгача орқасидан югуриб бордим», дейди. Шунда мен: «ўғилгинам, энди таксининг орқасидан югуриб боқ, кўпроқ пул тежайсан», деб маслаҳат бердим. Хотиним уйимизни тез-тез оқлаб турарди, бир гал: «Бўлди, ҳадеб деворга оҳак суртаверма, хона тораииб кетди», — деб урушиб бердим. Катта ўғлимга онаси бир жойга совчиликка борган экан, қараса келин бўладиган қиз нозик-ниҳолгина, хотиним дарров шуни танлабди, нега десангиз — нозиккина бўлса уйда кўп жойни эгалламайди, бунинг устига кийимликка ҳам унча газлама кетмайди... Ҳа, тўйимиздаям фалон ашулачини фалон пулга чақириб ётмаймиз, жами меҳмонлар яланг-оёқ бўлиб олиб қўшни маҳаллада тўй-пўй бўлаётган бўлса ўша ердан эшитилаётган «така-тум»га ўйинга тушаверамиз... Хуллас, габроволикларнинг тутумига сиз ҳам астойдил риоя қилиб кўринг-а, тез қуңда бойиб кетмасангиз мен кафил.

Габровода ана шу латифаларнинг муаллифи — халқ орасидан йиғиб-териб, пардоз бериб, китоб қилган адиб, Ҳажв ва кулги ўйининг мудирини Стефан Фортуннов билан учрашдим, менга ва оиламизга шунчалик

фойда келтирган латифалар учун ҳисоб-китоб қилиш-дик. Бу — жуда ажойиб, фирт фойданинг қони бўлган латифалар учун бутун бошли туя етаклаб борсам ҳам озу, лекин узоқчилик қурсин... Аммо мен қарздор бўлиб қоладиганлардан эмасман — Стефан Фортуновга яп-янги, оҳори тўқилмаган ўзбек дўпписини «бор, мендан кетса кетсин», деб қийғазиб юбордим. Бундан ҳамкасабамнинг боши осмонга етди. Лекин мен унга бу дўппининг гули қўлда эмас — босма дастгоҳда босилганини, ўзи эса... бир сўму элик тийин туришини айтганим йўқ, албатта. Ортиқча эзилиб ўтиришнинг нима кераги бор — гап-сўздаям тежамкор бўлган ютади, а, лаббай?..

### ЧАРЛИ ЧАПЛИН БИЛАН ОШНО БЎЛИБ ҚОЛГАНИМ

Шу куни мени деразамдан эшитилган кулги — қаҳқаҳа товуши уйғотиб юборди. Пастга қарасам — бутун шаҳар куларди, габроволиклар, йиғилган неча юзлаб меҳмонлар кулишарди. Габровода кулги байрами бошланиб кетган эди.

Ҳажв ва кулги уйининг олдида тумонат одам. Ҳамма хо-хони балан қўйиб куларди. Қарасам — ўртада Чарли Чаплин юрибди. Ҳа, ҳа, тириги! У оёқларини икки томонга қаратиб босиб, қўлидаги ҳассасини ўйнаб пилдираганича гоҳ у тамошабиннинг олдига борар, ҳазиллашар, болаларнинг олдига келганда аллақадеридан «ғат-ғат!» деган ғалати овоз чиқариб кулдирадди. Унинг кўзлари гоҳ кулгидан порлаб кетса, гоҳ маъюсланар, қисқаси ҳақиқий Чарли Чаплин тирилиб келгандай эди. Меҳмонлар у билан суратга тушишар, қўл олишиб кўришар, унга ҳурматларини изҳор қилишарди. Чарли Чаплин кулги байрамини жонлантириб, яна ҳам хушчақчақлик қўшарди.

Мен ҳам Чарли Чаплинга маҳлиё бўлиб туриб қолдим, у билан ҳазиллашдим, суратларини олдим. Ҳажв ва кулги уйида бўлган йиғилишдан чиқиб келаётсам Чарли бир ўзи дарахт тагида чарчаб-ҳориб турарди. Унинг кўзлари хорғин, маъюс эди. Мен уни шу ҳолатда ҳам суратга олдим. Менинг унга ишқибозлигимдан хурсанд бўлган Чарли «Ҳали яна кўришамиз, лекин сиз мени танимай қоласиз!» — деди. Биз хайрлашдик.

Кечқурун «Болқон» меҳмонхонасининг емакхонасида анжуманга келган меҳмонлар учун зиёфат берилди. Базм-жамшид қизиган бир пайтда бир одам келиб менга

салом берди, қадаҳ уриштирди. Мен бу одамни умримда биринчи кўришим эди, шунинг учун ғалати ҳолга тушиб қолдим. Шунда ҳалиги одам кулиб: «Мени танимадингиз-а, ахир мен Чарлиманку», — деди. «Э, Чарли Чаплин!» Лекин менинг рўпарамда бутунлай бошқа одам турарди. Фақат бу одамнинг кўзлари, одамга гоҳ кулиб, гоҳ маъюс боқувчи кўзлари — ўша, Чарли Чаплинники эди. Мен уни танимай қолганимдан хижолат бўлиб узр сўрадим, у: «Айтувдимку танимай қоласиз, деб, қўяверинг, битта сиз эмас бу ердагиларнинг бирортаси ҳам мени таниб ололмаса керак», деди. Ҳақиқатан ҳам меҳмонлар ҳам унинг кундузги Чарли Чаплин эканлигига ишонишмасди. Софиядан келган сахна устаси Дмитро Добрев (у кишининг исми-шарифи шундай экан), ҳақиқатан ҳам Чарли Чаплин қиёфасига бутунлай кириб кетган эди. У билан суҳбатлашиб қолдик. Дмитро Добрев Софиядаги драматик театрнинг артисти экан, яқинда нафақахўрга айланибди. Ёши олтмишдан ошган бу одам ёшлардек ғайратли, шўх ва улфатижон экан. «Сизлар-ку, мени биринчи марта кўриб турибсизлар, бир гал сахнага чиққанимда туққан онам ҳам танимаган», — деди у. У бир томошага онасини олиб келибди, кейин уйга қайтиб боришгач онаси: «Ўғлим, сен сахнада кўринмадинг-а?» деб сўрабди. «Мен бўлсам ўша томошада бош қаҳрамонлардан бирини ўйнаганим, шундай деб онамга айтсам сира ишонмаса бўладими», — деб ҳикоясини давом эттирди Дмитро Добрев.

Ҳа, булғор артисти Чарли Чаплин — Дмитро Добрев сахнага чиққанда ҳатто туққан онаси ҳам танимай қоладиган ажойиб санъаткор! Соғ бўл, қадрли дўстим Чарли Чаплин!

## **ГАБРОВОЛИК ЧИПТА СОТУВЧИ ЧОЛ БИЛАН МИРИҚИБ СУҲБАТ ҚУРГАНИМ**

Габровода кулги байрами очиладиган кунлар эди. Кўчага чиқсам муйилишда бир қария пул-буюм ютуғи ўйинининг чиптасини сотиб ўтирибди. Шунда бир габроволикнинг ҳар сафар пул-буюм ютуғи ўйинлари ўйналганда ўйин чиптасини олмасдан эллик тийинга бойиётганини айтиб мақтанишию, бунга жавобан шериги: «Ундай бўлса ютуқнинг чўталани чўзиб қўй», — деб юборгани ҳақидаги латифа эсимга тушдию, чолдан:

— Отахон, савдо қалай, габроволиклар чиптангиздан сотиб олишяптими? — деб сўрадим.

— Агар чипта сотиб олмоқчи бўлсанг мана, ол, ма-  
бодо ҳажв ва кулги уйини сўраётган бўлсанг — ҳув  
анув ёқда, — деди чолнинг жаҳли чиқиб.

Мен кулганимча кечирим сўраб ундан узоқлашдим,  
чиптачи чол эса «Ҳажв ва кулги эмиш-а, бекорчилар  
кўп-да ишдан қолдирадиган», деб анчагача ғудиллаб  
турди.

### **ПАН ЛЕШЕК ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ХАЛҚАРО ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИГА АЙЛАНГАНИ**

Кулги анжумани кунлари Польшанинг Краков  
шаҳридан келган ёзувчи, оғир карвон, одамоҳун ки-  
ши — Лешек Марута билан ошно бўлиб қолдик. Бир  
куни у менга: «Пан Мухтор, юринг, булғор пивосидан  
татиб кўрамиз», деб қолди. Биз меҳмонхонамизнинг  
шундай бурчагидаги емакхонага кирдигу иссиққина  
таом еб, хуштаъм пиво хўплаганча ижодий суҳбатга  
тушиб кетдик.

Шу пайт ёнимиздаги жойларга икки киши келиб  
ўтиришди. Улардан бири анчагина маданий, сипогина,  
иккинчиси эса хийла ширакайф, овози хиррилган «ва-  
вакроқ» одам эди. У ўтира солиб бизга ҳар хил бўлар-  
бўлмас саволлар бера бошлади, биздан «Кимсизлар,  
германми (немисми)?» деб суриштиришга тушди. Тур-  
ган гапки, тинч суҳбатимизга путр етди, пан Лешек-  
нинг жаҳли чиқа бошлади. Мен шундай яхшигина ўти-  
ришимизни бузмаслик учун ҳийлага ўтдим, ёнимдаги  
сипороққа кўз қисиб қўйдим-да, ҳалиги бақироққа пан  
Лешекни Халқаро полиция комиссари деб таништир-  
дим ва «у кишини безовта қилма, жим ўтир», дедим.  
Аммо чақирилмаган улфатимиз бу гапларга парво ҳам  
қилмади, кейин билсак унинг ўзи аслида милиция хо-  
дими бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада экан. Бунақани  
халқаро полиция билан қўрқитиб бўлсан. Ноилож, биз  
ўзимизнинг кимлигимизни айтдик, ҳалиги бақироқ эса  
ажабтовур яхши одам экан, тўрталамизнинг улфатчи-  
лигимиз алламаҳалгача давом этди.

### **БРАТИСЛАВАЛИК ПАВЕЛ ЯНЕКНИНГ ТўСАТДАН ГАБРОВОЛИК БўЛИБ ҚОЛГАНИ**

Габровонинг шундай ёнгинасида Этир деган осор-  
ри-атиқахона бор экан. Дам олиш куни бир гуруҳ  
меҳмонлар шу ерни кўргани бордик. Ям-яшил қара-

гайзорлар орасидаги бу боғда эски тегирмон, жувоз-хона, темирчилик, кулолчилик дўконлари жойлашган экан. Бир дўконга кириб мисдан қилинган кичкинагина қўнғироқча сотиб олдим, машина калитига қўшиб, осиб олинса ярашади-да. Братиславалик ёшгина шоир йигит Павел Янек ҳам бизга ҳамроҳ эди. У қўлимдаги қўнғироқчани кўргач:

— Қаердан олдингиз? — деб сўради.

— Ҳув анови дўкондан, — дедим мен.

— Неча пул экан?

— Бир левию, саксон стотинка (бир сўму саксон тийин), — деб жавоб қилдим мен.

Шунда Павел Янек юрган йўлидан таққа тўхтаб қолди ва:

— И-е, мен бунақа қўнғироқни Габровонинг ўзида икки левидан олувдим, бу ерда арзон экан, иккита олиб олай, — деб дўконга қараб югуриб кетди.

Братиславалик Павел Янек арзон нарсани дарров сезадиган габроволикка айланган-қўйган эди.

### **РУМИНИЯЛИК ВАСИЛИЙ БАРАННИНГ БУ САФАР ОМАДИ ЮРИШМАГАНИ**

Габроводаги кулги байрамига Руминиядан вакил бўлиб келган ҳажвчи ёзувчи Василий Баран билан Соффиядаги «Люлин» меҳмонхонасида ҳамхона бўлиб қолдик. Ёши эликдан ошган бўлса-да ҳали шўх, бироз дали-фули бу йигит рус тилини яхши билмас, унга бириктириб қўйилган Петр Паскалев деган ёши саксонларга борган булғор таржимони Василий кетма-кет қалаб ташлаётган гапларни аранг таржима қилишга улгурарди. Мен хонага кирсам румин ёзувчиси ўз асарларини булғорчага таржима қилдираётган экан. «Мана, кўрасан, эртага Габровода дунё ҳажвчилари орасида мен биринчиликни оламан», — деди Василий. Бу соддадил йигитнинг мақтаниши ҳам ўзига ярашиб турарди. Эртасига у мени шахмат ўйинига таклиф қилиб қолди. «Биласанми, мен французларни ҳам, полякларни ҳам ютганман», — деб қолди Василий. «Қани, бошга тушганни кўз кўрар», дедиму бир зумда уни ютиб олдим. У яна ўйнамоқчи бўлганда мен: «Биласанми, Габровода шахматни ким ютқазса пиво учун пулни ўша тўлайди», дедим ҳазиллашиб. Василий рози бўлдию, яна ютқазиб қўйди. Шундан кейин у мен билан шахмат ўйнамайдиган бўлди. Аксига олиб Габро-

вода ўтказилган ҳажвчилар беллашувида ҳам унга ҳеч вақо тегмади. Аммо Василий ҳамон бўш келмасди. «Мухтор, бугун бизнинг футболчиларимиз Италиялик футболчилар билан ўйнашади, кўрасан, албатта юта-миз», — деб қолди у бир куни. Лекин, афсуски, ўша куни бўлган ўйинда (кечқурун меҳмонхонада томоша қилдик) румин футболчилари ютқазиб қўйишди.

— Бу сафар омадим юришмади, — деди Василий кетатуриб, — аммо кўрасан, Габровода икки йилдан кейин бўладиган кулги мусобақасида албатта биринчиликни оламан, сени ҳам шахматда ютаман, — деди у кулиб.

Омадингни берсин, руминиялик хушчақчақ дўстим Василий Баран! Омон бўлсак кўрармиз ким кимни ютар экан!

### **ЮГОСЛАВИЯЛИК РАССОМ НИКОЛА РУДИЧНИНГ ЎЗ САВОЛИГА ЎЗИ МУЛЗАМ БЎЛАНИ**

Югославиялик кулгили суратлар чизувчи рассом Никола Рудич Ҳажв ва кулги уйи олдида сайр қилиб юрганида оппоққина кучукчани тизимчасидан етаклаб бораётган бир аёлни учратди.

— Кечирасиз, Габровонинг мушуги шуми? — деб сўради у аёлдан.

— Йўқ, бу кучук-ку? — деб жавоб қилди аёл ва меҳмоннинг афтига ташвишланиб қараб қўйди.

### **БИР ГАБРОВОЛИКНИНГ БИЗНИ МЕҲМОН ҚИЛМОҚЧИ БЎЛАНИ**

Кулги байрами кунлари бир меҳмон билан емакхонага кирдик. Ёнимизга икки киши келиб ўтиришди. Танишиб, суҳбатлашиб қолдик. Уларнинг ҳар иккаловлари ҳам габроволик эканлар, аммо битгалари Софияда яшаркан, ҳозир ўзи туғилган шаҳарга меҳмон бўлиб келибди.

Габровонинг ўзида яшайдиган габроволик хийла сўзамол чиқиб қолди, у бизни ўз уйига меҳмонга таклиф қила бошлади, «қўлбола ракиям (ароқ) бор, қуйиб бераман», — деб қистай бошлади. Биз: «Раҳмат, кеч бўлиб қолди», — деб миннатдорчилик билдирдик. Шерикларимиз биз билан хайрлашиб, ўринларидан қўзғолишди. Қараб турсам емакхонада ейилган-ичилган нарсалари учун ҳисоб-китобни Софиядан келган меҳ-

мон қилди. Хайрият ҳам унинг шеригининг таклифига учмаганимиз: ўз уйим деб бирорта қўшнисиникига киритиб юборармиди...

## **БАСТАКОР ИОРДАН ЧУБРИКОВНИ МАҚТАБ СОВФАГА САЗОВОР БЎЛГАНИМ**

Габроводаги қувноқ сайил пайтида катта кўчанинг гавжум жойида маҳаллий созандалар ажойиб куйларни чалишди, шўх-шўх қўшиқлар айтилди. Созандаларни бир кексароқ одам завқ-шавқ билан бошқарарди. Ўша куни кечқурун мен ўша одамни меҳмонхонамининг эшиги олдида учратиб қолдим ва унга чалинган ажойиб куйлар менга жуда ёққанлигини айтиб, ўз таҳсинимни билдирдим.

Ҳалиги бастакор — у габроволик Иордан Чубриков экан, хурсандлигидан мени кучоқлаб ўпди ва мени шу ерда кутиб туришимни илтимос қилди ва беш минут ўтар-ўтмас у бир тўп грампластинкалар олиб келди.

— Бу мендан сизга совға, — дедю, яна шошиб-пишиб қўшиб қўйди: — Тағин, пулга экан деб ўйламанг, мен сиздан бир леви ҳам олмайман...

Ҳа, чин дилдан мақтасангиз ҳатто габроволикни ҳам эритиб юборса бўларкан!

Мен габроволик бастакорнинг совға грампластинкаларини авайлаб олиб келдим, бирор кун эшитиб қоларсизлар.

## **ГАБРОВОЛИК ХОТИННИНГ МЕНГА БИР ДОНА ҚАЛАМПИРНИ ТАРОЗИГА ТОРТИБ СОТГАНИ**

Биз турган меҳмонхонанинг шундайгина ёнида саб-завот дўкони жойлашган экан, бир кўрайчи деб кирсам битта қутида тўла кўм-кўк қалампир турибди. Аччиққа ўчроқ эдим, кўзимга яхши кўриниб кетди, татиб кўрайчи, деб бир донасини олдим-да сотувчига ҳовучимда танга-чақа узатдим. Сотувчи хотин эса қўлимдан қалампирни олдида тарозига зарб билан ташлади, тарозининг миллари бироз қимирлаб қўйгандек бўлди. «Йигирма стотинка» (тийин), — деди сотувчи. Мен пулини тўладиму магазиндан чиқиб кетатуриб «Қаранг-а, бир дона қалампирниям тарозида сотишганини...» деб ўйладим. Лекин... бир дона қалампирни тарозида тортиб сотган зикнами, ёки бори-йўғи бир дона қалампир олганми, буёғини ўзингиз билиб олаверинг...



## ФАЗУ АЛИЕВА БИЛАН ТАРОЗИДА ҚЎШИЛИШИБ ТОРТИЛГАНИМ

Собиқ Иттифоқдан келган ёзувчиларга бошлиқ этиб тайинланган Доғистон халқ шоираси Фазу Алиева ўзи хушчақчақ, лекин торликларга хос эркакшода аёл экан. У дам олиш пайтида менга: «Мухтор, юр, магазинларни айланиб келайлик», деб қолди. Мен рози бўлдим. Фазу Алиева у-бу нарсалар олди, турган гапки мен унга ёрдамлашиб, юкларини кўтаришиб юрдим.

Қайтаётганимизда Фазу хоним кўчадаги одам тортадиган тарози олдида тўхтаб ўзини тортгизмоқчи бўлди. Тарозига чиқди, тушди, кейин тарозибонга ўн стотинка (тийин) берди. Мен тўлаб қўярдим, қўлимда юкларим бор учун улгурмадим. Тарози ҳақи беш стотинка экан, тарозибон қайтим бергиси келмасдан менга «Сен ҳам чиқа қол», деб ишора қилди. Қўлимдаги юкларни Фазу хонимга бердим, тарозига чиқдим. Тушсам Фазу Алиева: «Вой, габроволик-ей, қара-я, менга қўшилиб ўзингни тортгиздинг-а...» деб қотиб-қотиб кулди.

Нима қилти, Фазу Алиева билан бир тарозида тортилганман, деб юраман-да...

## ГАБРОВО БИЛАН ХАЙРЛАШГАНИМ

Габроволикниқига меҳмон келган экан. Кетиш пайтида уй эгаси уни ташқаригача кузатиб қўймоқчи бўлибди.

— Вой, нима қилардингиз овора бўлиб, — депти меҳмон.

— Овораси бор эканми, меҳмон кетса кузатиб биррам роҳат қиламанки, — деган экан габроволик.

Мана, бизнинг ҳам қайтар пайтимиз келди, габроволиклар бизни кузагишиб бир роҳат қилишсин...

Хайр Габрово, хайр, эй ажойиб ва фаройиб шаҳар! Хайр, мард, олижаноб, ҳисоб-китобли, қувноқ одамлар! Сизларнинг ҳаётингиз асоси бўлган пок қалбингиздан чиққан ҳазил-мутойибаларингиз бизни — Кулги байрамингизга узоқ-яқиндан, жаҳоннинг турли бурчакларидан келган меҳмонларнинг юракларини ром, дидларини хушнуд қилди. Биз сизнинг беғубор кулгингиз, қаҳқаҳангизни узоқ-узоқларга, юртларимизга олиб кетамиз ва ўз халқимизга: «Эшитмадим деманг-

лар, дунёда Габрово деган шаҳар бор, унинг одамлари ўзларининг тежамкорликларидан ўзлари кулиб, латифалар тўқишади, бошқаларни ҳам кулдиришади, келинлар, биз ҳам уларга қўшилишиб кулайлик, булғор кулгиси ўзбек кулгисига, бошқа халқлар кулгисига ула-ниб кетсин, инсоннинг бебаҳо бойлиги, зийнати бўл-миш кулги дунёда ҳамиша бору барқарор бўлсин, ҳам-мани ҳам кулгига етказсин!» — деймиз.

### ҲА, АЙТГАНДАЙ...

Азиз ўқувчим, Габровода кўрган-кечирганларимни ҳикоя қилиш билан маҳдиё бўлиб кетиб, нақ бўлмаса муҳим бир нарсани эсдан чиқараёзиман-а. Гап шун-даки, Габровода Халқаро кулги анжумани кунларида махсус ахборотномалар чиқарилиб турилди. Уларда анжуманнинг бориши тўғрисида маълумотлар билан бир қаторда жаҳон халқлари кулгисидан намуналар ҳам бериб борилди. Қуйида сиз ана шу қатра кулги-лардан айримлари билан танишасиз.

\* \* \*

Иккита жинни касалхонадан қочишмоқчи бўлиш-ди.

— Бор, қара-чи, бу ерда девор қанақа экан, агар баланд бўлса остидан қазиб қочамиз, паст бўлса сак-раб ўтамиз, — деди биринчи жинни иккинчисига.

Иккинчи жинни бироздан сўнг қайтиб келдию, қо-воғини солганча деди:

- Э, умуман қочиб кетолмаймиз.
- Нега бундай дейсан?
- Деворнинг ўзи йўқ.

*Йон Тупсие,  
Руминия*

\* \* \*

Икки киши баҳслашиб қолишди.

— Гаров боғлаймиз, — деди биринчиси. — Мен ўз кўзимни ўзим тишлаб ола оламан.

— Қўйсангчи, бу — асло мумкин эмас! — деб унга эътироз билдирди иккинчи одам.

Шунда биринчи одам ўзининг шишадан қилган ясама кўзини олди-ю тишлади-қўйди.

— Яна гаров ўйнамаймизми? Мен иккинчи кўзим-ни ҳам тишлай оламан деди биринчи одам.

— Бе, энди буниси бутунлай мумкин бўлмаган иш!— деб хитоб қилди иккинчи одам.

Шунда биринчи одам оғзидан ясама — қоплама тишларини олди-да, улар билан ўзининг иккинчи — соғ кўзини тишлади...

*Том Блумфильд,  
Тенгенги, Зимбабве*

...

Хитойда А Фан Ти ҳақидаги ҳангомалар жуда кенг тарқалган. Халқ орасида унинг номи топқирлик ва до-нолик рамзи ҳисобланади.

А Фан Тининг кийимлар бўяйдиган мўжазгина устахонаси бор эди. Ўша ерлик бир бой А Фан Тини ҳамқишлоқлари олдида масхара қилмоқчи бўлди-ю, унинг олдига бир тўп кийим-кечак олиб келиб, де-ди:

— Шу нарсаларни бўяб бер, лекин улар қизил ҳам, кўк ҳам, яшил ҳам, сариқ ҳам ва бошқа ҳеч қанақа ранга бўлмасин. Қўлингдан келадими?

— Келганда қандоқ, — деб жавоб қилди А Фан Ти пинагини бузмасдан.

— Буюртмамни олиб кетиш учун қачон келай? — деб сўради бой.

— Қачон хоҳласанг. Лекин якшанба куни ҳам эмас, душанбада ҳам эмас, сешанбада ҳам эмас, чор-шанба куни асло келакўрма, пайшанбадаям келма, жу-мадаям, шанбадаям...

Шундай қилиб ҳалиги бойнинг ўзи масхара бўлди, кийимлари эса А Фан Тида қолиб кетди.

*Шенг Синг Яо,  
Шанхай, Хитой*

...

Бир одам эрталаб туриб ўз шимининг чўнтагига қўл суқиб қарасаки, чўнтаги бўм-бўш.

— Эй, менга қара, — деб бақирди у хотинига. — Чўнтагимда битта ўнталик бор эди, қани?

— Биринчидан, менда бировларнинг чўнтагини ти-тиш одати йўқ, — деди хотини хафа бўлиб. — Иккин-

чидан, у ердаги пул ўнталик эмас, тўққиз сўму етмиш  
тўққиз тийин экан!

*Марсель Салимов,  
Уфа, Бошқирдистон*

. . .

— Швейцариялик ҳақиқий зиёлини қандай қилиб  
таниб олиш мумкин?

— У ёмғир ёғиб турмаганда ҳам музейга киравера-  
ди, ана шундан таниб олса бўлади.

*Вернер Майер,  
Швейцария*

. . .

Иккита сиёсатдон сўзлашиб қолишибди.

— Нима ўқияпсан? — деб сўради биринчиси.

— Карл Майнинг «Капитал»ини, — деб жавоб қил-  
ди иккинчиси.

— «Капитал»ни Карл Май эмас, Карл Маркс ёз-  
ган, — деб унинг сўзини тўғрилаб қўйди биринчи  
одам.

— Ё товба! — деб пешонасига урди иккинчи сиё-  
сатдон. — Айтдим-а, етмишинчи саҳифага қадар ўқиб  
бордим, бирорта ҳам ҳинди чиқмади-я!

*Милован Витезович,  
Белград, Югославия*

**ЯНА АЖАБТОВУР  
ҲАНГОМАЛАР**

## ЯНА БИР МУҚАДДИМА

Ҳурматли ўқувчим, Сиз юқорида каминанинг 1989 йилда Габровога Халқаро ҳажвчилар анжуманига борганимда юз берган ҳангомалар билан танишдингиз. Яхши ҳофиз хониш қилиб бўлганда тингловчиларга ашуласи маъқул келса пастдан туриб: «Жуфт бўлсин-н!»— деб қўйишади. Мен ҳам Сизларни қўлимдан келгунча кулдиришга ҳаракат қилдим, кейин «бўса-бўмаса ёққандир-ов», деб таклифларингизни кутмасданок «жуфт» қилишга қарор қилдим. Яъни, Сизларга кейинги тоқ йили — 1991 йилда Габровога бўлиб ўтган Халқаро ҳажв анжуманида кўрган-кечирганларимни ҳам айтиб, ғалати саргузаштларим билан сизларни баҳраманд қилмоқчиман. Бу сафарги Булғористон сафарим бироз бошқачароқ бўлдики, мен қуйида шулар ҳақда ҳикоя қиламан, ўқиганлар кулиб-кулиб муродларига етсинлар.

### МЕНИНГ БУ САФАР ГАБРОВОГА БОРИШИМНИНГ БОШҚАЧАРОҚ БЎЛГАНИ

Азизлар, подшонинг ишқи қурбақага тушибди, деган гап бор. Энди, ҳар кимнинг таъбию, ҳар кимнинг ихтиёри деганларидек каминанинг чекига кулги тушган бўлса нима ҳам қилай? Замон ўзгариб одамлар ҳозир завўд очяпти, фабрикон қурапти, дўконни тагитуги-ю, ашқол-дашқоли билан сотиб олаяпти. Кўча-кўйларда ёпўну-амриқо машиналари ҳар қадамда фирфир! Кимни кўрсанг кўзи аланг-жалаңг, кимга қулоқ тутсанг «капиратиф», «савдо», «миллион» — деган гаплар. Ана шундай бир «олу-ол», «олмасанг ҳам ол» замонда биз бечоранинг кутгани нуқул «ҳи-ҳи-ҳи»ю, «ҳа-ҳа-ҳа». Нима қилайлик, қўндоқда теккан дард экан, юрибмизда биз ҳам чекингга тушса — чекчайма, деб. Носга ўрганган кашандадай кулгибозликнинг хумори ҳам ёмон бўлар экан, қаердан кулгининг озгина ҳиди чиқдими — тамом, дунёнинг у чеккасида бўлса ҳам қолиш йўқ. Худди Турсунбой акамларнинг бедана

уриштириш деса буёғи Ўшу-Андижон, бу ёғи то Хоразмгача қувиб боришидек гап.

Ўқувчиларимга аён, биз ҳам бундан икки йил муқаддам «Ё, кулги пирларидан мадад», деб шартта сафарга чиқиб, Булғористон деган мамлакатга йўл олиб, у ердаги Габрово деган бир антиқа шаҳарга етиб бориб, ана ўша шаҳри ғаройибда бўлиб, бу мақоңдаги Ҳажв ва кулги уйини зиёрат қилиб, не-не мамлакатлардан келган кулги сўз усталарининг суҳбатларини олиб, кейин катта майдону кўчаларда бўлиб ўтган халқ қизиқчилик юришини кўриб ёқа ушлаб қолиб, кулгининг кучу-қудратига тан бериб, қанчадан-қанча дўстлар орттириб қайтган эдик. Ўшандан бери кулгичликнинг бу маккатулласига ихлосни яна ҳам кучайтириб, кўрган-билганларимизни гоҳ айтиб, гоҳ ёзиб сомию китобхонларни дар имконият кулдириб келаётган эдик. Ва яна ўшанда воқиф бўлган эдикки ушбу Габрово шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба байналминал кулги анжумани бўлади, деб «иншоолло, насиб этса келгуси байрамга ҳам албатта келгаймиз», деб кўнгилга яхши ният билан тутиб қўйган эдик. Умр оқар дарё деганлари рост экан, мана икки йил ҳам ҳаш-паш дегунча ўтдию-кетди, мундоқ ҳисоб-китоб қилиб кўрсак Габровога кулги байрами пайти ҳам яқинлашиб қолаяпти. Аммо нимагадир тўйхона томон жим-житлик, карнай-сурнайдан дарак йўқ. Ҳа, энди ҳамма ёқдаги каби Булғористонда ҳам ағдар-тўнтар тўполон, бунинг устига алақайси гўрдан чиққан «бозор иқтисоди» деган балойи азим, ҳаммаёқда қимматчилик, кулги байрамига йўл бўлсин, деб умидни узиб турган эдик ҳамки Габроводан икки энлик мактубнома келиб қолди. Унда Ҳажв ва кулги уйининг директори (янгиси шекилли) Христа Пенчев мен юборган китоб («Саёҳатлар ва ҳикоятлар») учун миннатдорчилик билдирибди ва «Габровога яна кулги байрами ўтказиш тараддусидамиз», депти. (Бу сафар ҳам мактуб гирт габровоча: «Тўй қилаяпмиз», дейилгану, «тўйга келинг»и йўқ. Ота-онамиз «Айтмаган жойга борма, айтилган жойдан қолма», деб таълим берган эди, «майли, бормасак бормабмиз-да», деб сал аразлаган-симонроқ бўлди. Лекин яна ўша антиқа шаҳарга бориш, унинг ҳар муйилишида бир латифа тўқиладиган кўчаларида юриш, эски дўстларни кўриш истаги сира қўймасди. Бунинг устига «Саёҳатлар ва ҳикоятлар»да ёзганим — Польшалик ёзувчи дўстим Лешек Марута-

дан хат олдим. «Мени Габровонинг бу йилги байрамига таклиф этишди, сен ҳам келарсан?» — деб яна қизиқишимни оширибди пан Марута. Габроводан келган хатни кўтариб яна уюшмамиз раиси Одил Ёқубовнинг олдига кирдим. «Москва билан гаплашиб, ҳал қилиб беринглар», деб уюшма ходимаси Раънохонга кўрсатма берди раис. Аммо Москвадан садо чиқмади. «Ўзимиз идорамизнинг оғзига сув томизиб ўтирибмизку, кулгига бало борми?» — дейишибди уердагилар. Хуллас йўл очилмади, ўзим кетаверай десам Булфористон Асакамидики поездга ўтириб «Ҳайё-хуйт» деб кетавергани. «Оббо», деб бош қашиб турсам журналистлар уюшмасида Булфористонга йўланма бор эмиш», деб эшитдик. Қайдан келди бу ёруғлик деб амал-тақал билан йўланмани олдигу «Қайдасан Булфористон», деб йўлга тушдик. Аммо йўланма Варна шахрига экан, у ердан Габровогача етиб олиш ҳам не-не саргузаштлар билан ўтдики, бу борадаги гапларни кейинги ҳикояларда ўқийсиз, ҳа, нафасни чуқурроқ олаверинг, азиз ўқувчим.

### **ВАРНА ШАҲРИДА БИР НЕЧА МУДДАТ ИСТИҚОМАТ ҚИЛГАНИМ**

Сабр қилсанг ғўрадин ҳолво битар деганларидек неча ранжу-меҳнатлар билан Булфористонга йўл олдик ва Русийё, Украина, Молдавистонлардан ўтиб, Унген деган жойда чегара ошиб (бу ердаги алғову-далғов, дўқ-пўписаларни айтмаёқ кўяқолай) Руминийё мамлакатига, охири Булфористон ҳудудига етиб келдик. Русе деган шаҳарга ярим кечадан оққанда келиб тўхтадик, ҳали пулларимиз булғор пулига алмаштириб улгурилмагани боисидан андак бесаранжомликлар бўлиб ва ниҳоят ўтирма поездга ўтириб Варна шахрига ҳам етиб олдик.

Варна деганлари Қора денгиз соҳилига жойлашган кўп хушҳаво, сўлим маскан экан, бу ерда дунёнинг ҳамма тарафидан саёҳатчилар ёғилишиб келаверишар экан, айниқса «Олтин қумлар» деган узун соҳили ниҳоятда гавжум бўлар экан. Дўконларда мол кўп, лекин баҳо ниҳоятда ҳамин қадар экан. Бу ерда бир кеча истиқомат қилиш биздаги бечораҳол колхозчининг ярим йиллик даромадига тенг экан. Бунни кўриб «Ҳай дариф, мана бу калта иштон кийиб кетини қашиб юрганлар нима каромат кўрсатишибдики уларга бу қадар



айшу-фаровату, жазирама саратон иссиғида кетмон ураётган ҳамюртларим нима гуноҳ қилибдики уларга бунчалик меҳнату машаққатни раво кўрилибди», деб кўнглимиз ўксиб қўйди. «Ҳа, энди тақдир эканда», деб ўзимизни юпатган бўлдик.

## **ЭТИК ТОЗАЛОВЧИ БИЛАН САВДОЛАШГАНИМ**

Бу, бозор иқтисодиёти деган нарса қандай бало эканки ундан ҳар қадамингда озор чексанг, а? Ахир, биродарлар ўзингиз ўйлаб кўринг ҳе йўқ, бе йўқ бир сўмлик нарса ўн сўму, ўн сўмлик нарса юз сўм бўлиб безрайиб турса? Ўз юртингда бир нави чидайсан, ўзга юртда жуда қийин экан. Минг азоб билан бирини ўттизга олган доллар деган пулинга бу ерда ярмини тўласалар, совет пули деган дахмазага биров қайрилиб қарамаса. Шунақа бўлгандан кейин ҳар бир тийин (булфорчасига стотинка)нинг устидан минг айланмай иложинг қанча?

Варна кўчаларидан бирида кетатуриб пойабзал то-залагични кўрдиму, туфлимни тозалатиб олмоқчи бўлдим. Этик тозаловчи уч леви сўради. Бу бизнинг пулимизда беш-олти сўмга тўғри келади. Турган гапки бу нарх қимматроқ туйилди ва биз этик тозаловчи билан савдолашишга киришдик. Лекин у сираям тушмади.

— Савдомиз келишмади, — дедим мен этик тозаловчидан узоқлашатуриб. — Туфли тозаланмаса ҳам бўлаверади, ахир дўстлар диёридамиз-ку. Дўст бошга қарайди, дейдилар, душман оёққа...

## **АНВАРЖОН АБДУВАЛИ ЎғЛИ БИЛАН ШЕРИКЧИЛИККА БИР ДОНА РЎЗНОМА СОТИБ ОЛГАНИМИЗ**

Қимматчилик ҳаммаёқни қоплаб олган бир пайтда турли-туман рўзномалар ҳам бирам кўпайибди-ки! Сўрасак бир донаси фалон пул. «Э, саёҳатда юрганда шартми рўзнома ўқиш!» — деб ўзимизни юпатиб юравердик. Журналистлар уйига келадиган битта-иккита газетани талашиб ўқиймиз (Ахир, улар бепул-да!) Лекин бир куни Варна марказида «Суперсенсация» («Олди-қочдиларнинг энг антиқаси») деган газетани кўрдиму олдидан кетолмай қолдим. Олай десам қимматроқ — икки леви. Ноилож шеригим — радиожурналист Анваржон Абдували ўғлини шерикликка таклиф қилдим. Иккаламиз бир левидан йиғиб шартта

ҳалиги «Супер-сенсация»ни сотиб олдик. Олдин Анваржон ўқийдиган, кейин эса газета менга қоладиган бўлди. Икки габроволик ўртада эшак сотиб олгани ҳақидаги латифанинг худди ўзгинаси дейсиз. Аммо шерикчиликда мен ютдим: Анваржон газетани обдан ўқиб, хийла уринтириб менга берган бўлса ҳам у ҳали бутун — қайта-қайта ўқиш, бошқаларга ҳам ўқишга бериб туриш ва яна масалан, дарсда фойдаланиш мумкин, кейин мулк бўлиб қолаверади. Ҳа, шерикчиликда каллани ишлатган кам бўлмайди...

### **ВАРНА БОЗОРИДА ЮГУРИШ БЎЙИЧА РЕКОРД ҚЎЙГАНИМ**

Дунёда нима кўп — мақол. Ҳозир сизга келтирмакчи бўлган воқеага «Оғримаган бошимга олтин исирға» деган мақол тўғри келармикан ё бўлмаса «Менинг нафсим балодур, ўтдан ўтга соладур» мосроқмикан? Келинг, яхшиси, нима бўлганини бир бошдан айтиб берақолай:

Илгарилари бир мамлакатдан иккинчисига борсангиз бир мунча пулингизни ўша мамлакат пулига алмаштириб беришарди. Энди эса ўз мамлакатингизда Америка пулини сотиб олиб (қимматга) борган мамлакатингизнинг пулига алмаштириб оларкансиз (анча арзонга). Турган гапки, ҳамма жойдагидек бу ерда ҳам расмий алмашлаш билан бозор (хуфя) алмашлаш ўртасида фарқ анчагина. Шу боисдан саёҳатчи зоти борки давлат алмаштириш идорасига эмас, бозорга кўз тикиши табиий бир нарса. Биз ҳам бошқа саёҳатчилар қатори бу заифликдан ҳоли эмас эдик. Шунинг учун Варна бозорида бир қорачароқ йигит келиб: «Доллар борми?» деб пичирлаганда: «Бор», дедик. «Алмаштирасанми?» — «Ҳа». «Қанчадан?» — «Келишамиз». Келишдик ҳам. У тегишли пулни санадию менга берди, мен эса ўзимдагини унга бердим. Савдонинг бунчалик хамир ичидан қил суғургандек битаётганидан оғзимиз қулоғимизда. Лекин... у берган пулнинг чўғи камроқми? И-е, бу ерда ярми ҳам йўғу... Қани улар? (Олувчилар икки киши эди). Ҳу ана, қочиб боришяпти. Тўхта ўғриллар, тўхта!

Товламачи ўғрилларнинг кетидан ўқ бўлиб учдим. Зинфиллатиб қувиб кетаяшман, улар бўлса қочиб боришяпти. Изни йўқотиш, биқиниб қолиш учун у кўчадан бунисига, у муйилишдан бунисига қочишади, мен

эса қўймай бораяпман. Худди саргузаштги кино дейсиз, ҳамма томоша қилаяпти, мен эса бундан руҳланиб табора тезлашаяпман. Бирдан кейинги муйилишда ўғриларнинг ҳар иккалови таққа тўхтаб қолганини кўрдим. «Ол-а, энди муштлашиш бўлади шекилли... ҳалиги нимайди... ҳа карате қандай қилинарди?» Энди ҳужумга чоғланувдим ҳамки ўғрилар инсофга келгандек бўлишди: «Ма, беш долларингни!» «Ма, пулингни!...» Шундагина мен уларнинг олдидан тўсиб чиқиб, ҳужжатини кўрсатиб турган киши — фуқаро кийимидаги полициячини кўрдим. Ўғри — лўлилар унинг олдида тошдек қотиб туришарди.

Орадан анчагина ўтгач шеригим — собиқ талабам Анваржон етиб келди. У ҳам ўғриларнинг қўлга тушганини кўриб кўнгли таскин топди, нафасини зўрға ростлади. Олдирганимизни қайтиб олиб, хурсанд қайтарканмиз Анваржон ҳамон ҳансираб: «Домла, яшанг-е, югуриш бўйича чемпион бўлганмисиз дейман, шу чопаману сира етолмайман-а», — дейди. Мен унинг бу мақтовидан хурсанд бўлиб, илжайиб борардим. Ҳа, Варна бозорида ноиложнинг кунидан қўйган бу югуриш бўйича рекордим сира-сира эсимдан чиқмайди.

## **НАБИРАМ ИСФАНДИЁРНИНГ ТУФИЛГАНИНИ БУТУН БУЛҒОРИСТОН ЭШИТГАНИ**

Азизлар, мабодо сизлар «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир», деган қўшиқни эшитганингиз бордир. Мавлоно Муқимий домла лекин хўб билиб айтганларда. Биз ҳам оиламиз билан (Ҳа, дарвоқе, бу сафарги Булғористон сафарига рафиқамиз Атияхон билан бирга боргандик) Қора денгизнинг ҳув нариги қирғоғида юрибмизу, фикру-хаёлимиз Тошкентда. «Ҳа, мунча, қочиб кетармиди ўша уйлари» дейдиганлар ҳам топилар. Йўқ, биз ҳовли-жойимизу, молу-бойлигимизга ташвиш қилганимиз йўқ (улар ҳам ҳаминқадарли), гап бошқа ёқда. Энди айтмай иложи йўқ — келинимиз кўз ёриши керак эди, шунинг ташвишидамиз. Ою-куни яқин эди, докторлар айтган муддат ҳам келди, биз — хотиним икковимиз кутдик-кутдик: бутун бўлар, эрта бўлар, эсон-омон қутилиб олса биз ҳам бемалол саёҳатимизга кетамиз, деб. Келинимизнинг рабдайига қараймиз, ҳатто ундан «қачон энди?», деб сўраб ҳам қўямиз... лекин дарак йўқ. Энди, жуда қизиқ бўлди,

саёҳатга жўналадиган кун келди, биз ноилож, набирамиз туғилишини кутолмай жўнаб кетдик. Мана, Булғористонга етиб келибмиз ҳамки хабар йўқ, эртаю-кеч фикримиз ўшоғда. Ана энди билгандирсиз биз айтган «Ўзим ҳар жойдаман кўнглим сендадир» кўшиғининг савти-оҳангини! Эрталаб ҳам, кечкурун ҳам хат-хабар пойлаймиз, хотиним кечаси билан дийдиёлаб чиқади: «Ишқилиб, эсон-омон қутилиб олсин-да... Мен нимагаям ташлаб келиб қолдим-а...»

Шу зайлда икки-уч кун ўтдию, тўртинчи куни меҳмонхона ходимаси эшик тақиллатиб келиб қолди: «Телеграмма!» Қўлидан юлқиб олдик: «Сизларни ўғил набира билан табриклаймиз. Исмини Исфандиёр қўйдик». Ура! Яшасин-е!

Қувончимизнинг чеки йўқ эди. Бизнинг хурсандчилигимизга бу ерда дам олувчилар — Халқаро Журналистлар уйи меҳмонлари ҳам қўшилишди. Ходимадан билишибди шекилли, кўрган одам — русми, булғорми, немисми — табриклашяпти денг! Раҳмат, азизлар! Сизларгаям шунақа бахт насиб этсин! Доим яхшилиқдан хабар топинглар!

Шу кунлари булғор радиосидан бир мухбир — Наталья деган аёл келиб қолди ва Халқаро Журналистлар уйи меҳмонлари — биз ҳамкасбларидан сўз ёзиб олди. Навбат менга келганда набирам ҳақида эшитиб қолибди, табриклади. Кўп ўтмасдан бу хабардан бутун Булғористон хабардор бўлди, радио орқали набирам Исфандиёрхонга бағишлаб махсус қўшиқ эшиттирилди. Ҳа, азизлар, бўладиган бола бошидан маълум деганларидек бизнинг набира ҳам чакана эмас, туғилбоқ номи оламга таралдими, улғайганда ҳам худо ҳоҳласа кўп яхши ишлар кўрсатади: мана мени айтди дерсизлар...

### **ОСЕТИЯЛИК БОЛОЖОН АМАКИНИНГ ҚИРҚ ТЎҚҚИЗ МАРТА ҚАДАҲ СЎЗИ АЙТМОҚЧИ БЎЛГАНИ**

Шундай қилиб, азизлар, набирамиз туғилганини эшитиб хурсандчилигимиздан бошимиз осмонга етди, табригу муборақбодлар ҳар томондан ёғилиб кетди. Биз ҳам қараб турмасдан бу хушxabарни ўзимизча, баҳоли қудрат нишонламоқчи бўлдик. Тошкентда бўлсаю набирамиз пойига қўчқор қўй сўйишимиз (бозор иқтисоди-пиқтисодидан қатъий назар) аниқ эди, бу ерда бўлса, ҳар қалай, мусофирмиз. Дам олувчилар-

нинг ҳаммасини чақирайлик десак ҳалиги — леви қурғурдан камроқ. Шунинг учун ўзимизга яқинроғу қўшниларни (яъни «териб-териб») айтиб, набирамизга бағишланган кичикроқ бир зиёфатча ташкил қилдик. Келган меҳмонлар орасида Осетиялик эру-хотин қўш-ниларим, ҳамюртимиз Анваржон ва ошхонадаги ҳам-таом қўшнимиз латиш аёли Ҳеленалар бор эди. Стол устида нону-туршак, консерваю-қазӣ, «у-бу» қўйил-ган, ишқилиб мусофирча дастурхон тузалган, (бирор шиша «обизамзам» ҳам йўқ эмас) эди. Ёши ҳаммамиз-дан катта бўлган Осетиялик журналист Боложон Ху-гаев оқсоқол сифатида зиёфат жиловини қўлга олдию, кавказча расм-русумлар билан қадаҳ сўзи айта бош-лади.

— Биринчи қадаҳни бизни яратган илоҳимиз учун оламыз, — деб таклиф қилиб қолди у. Биз — мусулмон динига мансублар бунақа гапни биринчи эшитиши-миз, таққа тўхтаб қолдик. Ҳатто католик динига сиги-нувчи Ҳелена хоним ҳам ҳайрон бўлиб аста пичирла-ди:

— Бунақа қадаҳ бўлмасди шекилли, а? — деди у саросима билан.

— Бўлади, — деди Боложон амаки ўта хотиржам-лик билан. — Ахир, ҳамма ишни ибтидодан бошлаш керак-да.

У шундай дедию, қадаҳни даст кўтариб сипқарди. Ноилож унга қўшиладик. Кейин косагулимиз томони-дан осмондаги Қуёш учун, Ою-юлдузлар учун, Она-табиат учун, денгиз учун қадаҳ сўзи айтилди. Боложон амаки олдинги қадаҳ энди бўшаши билан навбатдаги қадаҳ сўзини бошлаб юборар, биз унга етиб улгурмас-дик.

Қадаҳ сўзи энди янги туғилган гўдакка келиб та-қалганда зиёфат роса авжига минди-ку, лекин ҳалиги, қурмағур «обизамзам»нинг таги кўриниб қолди. Уйда бўлсак югур-югур қилиб, дўкон қоровулларини уйғо-тиб бўлса ҳам топиб келардигу, лекин бу ерда мусо-фирчиликда, ярим кечада...

— Э, янги туғилган гўдак учун қирқ тўққиз марта қадаҳ кўтариш керак! — деди Боложон амаки тантана билан.

Офарин, дўстим Боложон, гапингизга юз фойиз қўшиламан, кавказча қадаҳ сўзи расми-одатидан ўр-гилиб кетай, лекин қолганига биз қарздормиз, Тош-кентга келсангиз албатта давом эттирамиз! Меҳмонга

келинг, кавказча қадаҳ сўзингиз юзта, мингта бўлмайдим — ҳаммасини эшитиб қўлаб-қувватлашга бажонудил тайёрман!

## **ВА НИҲОЯТ ГАБРОВОГА БОРАР БЎЛГАНИМ**

Варнада дам олиб юрибману икки хаёлим Габрово-да: у ерда Кулги байрами қачон бўладию, менинг бо-ришимнинг иложи топилармикин? Бизнинг Журна-листлар уйдан сал нарида Булгористон ёзувчилари-нинг дам олиш уйи бор экан, шу ерга кириб суриш-тирсам у ердаги ёзувчилар: «Биз шу ерда туриб Габ-ровога бормаймизу, шундан-шунга келганингизга бал-ли-е», дейишди. Ноилож Журналистлар уйдан туриб Габровога телефон қилдик. Габрово Ҳажв ва кулги уйининг директори жаноб Христа Пенчев менинг кел-ганимни эшитиб хурсанд бўлганини айтди ва бўлажак кулги байрамга энди шахсан таклиф этди. Аммо у ўз сўзи орасида бу йилги кулги байрами бироз кичикроқ ўтишини ҳам қистириб ўтди. Энди, шундан шунга — Булгористонга атайлаб шу байрамни деб келган эмас-мизми, «таваккал», деб йўл тадоригини кўра бошла-дик. Габровогача темир йўл чиптасини сотиб олдик, совға-саломлар ҳозирладик. Биз билан бирга борамиз деганлар анчагина эди, байрамнинг кичикроқ бўлиши-ни эшитиб айнишди. Хуллас, меҳмондан меҳмонга де-ганларидек яна сафар жабдуқларини ҳозирлаб, тонг саҳарда «Қайдасан Габрово!» — деб йўлга тушдик.

## **ГОРНО-ОРЯХОВИЦАЛИК КЎЧАТФУРУШ БИЛАН ҲАМСУҲБАТ БЎЛГАНИМ**

Булгористоннинг поездлари жуда ғалати — ўтирма поезд, биздагига ўхшаб қават-қават тахта сўрили эмас, ўриндиқди. Пули ҳам ҳар хил бўларкан: 1-даражалиси — икки баравари — бахмал ўриндиқди, 2-даражалиси — сал мундайроқ — чарм қопламали, 3-даражалиси эса тахтанинг ўзи бўларкан. Нега ётадиган жойи йўқ десак, мамлакати эркин, мустақил, бунинг устига ўзи-га яраша — мўжазгина эмасми — у чегарадан бу чега-рагача ўтириб ҳам етиб олса бўлавераркан. Эҳтимол, келгусида ўзимизда ҳам ана шунақа поездлар бўлсаю, мундоқ шабадалабгина кетсак...

Шундай қилиб, биз эру-хотин Габровога қараб йўл олдик. Чиптаниям 1-даражалисини олган эканмиз,

ҳаммаёқ баҳмал ўриндиқ, ҳашамдор. Бир пайт ана шундай ўриндиққа эски қутиларини кўтариб бир кексароқ киши кириб келдию, бизга ҳамроҳ бўлди. Ким экан десак собиқ темир йўлчи, ҳозирда нафақахўр экан, Варнага помидор кўчати сотгани келиб, қайтаётган жойи экан. (Қаранг, Булғористонда темир йўлчиларга 1-даражали ўриндиқларга бепул чипта беришаркан, эшитиб қўйинглар ўзимизнинг темир йўлчилар).

Ҳамроҳимиз Дмитро амаки хийла хушфезъл одам экан, кета-кетгунча суҳбатлашиб бордик. Кўчатни қанчадан пуллаганию, тирикчиликнинг табора қийинлашиб бораётганлиги, Булғористонда баҳорги ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек кундан-кунга кўпайиб бораётган фирқалару, уюшмалар — ҳеч нарса қолмади. Булғористоннинг ҳозирги аҳволи ҳақида сўраганимда шеригимиз киссасидан битта газетадан қирқиб олинган кулгили суратни олиб кўрсатди. Булғористоннинг кўзи бойлоқлик, уни у уёққа судраяпти, бу — буёққа. «Ҳозирги аҳвол шу, — деди ҳамсуҳбатимиз. — Билмадим, қаерга бориб тўхтар эканмиз. Ишқилиб, оддий меҳнаткашга қийин бўлди-да».

Ҳамроҳимизни оддий кўчатфуруш десак ҳамма нарсани чуқур тушунадиган; оқу-қорани, тўғрию-эгрининг фарқига етадиган зукко одам экан, то Горно-оряховица деган шаҳарга етиб боргунча суҳбатлашиб кетдик. У менинг шундай бир пайтда Габровога кулги байрамига бораётганимни эшитиб, жуда хурсанд бўлди.

## **ЭСКИ ЖУМА ДЕГАН ШАҲАРДАН ЧИҚИБ ҚОЛГАНИМ ВА ОТБОЗОРНИ КЎРГАНИМ**

Юрган — дарё, ўтирган — бўйра деганлари рост экан, мана Булғористоннинг қоқ ўртасидан машриқдан мағрибга қараб бораяпмиз, Варна атрофидаги денгизу қўлтиқлар ортда қолиб кетди, кўм-кўк далалардан, қирлардан, ўрмонлардан ўтдик, далада экин экаётган деҳқонларни, қўй боқиб юрган чўпонларни кўрдик. Йўл бўйидаги шаҳру-қишлоқларни айтмайсизми — бир-биридан сўлим, чиройли. Номларини айтмайсизми — Горно-оряховица («Тоғ ёнғоқзори»), Дряново, Тирново (Ишқилиб, ўзининг исмида, биздагига ўхшаб Фалончиев, Иванов, Петров номли эмас-ку).

Шундай қилиб, у бекатдан бунисига, бу шаҳардан унисига ўтиб бориб, Торговише деган жойга бориб

қолдик. Каттагина шаҳар экан, вагон деразасидан томоша қилиб турсак хонамизга яна бир қария чиқиб қолди. Поезд юрдию, биз шаҳар тўғрисида сўраб-суриштирак қария бирдан: «Бу шаҳарнинг асли номи Эски жума», — деб қолди. «Лекин бу нима дегани — билмайман», — деб тан олди булғор қарияси. Мен бу ерда илгари бозор бўлган-бўлмаганини суриштирдим. «Ҳа, ҳар жума бозор бўларди», — деди қария. Мен «Эски жума» дегани бозор дегани эканлигини, чунки қадим турк халқларида жума дам олиш куни бўлганлигини айтдим. «Ҳозир ҳам бу ерда катта ярмарка бозор ишлаб турибди, дунёнинг турли мамлакатларидан одамлар келишади», — деди отахон. Бирдан темир йўлнинг шундай ёнгинасида тўп-тўп одамлар, отлар, аравалар турганини кўрдик. «Бу ер отбозор», деб изоҳ берди ҳамсуҳбатимиз. Поездимиз отбозор олдидан унча тезлашмасдан ўтиб борарди. Биз тўп-тўп бўлиб от савдо қилишаётган одамларни, кишнаб турган қулинг ўргилсин тулпорларни, аравага қўшиладиган отларни бирма-бир кўриб ўтдик. Қани энди шу ердан яхши от-арава сотиб олсангу бу гўзал юртни от устида томоша қилиб, кейин ўз юртинга ҳам отда кириб борсанг...

Кўп ўтмай Эски жуманинг отбозори ҳам ортда қолди, поездимиз Габровога қараб табора тезлашиб кетиб борарди.

### **БАРБАНОВА БИЛАН ДРЯНОВА ЎРТАСИДА БИРОЗ САРСОН БЎЛГАНИМ**

Габрово деб қўяқолгани билан унга етиб олиш осон эмас экан. Варнадан Горно-оряховицегача етиб келгандан кейин у ердан Старая Загорага борадиган поездга ўтириш керак экан. Бир-икки соат кутиб унга ўтирдик ҳам. Ўша поездда кетиб бораёпмизу биров Дряновода тушиш керак, дейди, иккинчиси эса Барбановода. Бу орада поездимиз Велико-Тирноводан ўтиб бораётган эди. Мен бу шаҳарни таниб олдим, ўтган сафар бу ерга саёҳатга келган эдик. Худди Самарқандни эслатувчи тарихий шаҳар, Булғористоннинг бир пайтлардаги пойтахти, қадимги қасрлар харобалари бор. Мен бу ерда бир ўймакор уста билан танишган эдим. Мана энди Дряново деган жойдан ўтаяпмиз. Бу ерда қадимий ибодатхона бор эди, у ерда бўлгандик, тоғ бағрида узун, қоронғу ғор ҳам бор эди. Энг



муҳими бу ердаги дўконларда жуда арзон моллар сотиларди. Чунончи оёғимдаги туфлини шу ердан йигирма левиға сотиб олгандим, мана бу пишиққина туфлимни икки йилдан бери кияман (Энди бундай туфли икки юз левиға ҳам топилмайди — пойабзал жуда қимматлашиб кетган).

Поезддаги ҳамхоналаримиз — ёшгина келин-куёвлар билан суҳбатлаша-суҳбатлаша, латифалар айтиша-айтиша нақ бўлмаса Старая Загорага ўтиб кетай дебмиз. Хайрият йўлда ҳамхона бўлган мўйсафид бизга Барбановода тушиб, Габровога борадиган поездга ўтиришимиз кераклигини айтиб қолди. Ҳа, Габрово деб қўя қолгани билан унга бора қолиш осон эмас экан, бунинг учун Велико-Тирноводан, Дряноводан ўтиб, Барбановода тушиб, яна поездга ўтириш керак экан. Биз ҳам Дряноводан ўтдик, мана Барбаново... Шу ердан Габровога борилади...

#### **ВА НИҲОЯТ ГАБРОВОГА ЕТИБ КЕЛГАНИМ ВА БУ САФАРГИ КУЛГИ БАЙРАМИДА ИШТИРОК ЭТГАНИМ**

Шундай қилиб поезддан Барбановода тушдигу Габрово поездига ўтирдик. Бу жуда антиқа поезд экан, бори-йўғи ярим соатдан ортиқроқ юрар экан, айрим бекатларда тўхтаганида орқага тисарилиб кетганини айтмайсизми? Бу поездда кетиб бораяпману йўлда эшитган латифани эслайман: Габрово бекатида одамлар тўпланишиб туришган экан, бекат бошлиғи уларнинг олдига келиб:

— Бу ерда нима қилиб турибсизлар? — деб сўрабди.

— Поездни кутиб турибмиз, — дейишибди одамлар.

— Бугун поезд Габровога тўхтамай ўтса керак, — депти бошлиқ.

— Нега? — деб ҳайрон бўлишибди одамлар.

— Чунки машинист мендан ўн леви қарз олган эди, — депти бошлиқ.

Йўқ, бу фақат латифа экан, поезд Габровога бориб тўхтади (бу ер охирги бекат, уёғига йўл ҳам йўқ эканда) ва биз Габровога етиб келдик. Салом Габрово! Салом ажойиб ва ғаройиб шаҳар! Салом кулгисеварлар маккаси! Сени деб қанча йўллар юрдик, қанча манзилларни босиб ўтмадик. Саломат бормисан, азизим!

Шаҳарга меҳр билан тикиламан, мана ўша кўчалар,

ўша уйлар, ўша одамлар. Кўчаларда ҳаракат қизгин, ҳамма ўз тирикчилиги билан овора. Икки йил муқаддам келганимда кўчаларда кулги байрамига оид эълонлар кўп эди, айниқса Габровонинг ҳажвий рамзи — думи кесилган қора мушукнинг суратини ҳар бир қаддамда учратиш мумкин эди. Энди эса у ҳам негадир кўринмайди. Қизиқ. Аммо тўйхона — Ҳажв ва кулги уйи олдида одам гавжум эди. Бизни бу ерда эски танишлар — кулги уйи директорининг муовини Венета Куманова ва бошқалар илиқ кутиб олишди. Мени кутиб олишяптию, лекин мен йўлда эшитганим янги латифани ўйлайман: Габроволикни кита меҳмон келган экан. Уй эгаси уни кутиб олатуриб, шундай депти:

— Офайни, мен сенга нима ёмонлик қилувдим-ки, сен шундай бир пайтда мени кита меҳмонга келдинг, а?

Лекин меҳмонлар мени жуда самимий кутиб олишди, шунча йўлдан кулги байрами деб келганим учун жуда хурсанд бўлишганини айтишди. Кейин бизни Ҳажв ва кулги уйининг янги директори жаноб Христа Пенчев қабул қилди:

— Бу йилги байрамимиз ҳақиқий габровоча ўтаяпти, бозор иқтисоди шунга мажбур қилаяпти, — деб кулади у.

Мен кўчаларда Кулги байрами рамзи — думи кесилган қора мушук сурати кўринмаётганлигини айтдим. Наҳотки бозор иқтисоди сиёсати деган очофат уни дум-пуми билан қўшиб ютиб юборган бўлса?

— Афсуски, шундай, — деди директор.

Маблағ йўқлигидан бу йил халқ сайли-юриши ҳам ўтказилмас экан. Ҳолбуки ўтган ана шундай карнавал-юришда одамлар эскирган тартибларни, жамиятдаги ижтимоий иллатларни аёвсиз масҳара қилиб ўтишган эди. Энди ҳақиқий озодлик, мустақилликка етишилган бир пайтда пул ҳокимияти ҳаммаёқни ўз комига тортиб турса-я...

Аммо ҳаёт давом этарди. Янги инқилобий ўзгаришларни амалга ошираётган булғор халқининг руҳи тушмаган, имон-эътиқоди мустаҳкам. Бунинг Габрово кўчаларида ҳамон янграб турган қаҳқаҳалар, унинг шўх ва қув одамларида кўриш мумкин.

Эртасига Габровода 10-Халқаро кулги байрами тантана билан очилди. Ҳажв ва кулги уйи олдида байрамнинг байроғи кўтарилди. Шаҳар бошлиғи келган меҳмонларни қутлади. Христа Пенчев ўндан ортиқ

мамлакатдан келган меҳмонлар орасида «Тошкентдан жаноб Мухтор Худойқулов», деб каминани ҳам тилга олиб ўтди. Кейин ҳажвий адабиёт, сураткашлик соҳасида мукофотлар берилди. Кулки адабиёт соҳасидаги биринчи мукофот — Айёр Петр номидаги соврин ёзувчи Фозил Искандарга берилди. Каминанинг номи Габрово кулгисини узоқ Ўзбекистонда кенг ёювчи сифатида тилга олинганда гоят таъсирландим. Зеро, мени бу шаҳарга шуҳрату бойлик эмас, кулгига бўлган чин ихлос етаклаб келган эди-да...

### **ГАБРОВО КЎЧАСИДА ЭСКИ ҚАҲРАМОНЛАРИМНИ УЧРАТИБ ҚОЛГАНИМ**

Габрово кўчасида эски қаҳрамонларимни учратиб қолсам бўладими? Эсингизда борми — ўтган сафар ёзганим — польшалик пан Лешек Марута билан пиво ичгани кирганимизда икки габроволик билан бирга ўтириб қолганимиз ва улардан бири — ширакайфроби бизнинг жигимизга тегаверганда мен унга шеригим — пан Марутани халқаро полиция комиссари деб таништириб, қўрқитмоқчи бўлганим, аммо унинг ўзи собиқ милиция ходими бўлиб чиққани ҳақидаги ҳикоя эсингиздами? Ҳа, худди ўшаларни — ҳар иккаловини шундоққина темирчи Рачонинг ҳайкали олдида — кўприк устида учратиб қолдим. Улар ниманидир сўзлашиб кетиб боришарди. Албатта, улар мени танишмади, мен эса танидим. Кейин уларни тўхтатиб, ўзимни танитдим. «Эсингизда борми, икки йил илгари ҳув анув кафедра сизлар билан ўтириб, пиво ичгандик, улфатчилик қилгандик», — десам улар охири эслашди, кулишди. Аммо қаёққадир шошилишиб туришган эканми, бу сафар суҳбатга унча иштиёқлари бўлмади. Мендан кечирим сўрашдию, йўлларига қараб кетишди. Булар — ўша — ҳикоям қаҳрамонлари, хушчақчақ габроволиклар эдилар. Лекин замон уларни бироз ўзгартириб, серташвишроқ қилиб қўйгани шундоққина кўриниб турарди.

### **ТЕМИРЧИ РАЧОНИНГ СУРАТИНИ БУ САФАР ҲАМ ТУЗУК-ҚУРУҚ ОЛОЛМАГАНИМ**

Габровонинг қоқ ўртасидан оқиб ўтган Янтра дарёсининг ўртасидаги тош оролчага шу шаҳарга асос солган темирчи Рачога ҳайкал ўрнатилган. Унинг сувнинг

қоқ ўртасига қурилишини эшитган габроволиклар: «Баракалла, тўғри қилишибди, ҳайкал сувга қурилса ер ёнга қолади», — деб хурсанд бўлишган экан. Мен икки сафардан бери шу ҳайкални яхшилаб суратга оламан дейману сира уддасидан чиқолмайман. Биринчи сафар узоқроқдан олибман шекилли — яхши кўринмади. Бу гал эса кўприк устидан, яқинроқдан оламан, деб энди аппаратимни тўғриласам бир мусича келиб шартга Рачонинг бошига қўниб олса бўладими? Шу ҳайдайман, қани кетса. Охири мусичаю учиб кетди-я, энди оламан, десам шариллатиб ёмғир қуйиб юборди. Хуллас, темирчи Рачонинг суратини бу гал ҳам тузук-қуруқ ололмадим, ажабмас бу орзуим Габровога янаги борганда ушалса!

### **«ҲАЗИЛКАШ»ЛАР БИЛАН ТАНИШГАНИМ ВА УЛАР БИЛАН ИККИ ОФИЗ ҲАЗИЛЛАШГАНИМ**

Булғористонда янги чиқаётган «Шут» («Ҳазилкаш») ойномаси қўлимга тушиб қолди. Янги замон гоъларига хизмат қиладиган бу ойнома ўзининг ўткир ҳажви билан ажралиб турар экан. Унда, айниқса, маъмурий-буйруқбозлик идораси қаттиқ танқид остига олинган. Булғорчани таталаб-таталаб ундаги ҳажвий шеър ва фельетонларни ўқиб чиқдим. Айниқса «Булғористонда алвасти борми?» деган фельетон менга жуда ёқди. Унда Булғористондаги алвастининг «хислат»лари айтилади: у худди бойқушдек ёруғликни ёқтирмайди, худди илондек заҳар сола олади, буқаламундек турланиб туради. Фельетон муаллифи кимларни назарда тутаётганлиги маълум эди. Мен бу дадил ҳажвчиларга қойил қолдим. Габровода байрам пайтида мен «Ҳазилкаш»ларни учратиб қолдим. Улар Любомир Методиев, Анатолий Станкулов деган ёшлар экан. Мен ҳам уларга ўзимни танитиб, масалларимдан айтиб бердим. «Ҳазилкаш»лар билан ҳазиллаша-ҳазиллаша хайрлашдик.

### **ТУРК АФАНДИЛАР БИЛАН ШАКАРГУФТОРЛИК ҚИЛГАНИМ ВА ТУРКЧА ДАСТХАТ ЁЗМОҚЧИ БЎЛГАНИМ**

Мен Габровога бораётиб олдинги сафар танишганим кўп дўстларим — польшалик Лешек Марута (у менга ёзган хатида «бу йилги фестивалга бораяпман», деган эди-да), Руминиялик Василе Баран (у бу йилги

Габрово кўригида албатта биринчи ўринни оламан ва сени (яъни — мени) шахматда ютаман, деб сўз берганди) ва бошқаларни учратаман, деб ўйлаган эдим, афсуски бундай бўлмади. Бу сафарги байрамга ёзувчилар деярли таклиф этилмабди (Ҳатто биринчи ўринни олган Фозил Искандар ҳам). Шу боисдан мен «Етир» мусофирхонасида учратганим икки меҳмон — Туркиялик карикатурачи рассомлар бўлиб чиқишди. Улардан бири — Эрдоган Бўз-ўк Истамбулдаги карикатура ва тасвирий санъат музейининг мудири, Исмаил Гулгеж эса «Жумҳурият» ойномасининг рассоми экан. Биз улар билан яхши суҳбатлашдик, мен уларга ўз китобларимни кўрсатиб, совға этмоқчи бўлдим. Аммо турк оғаларимиз китобларимни қўлларига олгач, уларни ўқиёлмасдан «И-е, бу русча-ку?» — дейишганда кўнглим хийла ўксиди. «Ҳа, афсуски, ҳарфларимиз русча», — дедим мен ва билганимча лотин алифбосида туркча дастхат ёзишга уриниб кўрдим:

Hurmatli turk qardashlarimiza, sox bujuk tilaklar ila muallif.

Туркча дастхатимнинг қанчалик тўғри чиққанини билмадим, аммо турк дўстларимиз уни ўқиб қаноат ҳосил қилишди ва бизлар яхши дўстлар бўлиб хайрлашдик.

### **ГАБРОВО БИЛАН ЯНА ХАЙРЛАШГАНИМ**

Ўтган сафар Габровода роппа-роса бир hafta бўлиб ҳам унинг жамолига, ҳар муйилишдан бир қизик воқеа келиб чиқаверадиган кўчаларига, истараси иссиқ, хушфеъл, ҳазилкаш, қув одамларининг латифанамо гапларига, ҳазилларига тўймаган эдик. Мана бу сафар бир кечаю-кундуз бўлди холос. Шунинг учун яна унинг жамолига, ўзига хос табиати, кулгисига яна тўймасдан кетаяпмиз. Ҳа, бу сафар кулги байрами қисқароқ бўлди, аммо шакарнинг ози ширин, деганларидек таъми овзимизда кетаяпти. Лекин биз аминмизки, бозор иқтисодими, бошқами — меҳнаткаш инсон бор экан, халқ бор экан кулги, ҳазил-мутойиба, латифалар ҳеч қачон йўқ бўлмайди, илло габроволиклар айтганидек жаҳон кула олгани учунгина сақланиб турибди.

Хайр Габрово, хайр инсоний хислатларнинг энг олийжаноби — кулги макони. Бор бўл, саломат бўл,

кўчаларингдан кулги, қаҳ-қаҳа ҳеч қачон аримасин. Янаги кулги байрамида худо хоҳласа албатта учраш-гунча хайр!

### ҲА, АЙТГАНДАЙ...

Бу сафарги байрам кунлари айтилган ва меҳмонлар томонидан тўқилган латифалардан бир шингил эшитинг:

— Бор, ҳовлидаги гулларга сув қуйиб кел, — деб буюрибди хотини эрига.

— Ахир, ёмғир ёғаяпти-ку?

— Ҳеч нарса қилмайди, соябонни тутиб оласан.

*Тан Орал, Туркия*

\* \* \*

Икки ошна учрашиб қолишибди.

— Нега сендан ёмон ҳид келаяпти, ювиниб юрсанг бўлмайдами? — депти ошналардан бири.

— Ахир, мен ҳар куни ювинаман-ку? — депти иккинчиси.

— Унда ваннангдаги сувни алмаштир, — депти ше-риги.

*Леонте Настасе, Руминия*

\* \* \*

Бир киши қўлу оёғи гипсланган ҳолда кўчада зўрқа кетиб боради.

— Сенга нима бўлди, машина уриб кетдимми? — деб сўради ошнаси уни кўриб.

— Йўғ-е, олдимдан болалар чиқиб қолувди, маши-намни тез буриб юбордим.

— Кейин дарахтга бориб урилдингми?

— Йўқ, кроватдан учиб пастга қуладим, ахир, туш кўраётган эдим-да! — деб жавоб қилди ҳалиги киши.

*Радивон Бойчич, Югославия*

\* \* \*

Иқтисодий танглик пайтида габроволикникига меҳмон келибди.

— Дўстим, мен сенга нима ёмонлик қилувдимки, шундай пайтда меҳмонга келдинг? — депти унинг кўзига тикилиб туриб мезбон.

### **ОДДИН НЕГА БИЛМАДИМ-А...**

Бир габроволик Ўзбекистонга саёҳатга келибдию, Бухородаги Минораи калоннинг устига чиқиб атрофни томоша қилибди. Кейин ўзига-ўзи дебди:

— Нега бу балад минорани олдинроқ билмадим-а? Билганимда бутун Ўзбекистонни айланиб чиқмасдан шу ердан кўриб кўя қолардим...

### **ГАБРОВОЛИК ЎЗБЕК ТҶИИДА**

Тошкентга саёҳатга келган габроволикни наҳорги тўй ошига таклиф қилишибди. Қараса: катта дош қозонларда ошлар дамланган, келаётган меҳмонларнинг кети узилмайди.

— Оббо, ўзбекнинг тўйи бунақа бўлишини билганимда бутун Габровони олиб келган бўлардим, — депти габроволик қойил қолиб.

*(Буларини ўзим қойил-мақом қилиб тўқиб ташладим).*

*Адабий-бадвий нашр*

## ГАБРОВО ЛАТИФАЛАРИ ВА ҲАНГОМАЛАРИ

Таржимон ва ҳангомалар муаллифи

М. ХУДОЙҚУЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни

Бош таҳририяти

Тошкент — 1999

Муҳаррир *З. Мирзоҳақимова*

Рассом *В. Куликов*

Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Теришга берилди 15.02.99 й. Босишга рухсат этилди. 29.04.99 й.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Оффсет босма. Балтика гарнитураси. Шартли босма  
табоғи 6,72. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,6. Адади 10000. Буюртма № 3760.  
Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, 700083,  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41**